

Тўра Сулаймон

ИСТАР КЎНГИЛ

*Шеърлар,
дostonлар*

Тошкент

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1984

Y32
0 96

C 4702570200—59 145—84
M352(04)—84

Шеърлар



Улкан йўлга чиқдим, йўлимда
Қайдам, қорли қоялар бордир.
Ўзлимча, ўй-хаёлимда
Қиш билганим балким баҳордир...
Баҳор фасли, баҳор нафаси
Йўлларимга кўп интизордир.

Йўлим тўғри, йўриғим ҳақдир,
Улкан йўлдан кетиб бораман.
Бировлардан қолиб орқада,
Бировлардан ўтиб бораман.
Манзил қайда, гап қайда ҳали,
Билмам, қачон етиб бораман!

Еш боладай тиним билмасдан,
Бирда хиёл шошиб бораман.
Сўқмоқларни кўзга илмасдан,
Дарё мисол тошиб бораман.
Гоҳи боқмай олди-ортимга,
Ўз ҳаддимдан ошиб бораман...

Бўла билмас муродим ҳосил
Шошган билан, адашган билан,
Из қолдирмай юрган йўлимда
Улкан йўлга туташган билан,
Ўз йўлимни топмасдан туриб
Ўзгаларга ёндошган билан.

Манзил қайда, гап қайда ҳали,
Аро йўлда қолгулик қилма,
Ота мерос созим турганда
Ўзга созни чалгулик қилма,
Термаларим, ўланларимсиз
Исму жисмим мангулик қилма.

ОРЗУЛАРИМ

Табиатдан тилагим:
Тутганим олтин бўлса.
Айтганларим юракка
Қўз-қошдай яқин бўлса.

Фозил бахши созидай
Тунни шодон ўтказса.
Ҳалима овозидай
Етти иқлимни кезса.

Ҳамид нафаси каби
Музни эрита олса.
Рақсананинг кўз ёшин
Артиб, овута олса.

Жийрон қуш парвозидай
Ҳеч сояси бўлмаса.
Ҳофизлар шаҳнозидай
Ниҳояси бўлмаса.

Ислоҳ шоир байтидай
Шўх бўлса, қувноқ бўлса,
Қўш булбул баётидай .
Ҳар дилга қўноқ бўлса.

МЕН ҲАМ...

Сафардан бир нафас
Тинмас карвонман.
Зулфия

Мен не умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан кичик карвонман.

Бирга мафтун бўлдим, бирга ҳавасда,
Соҳиби суханга бу жон пайваста.
Қўргулик бор ерда кўнгил шикаста,
Давоси топилмас дардга дармонман.

Кимларга кўклам — қиш, кимга қиш — ёздир,
Кимга кўлмак — теран, уммон саяздир,
Боз туриб қарғанинг умри дароздир...
Лочинмас, қузғунга келан қиронман.

Дардсиз яшамоқлик — дардманлик асли,
Баҳордай бегубор — болалик фасли.
Бу дунёни кўрсам гулга қиёсли:
Боғли, боғчалиман, кўкси осмонман.

Дунё яратмоқлик дунё демакдир,
Матлабсиз кимсанинг сийнаси чокдир.
Эл-юртга муҳаббат буюк қўшиқдир.
Бу юрт, бу Ватансиз беҳол, бежонман.

Менга муаббир ҳам таъбир керакмас,
Таънали, таъмали кабир керакмас,
Алҳол, заволи бор сабр керакмас.
Миннатли мададга тоқатсиз жонман.

Шу ёруғ кунларни кўролмай кетган,
На манзил, на мурод, мақсадга етган,

Баҳор, сенсиз саҳрою
тоғу тошга жон қайда?
Қетма, Баҳор, менинг боғимда.

Улмасликка ишора —
ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора —
замонга ошиқлигим.
Теранликка ишора —
уммонга ошиқлигим,
Гўзалликка ишора —
бўстонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш,
қайда хазонрезгилик,
Қайларда ёз, қайда куз,
қайда жондан безгилик,
Кўкламнинг ҳар нафаси —
умрга арзигулик,
Боғсиз, боғбонсиз ерда
не ҳам қилсин эзгулик...
Қетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш
кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар —
кимларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар отам
ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор эслар уни
қавми қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман,
қишда баҳорга зорман,

Чаманда гул бўйига
интиқман, интизорман.
Куз келмай хазон бўлган
севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз
эл ичра беназарман,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

БОЛАЖОН

(Ўғлим Ҳасанжонга)

Кўнгилга ёвуқсан кўз билан қошдай,
Губори йўқ тонгда чиққан қуёшдай.
Гўзалликка номинг гўё уйқошдай,
Жону жаҳонимиз сенга туташдай
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Зарра хабаринг йўқ дунё ишидан,
Фалакнинг қай йўсин айланишидан.
Атом ваҳимаси, эл ташвишидан,
Кимнинг кулиб, кимнинг қайғуришидан,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Теран, тиниқликда чашмасан, чашма,
Бу олам қаршингда қилар карашма.
Бундан сен қувонма, ҳовлиқма, шошма,
Ҳали манзил йироқ, йўлдан адашма,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Уйнаб, елмоқликдан ўзга ғаминг йўқ,
Бир нафас ҳасратда ўтган дамнинг йўқ,
Кимсада ғаразинг, ўч, аламинг йўқ,
Билгимча, дунёда сира каминг йўқ,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Уйлайсан йил бўйи мудом баҳор деб,
Баҳорсиз бу дунё беътибор деб.
Ҳамманинг бу хилда ташвиши бор деб,
Барчани ўзингдай пок, беғубор деб...
 Ҳавасим келади сенга, болажон.

Офтобдай безавол, оҳудай соқсан,
Сен элик боласи — ўйинқароқсан,
Кўксимизда мудом ўчмас чироқсан,
Гурбатдан холисан, ғамдан йироқсан,
 Ҳавасим келади сенга, болажон.

Оламда сен билан она шодлиги,
Бахти барҳақлиги, умрбодлиги.
Бегард, бедардлигинг — саодатлиги,
Ўксиб, ўкинганинг — дил барбодлиги,
 Ҳавасим келади сенга, болажон.

Сенинг кўзинг билан кўпни кўролсам,
Сенинг сўзинг билан дилга киролсам;
Босган изинг бўлиб гулга ўролсам,
Сенинг ўзинг бўлиб қайта яралсам...
 Ҳавасим келади сенга, болажон.

АЙ ИРМА

(Еш хонанда Нуриддин Ҳайдаровга)

Гар бошимга иш тушар бўлса,
Куз келмасдан қиш тушар бўлса...
Куним қолса номард, нокасга,
Бир бетайин падар билмасга —
Тулки эмас, шердан айирма.

Кўнглим ҳаво боғлаган чоғлар,
Ҳеч гап бўлмайд қолганда тоғлар,

Масканимдан мен тонар бўлсам,
Тониб яна ўртанар бўлсам —
Осмон эмас ердан айирма.

Зебу зарга қилмадим ҳавас,
Ҳалолликнинг ўзи менга бас.
Дўст олдида сарғайса юзим,
Ҳам жонимга тиласа тўзим —
Шўрмас, манглай тердан айирма.

Иўл танладим — етдим муродга,
Танламадим — қолдим уятга.
Иўлдош бўлсам йўриқсиз билан,
Иўл-йўриғи ёруғсиз билан,
Ор-номуси бордан айирма.

Орсизларда армон не қилсин?
Армонсиз бир замон не қилсин?
Қорли кунда, қора кунда ҳам,
Туғал, тўкис, сара кунда ҳам
Олтин эмас, ордан айирма.

Насл-насабдан гап кетар бўлса,
Қимлар кимни камситар бўлса,
Устозларим сози ҳурмати,
Ўлмас ўлан, сўзи ҳурмати
Ғийбат эмас, шеърдан айирма.

ҚАЙДАДИР?

Боғларга ёндашиб, кўкка тутшиб,
Довонлар ошмасанг, маъдан қайдадир?
Ортда қолар бўлсанг кўпдан адашиб,
Орзу-истак тугул армон қайдадир?

Зор билан булбулни фарқ қилмас зотга,
Наф бўлса нокаسدан айрилмас зотга.
Бошга кун туққанда қайрилмас зотга
Еру дўст қайдадир, ёрон қайдадир?

Меҳру шафоат бор, шафқат бор ерда,
Ҳалоллик бор ерда, ҳаром хор ерда,
Барча бирдай ерда, баробар ерда.
Бадномларга ардоқ, омон қайдадир?

Чорасиз кимсага, чоғсиз кимсага,
Кўпдан айрилган — бир боғсиз кимсага,
Суянмоқ истаса тоғсиз кимсага,
Бир муддат армонсиз замон қайдадир?

Не бир кунларингда энг яқин дўстдан,
Туққан, тутинганинг — дили пайваздан,
Жонини аямас ҳамдам, ҳамдастдан
Гумон қилар бўлсанг, имон қайдадир?

Баҳорсиз, боғбонсиз — давронсизларга,
Ҳиссиз, ҳаяжонсиз — бир жонсизларга,
Ўз элидан тонмиш — ватансизларга
Саъва сайраб турган чаман қайдадир?

Одамзод билмаса энди аламини
Урушни, ўлимни, кулфатни, ғамни,
Магар такрорласа даҳшатли дамни,
Сизу бизга еру осмон қайдадир?

У Х Ш А Й Д И

Жонини элидан аямас эрлар
Карвонни бошловчи норга ўхшайди,
Ўз қадрини билмас баъзи беорлар
Еру дўст меҳрига зорга ўхшайди.

Қўшиқларим боғлардай,
тоғлардан ошмас бўлса,
Эл-юрт бахтини куйлаш
менга ярашмас бўлса,
Кўнглимда армон ётар,
Чўкиб ётган нор мисол.

Хешларимнинг бемаврид
кўзларида ёш кўрсам,
Бир мард билан нопокнинг
тақдирин туташ кўрсам,
Қайси бир бегуноҳни
кенг йўлда адаш кўрсам,
Бир бетайин кимсанинг
оёғида бош кўрсам..
Кўнглимда армон ётар,
Терскайдаги қор мисол.

Аро йўлда қолгудай
бўлса бирор йўлдошим,
Манзилга етмай туриб
қоқилса қайғудошим.
Муҳтож бўлса кимгадир
жон аямас қурдошим,
Бадкор деган ном олса
бирон-бир ватандошим,
Кўнглимда армон ётар,
Улаб бўлмас тор мисол.

Гулзорни алаф босса,
зоғ босса боғбон туриб,
Муаллақ қолса кимдир
ер туриб, осмон туриб,
Гар газанда топтаса
тупроқни посбон туриб,

Бир йўртоқ йўл бошласа
қудратли карвон туриб,
Кўнглимда армон ётар,
Аҳволи афгор мисол.

Айрилар бўлса магар
кимда-ким ошёнидан,
Муқаддас тош-тупроғи,
серюлдуз осмонидан,
Қарвон ўз сорбонидан,
бола соябонидан,
Қумри ўз гулшанидан,
Қундуз Зарафшонидан,
Кўнглимда армон ётар,
Бебахт, беназар мисол.

М Е Р О С

Азалдан бор нарса мерос деган гап,
Йиғиб, йиғинарлар топганин мақтаб.
Сўнги кун бисотда борини атаб
Отадан болага қолсин, дедилар,
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
Қирқ қуббали жуган, зарли ёлпўшлар,
Ёқут, олмос мисол «топилмас» тошлар,
Ичи неларгадир тўла болишлар
Отадан болага қолсин, дедилар,
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
Кўммада, қўрада неки бор — бари,
Боғу чорбоғлари, лўкчаю нори,
Боболардан қолмиш қўлдаги тори
Отадан болага қолсин, дедилар,
Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
Ариқ мисол мудом беғубор, софлик,
Хешларга садоқат, душманга дафлик,

Гўрўғли султондай бир сўз, биргаплик
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
 Дунёсиз дунёни бекор, дедилар,
 Тамбаллар ҳар қачон хор-зор, дедилар.
 Эндиги бор савдо, бозор, дедилар,
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
 Тугамас хазина, кетмас бир давлат,
 Етар-етмас кунда сабру қаноат,
 Баланд мартабаю улкан саодат
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
 Чўлпон гўзаллиги, тонг тиниқлиги,
 Офтоб азаллиги, тоғ буюклиги,
 Дониш синиқлиги, қўл югруклиги
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
 Ҳали ушалмаган не орзу-ўйлар,
 Ҳали чалинмаган сеҳрли куйлар,
 Хазонсиз чаманлар, муаттар бўйлар
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?
 Нордай бир бардошлик, тоғдай сабот ҳам,
 Фаровон ризқи рўз, барқарор бахт ҳам,
 Шу боқий умр, шу порлоқ ҳаёт ҳам
 Отадан болага қолсин, дедилар,
 Отамнинг ўзини қайга қўйдилар?

У Х Ш А Р

Куйга куй уланур базм оқшоми,
 Еру кўк хазонсиз фаслга ўхшар.
 Базм оқшоми, бу — назм оқшоми,

Тўйхона баҳорий сайлга ўхшар.

Меҳнат, муҳаббатсиз кечган умрнинг,
Ёмғирсиз булутдай кўчган умрнинг,
Шам мисол бир ёниб ўчган умрнинг
Мазмуни эскирган нақлга ўхшар.

Ҳаққушга хатарсиз ошён муносиб,
Кўклам қушларига чаман муносиб,
Йигит-қизга аҳду паймон муносиб,
Бусиз кўнгил зилу замбилга ўхшар.

Кувёга вафоли қаллиқ ярашмиш,
Тиллари шакар ҳам болли ярашмиш,
На бахтки, юзлари холли ярашмиш,
Келин гулга, кувё булбулга ўхшар.

Келин қайнонага эш бўлиб юрса,
Бўй қизлар ичинда пеш бўлиб юрса,
Таъби равшан, вақти хуш бўлиб юрса,
Юрган ери райҳон, жамбилга ўхшар.

Келинчак бор уйнинг кўрки бўлакча,
Келиннинг кувёга эрки бўлакча.
Бошида укпар, бўрки бўлакча,
Сочлари саҳройи сумбулга ўхшар.

Осмонидан ўлан аримас бу эл,
Юзга кирмай эли қаримас бу эл,
Теграсига қазо даримас бу эл,
Олтин дарвозали Чамбилга ўхшар.

УМР УТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оппоқ тонгни улаб тийрай шомга,
Бирда шак келтириб сирли оламга.
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар.
Бирда голиб келиб тулкисимонлар,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Тенг бўлиб баъзан бир боёқиш билан,
Ёхуд кимларгадир чоҳ қазिश билан,
Уринсиз нола ё навозиш билан
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Денгиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,
Юрар йўлимиздан бирда адашиб.
Қим биландир зимдан мансаб талашиб,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар —
Қутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.
Беҳуда ўтган дам кўнгил эзилар,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,
Чаманлар яратиш ишқида ёниб.
Кўчабузарлардан кўнгил доғланиб,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлиқ не дамларимиз,
Билиб-билмай босган қадамларимиз,
Хайрли иш, алам, карамларимиз,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Элга ҳаёт бахш этиб
дилга тутшиб оққан,
Не хавfli, не хатарли
тоғлардан ошиб оққан,
Бирда Зарафшон, бирда
Сирдай ярашиб оққан.

МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени.
Миртемир

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мажнунтолдай эгай бу кун бошимни.
Узлат қилмиш бу кеч шеър билимдони,
Ўксиб-ўксиб тўкай кўзда ёшимни.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мажнунтолдай қаддим ё бўлмиш, ёраб,
Мангуликка тобин устоднинг номи
Қайтадан дилимга жо бўлмиш, ёраб.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Табиатга айтай арзу додимни.
Не ажаб, ушалса шогирд армони —
Инобатга олса эътиқодимни.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мажнунтолнинг куни тушмиш бошимга,
Жонга-жон бермоқнинг бўлса имкони
Бу жонимни берай бовурдошимга.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шогирдлар бошига тушмиш мушкулот.
Наҳотки зулумат бўлса макони,
Қора ер тагида ётса улкан зот?

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени
Оқиб турган дарё қолмасин тўхтаб...
Оқинни соғинмиш хешу Ватани,
Ҳатто қўмсагандай кўкдаги офтоб.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Зора субҳ еллари келтирса мужда:
Зора бош кўтарса эл покдомони —
Ёруғлик шайдоси, равза шайдоси.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Зора субҳ еллари келтирса мужда:
Умри боқий шоир руҳи қошида,
Вожаб, ўлим ҳам қилмишдир сажда.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Тунд кўнглим Зухродай бўлсин мунаввар.
Шоир шеърятини, шуҳратини, шаънини,
Шубҳасиз, Туркистон тоғидай пойдор.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Устод билан суҳбат қурай бир нафас.
«Бошқа ўғил бўлиб» тонг пайти шоир
Бу «дунёга қайтиб» келганлиги рост...

СИЗНИ ЭСЛАЙМАН

(Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияга)

Қарчиғай учқурлиги,
жайрон бола соқлиги,
Чашмалар тиниқлиги,
дарёлар ўйғоқлиги,
Эзгуликнинг ҳамшиша
кўнгилга қўноқлиги
Борасида бирма-бир

Айтилса тавсиф, таъбир,
Сизни эслайман.

Бўйга тўлган не қизлар
шеър ишқида ёнсалар,
Тушларида, ўнгида
кимнидир соғинсалар,
Биринчи севгисига
суяниб, сиғинсалар...
Туз-намак, нон ҳурмати,
Жону жаҳон ҳурмати
Сизни эслайман.

Қопланар бўлса магар
боғ-роғлар ифор билан,
Ёзда, кузда, аёзда
қирлар лозазор билан,
Ҳар бир дилни забт этиш
мумкин бўлса тор билан,
Фозил отадай тошиб,
Бир шошмай, бирда шошиб,
Сизни эслайман.

Не қорли, қабоҳатли,
не бир армонли кунлар,
Ёрдан айрила тушмиш —
машъум, ҳижронли кунлар,
Азалик, таъзиялик —
қонталош, қонли кунлар
Қай маҳал ёдга тушса —
Юрак-бағрим уюшса,
Сизни эслайман.

«ТОНГ ҚУШИҒИ» чалинса
тонг чоғлари қулоққа,

Қўйилгандай бўлиб чек
умрлик айрилиққа,
«БАХТ ҚУЙЧИСИ» келгандай
бўладир берироққа..
Шундай бир сирли кезде
Ешлар қалқиса кўзда,
Сизни эслайман.

Саодатли кунларда
«ҚУЕШЛИ ҚАЛАМ» билан,
Бирда бардош, бирларда
дард, ҳижрон, алам билан,
Гоҳи тенгсиз жасорат,
гоҳида карам билан
Қуйласа кимдир ёниб
Уртаниб, оловланиб,
Сизни эслайман.

Биби, Гулчеҳраларнинг
мунг не билмас созидан,
Ойдин, Ҳалималарнинг
бехатар парвозидан,
Баҳор, эътиборларнинг
иззат, имтиёзидан
Сўз кетса давраларда,
Тўй-томоша, қурларда,
Сизни эслайман.

«МУШОИРА» кетидан
мушоира уланса,
Оқшом тонгга тутшиб,
диллар дилга боғланса,
Ҳеч тузалмас дардлар ҳам
шеър билан даволанса...

ДЕНГИЗ

(Абдулла Ориповга).

Осмонингда учар
оққанот, ғозлар,
Чуррак, ҳайдаркокил,
ҳаққушу бозлар.
Қўкинтой, оққулар —
овози созлар...
Шу ерда қишлаб ҳам
шу ерда ёзлар.
Бепоен чолқорсан,
қушлар кўлисан,
Лайлак, оқ қўтоннинг
қишлар кўлисан.
Овчининг суралай
ушлар кўлисан,
Толиқса кўнглини
хушлар кўлисан.
Таърифлаб бўлмас бир
тароватинг бор,
Азим дарё билан
машғулотинг бор,
Сокин, беғуборсан,
файзу қутинг бор,
Баъзан телбанамо
аҳволотинг бор...
Қалқийсан, чалқийсан,
чиройга бойсан,
Мурватинг бураса,
оқишга шайсан.
Атрофи сайлгоҳ —
антиқа жойсан,
Ўз ҳолингга қўйса
саноқсиз сойсан...

ИШИМ БОРДИР УША ОХУДА

(Тазмин)

Ишим бордир ўша оҳуда

Ҳамид Олимжон

Ишим бордир ўша оҳуда,
Мени шайдо, мафтункор этмиш.
Кўнглим тонгдай бегубор этмиш,
Эътиқодим бузруквор этмиш.
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз боғда якка ниҳолман,
Усиз бебахт, ҳардам, хаёлман.
Андалибман баҳорсиз, боғсиз,
Ошкёни гулсиз, чароғсиз.
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз қалбим — узилган бир тор,
Усиз дунё — кўзларимга тор.
Усиз бўлмас муродим ҳосил,
Усиз йиғлаб ўтарман зор-зор.
Ишим бордир ўша оҳуда.

Кўз олдимда бўлур намоён
Бирда Ҳулкар, бирда ой бўлиб.
Шунда қайтиб кирар чиққан жон,
Ўксук кўнглим Ҳимолай бўлиб.
Ишим бордир ўша оҳуда.

Бир кўрмасам бўлмас ҳеч уни,
Бир кўришга интиқман, зорман.
Назаркарда ўша оҳуни
Бир кўриш-чун, кун ўтказарман...
Ишим бордир ўша оҳуда.

Унинг шарпа, унинг шамоли
Хаёлларим банду банд этмиш.
Унинг меҳри, унинг камоли
Элда мавқим сарбаланд этмиш.
Ишим бордир ўша оҳуда.

МЕНИНГ ҚОРА ҚУЗГИНАМ

Қўшчинор соясига жон талпинар чоғ эди,
Саратон салтанати — кўк юзи бедоғ эди.

Сой бўйи, сайхонларда
Қўйчиларнинг нағмаси.
Келин уйи, ўтовда
Санамлар ҳангомаси.
Ўркач-ўркач тоғларнинг
Қоясида сор кезар.
Қўз илғамас чўққида
Чўнг мўгуз алқор кезар.
Жайрон бола қайдандир
Тушиб келар булоққа,
Овчининг кўзлари тўрт,
Қелсин деб яқинроққа...
Шу йўсинда ҳафталаб
Дара кезмоқда эдим,
Қуш овлаб, сўна овлаб
Кун ўтказмоқда эдим.
Холи бўлгандай эдим
Оламнинг ташвишидан,
Беномуслар ғийбати,
Нодон дўст олқишидан...
Отда эмас, пиёда
Қанчалаб қир ошгандим.
Гўяндалик аксими
Ҳар қалай адашгандим...

Адашиб кетмоқдайдим
Хатарли жилға бўйлаб.
«Қиз дарди, қимиз дарди»
...Ўзимча нелар сўйлаб.

Ногаҳон малаксиймо бир қиз чиқди қошимдан,
Хурккан бўлди оҳудай суқланиб қарашимдан.

Ақл бовар қилмасди
Минган арғумоғига,
Қўз тегмасин кўзига,
Қирмизи яноғига...
Гўё табиат бермиш
Борлиқ кўҳликлигини:
Марол боқишларини,
Жилға шўхликлигини...
Товланарди сочлари
Асов Сир тўлқинидай,
Безавол, пок нафаси
Айни ёз ёлқинидай.

Калимага келмас тил — таажжубдан лол эдим,
Бошдан учиб ақлу ҳуш, беҳол, бемажол эдим...

Қизнинг кўзи йироқда,
Қайгадир шошар эди.
Туйғундай талпиниши
Бирам ярашар эди.
Фарҳоддан мадад тилаб,
Сўз қотдим тоғ қизига,
Бу гўшанинг тенги кам
Мунаввар юлдузига:

— Лаъли лабинг ол, сулув,
Сочинг мажнунтол, сулув
Оқ юзингга хол бўлсам,
Келмайми малол, сулув!

— Қош қораси, қораси —
Хаста дил садпораси.
Хол бўлгунча бўлурсиз,
Бу жаҳон аввораси.

— Мен овчиман, овчиман,
Тўйларда жирловчиман.
Бу кун сендан дардимга
Даво сўроғловчиман.

— Олтин топган дараси —
Дараларнинг сараси.
Бу оламда бу дарднинг
Топилгайми чораси?!

Бу сўзни айтар-айтмас яйлов томон қиз кетди,
Мен қолдим Мажнун мисол — юрагимга муз кетди.

Дилбар кўнглини топиш
Қазодан қийин эди.
Гар қилсам енгилтаклик,
Айрилиш тайин эди,
Ақлини олсаммикан,
Қайдам, саҳар най чалиб?
Қошки мафтун этолсам
Қошида тинмай чалиб?
Йил ҳам ўтиб боради,
Ўлиб-тирилмоқ қолди,
Ўлиб-тирилмоқ недир,
Сендин айрилмоқ қолди.
Сендан ўзга дардимга
Табиб топа билмасман.
На мурод, на-да мақсуд,
Ҳабиб топа билмасман.

Эликдай поклигинга,
Сувдай синиқлигинга.

Олқордай соқлигингга,
Сутдай тиниқлигингга

Сигин десанг, сигиниб гард, губор қўндирмасам,
Бешафқат рашк ўтида куйдириб, ёндирмасам,

Кутармидинг боришим
Бу гал интизор бўлиб?
Онг ичардим ўшанда
Мен вафодор ёр бўлиб:
Сендан ўзгани десам
Қон ютай лахта-лахта,
Елғиз ўтай, зор ўтай,
Бир умр айрилиқда...

* * *

Дилда армон не қилсин,
Давр яхши, даврон яхши.
Ким дегай ҳақ бор жойда
Бадном, бадгумон яхши?!
Олмалиқ атрофида
Ёридан қўйчибон шод,
Қўйчибон — каминангиз,
Бундан моҳитобон шод.
Қўйчибон бўлган билан
Қўлдан соз тушганча йўқ,
Аввалги оҳангидан
Чалғум адашганча йўқ.
Акс ҳолда авж пардаси
Авж олмоқда кун сари
Ва лекин талпинар дил
Баъзида Сайхун сари...
Бизни сўраб ким келса,
Хизматида торимиз,
Ҳамдард, ҳамнафас бўлса,

Тарқагай ғуборимиз,
Пешвоз чиқар қошига
Маним қора кўзгинам,
Ўзи бепардозгинам,
Ўзи дилнавозгинам...

САДАҒА

Хумор кўзлигимдан бу жон садаға,
Бу жон нима эмиш, жаҳон садаға.
Қилмагил бу сўзга гумон, садаға,
Сенсиз рўйим бўлар сомон, садаға.

Лола сендан олмиш ўз оллигини,
Барчин ўз лафзининг ҳалоллигини.
Тан олмас сенингсиз ой ойлигини,
Қошингда лол қолур жайрон, садаға.

Баҳордай дуркунсан, бир сарвинозсан,
Хушласанг чиллада кўкламсан, ёзсан.
Қаҳринг келса магар дўлсан, аёзсан,
Бағримни этмагил гирён, садаға.

Сулув, сен сабабли афсунсозлигим,
Замину замонга ишқибозлигим.
Умринг боқий бўлсин, гул оразлигим,
Бу кўнгил сен билан шодон, садаға.

Раҳм айла, васлингга ташна қалб зордир,
Кўзларим йўлингда кўп интизордир,
Масканим — Гулистон, бир чаманзордир,
Бир оқшом бўлиб кет меҳмон, садаға.

Я Р А Л М И Ш

Сен пайдо бўлган боғда
Зоғ бўлмас, хазон бўлмас,
Булбуллар навосида
Дард бўлмас, нолон бўлмас.
Ошиқ ҳоли танг бўлиб
Кўксида армон бўлмас,
Йўлчивиндек саргайиб
Ранг-рўйи сомон бўлмас.
Чилла чоғи қишда ҳам,
Бир ўнг эмас, тушда ҳам
Босган изларингда бўстон яралмиш.

Ҳар кўрганда бўйингни
Кўзим қамашса, нетай?
Қувончларим қалбимда
Денгиздай тошса, нетай?
Танда жоним жонингга
Зимдан туташса, нетай?
Толеи, иқболимга
Бу ҳол ярашса, нетай?
Бахтим, баётим учун,
Порлоқ ҳаётим учун
Сен каби кўзлари чўлпон яралмиш.

Жонимиз бу диёрга
Кўз-қошдай туташ асли,
Тоғу тошлари билан
Номимиз уйқаш асли,
Дастурхон, хирмон гапми —
Уртада Қуёш асли,
Бунда бирнинг бахтига
Барча тилакдош асли.
Суюклигим, элдошим,

Отадош, ватандошим
Шу она тупроқда шодон яралмиш.

Бу элда поймол бўлган
Гул, гулбоғни кўрмадим.
Ҳеч бир кўнгил, юракда
Армон, доғни кўрмадим,
Ташландиқ ҳолда сўнган
Шамчироғни кўрмадим,
Андалибсиз, боғбонсиз
Бир чорбоғни кўрмадим.
Чаманли, боғли элда,
Сўнмас чироғли элда
Булбулга муносиб ошиён яралмиш.

Одамзод бу оламда
Тугал, камсиз яралмиш,
Бироқ кимлар карамсиз,
Қимлар ғамсиз яралмиш.
Ўз қадрини билмаслар
Дўст, ҳамдамсиз яралмиш,
Севиб, севилмаганлар,
Сўзсиз, шамсиз яралмиш.
Неча асрлар оша,
Бахтимизга яраша
Тимсолсиз бу қутлуғ даврон яралмиш.

МЕНИ МАФТУН ҚИЛМОҚ ИСТАРСАН...

Ўйлатмаган сен эдинг,
Сўйлатмаган сен эдинг,
Не бир кўйларга солиб
Куйлатмаган сен эдинг.

Бирда сайратиб, бирда
Бўзлатмаган сен эдинг,
Мени Мажнун қилмоқ истарсан...

Қуймай десам куйдириб,
Ёнмай десам ёндириб,
Кузимни қиш, қишимни
Баҳорга айлантириб,
Бир дамда ўтга солиб,
Бир дамда ўртантириб,
Мени Мажнун қилмоқ истарсан...

Армон қолгайми менда
Сен келганда кун мисол,
Сен келганда кун мисол,
Кўнглим ҳам бутун мисол.
Гоҳида Жайхун мисол,
Гоҳида Сайхун мисол,
Мени Мажнун қилмоқ истарсан...

Сен ўзга бир карашма,
Сен ўзга бир ноз билан,
Баъзида ноз аралаш
Ўзга бир араз билан,
Сўз бўлмаса саз билан,
Саз бўлмаса роз билан
Мени Мажнун қилмоқ истарсан...

Сенингсиз бу оламда
Созим, созлигим қайда?
Олма юзлигим қайда,
Қора кўзлигим қайда?
Қора кўзлигим тугил
Ўзим-ўзлигим қайда?
Мени Мажнун қилмоқ истарсан...

КУРГИМ КЕЛАДИ

Дилоромга

Чаман-чаман гулзорнинг
Кўрки, кўркамлигини,
Юлдузларнинг саҳарлар
Сирли, бекамлигини,
Тўлиқ ойда ҳамиша
Еруғлик жамлигини
Сенинг жамолингда кўргим келади.

Тоғ бўлса — баланд бўлса,
Ер-кўкка монанд бўлса,
Кўнгилда доғ не қилсин
Дил-дилга пайванд бўлса.
Орзуларим эзулик
Билан мудом банд бўлса,
Қадду камолингда кўргим келади.

Боғ-роғлар эпкинини,
Авжи чилла-қишда ҳам,
Мушки ноб бўйларини
Тўй-ҳашам нолишда ҳам,
Субҳи содиқ елларин
Унгим тугул тушда ҳам
Шарпа-шамолингда кўргим келади.

Бўйга тўлган қизларнинг
Беғубор кулгиларин,
Беғубор кулгиларин —
Саодат белгиларин,
Табиатнинг инсонга
Танқис бир улгуларин...
Юздаги холингда кўргим келади.

Чўлпон порлоқлигидай
Танҳо, танқис бир дамни,
Тундан йироқлигидай
Тугамас бир карамни,
Тунда ой, кундуз кунни —
Азалий ўчмас шамни
Бахту иқболинга кўргим келади.

СУЛУВ

Сир бўйида бир сулув,
Кўпдан сақлаб сир сулув,
Сувдан сўраб тургандай,
Тушига таъбир сулув...

Субҳ елидан маст бўлиб
Ҳаққуш сайрамоқдайди,
Қайлардадир най саси...
Кўнгил яйрамоқдайди.
Она-бола қалдирғоч
Ҳали қўналғасида.
Гурунг қурилганча йўқ,
Сарҳовуз ёқасида.
Чорвадорлар ҳай-ҳуйи
Чотқол этакларида,
Дорилпаёҳ ташвиши
Жон-жонивор барида...
Тоғлар тўши ёришди,
Демак тонг отаётир,
Бўса тилаб бир гўзал
Ерин уйғотаётир.
Хулкар ҳам оғди ҳисоб
Нақ тушликда торози,
Қайдам кечган бу тундан
Ким рози, ким норози...

Мен шу саҳар Сир бўйин
Сайр этиб кезмоқдайдим,
Не учун мен бу тунни
Бедор ўтказмоқдайдим?
Тулпори тойларимни
Ёйиб қўйиб тўқайга,
Термилиб сомон йўли,
Зухал ҳам тўлин ойга
Севмоқ, севилмоқликнинг
Сирин ўрганмоқдайдим,
Ёр васлига етмоқнинг
Дардида ёнмоқдайдим...

Сир бўйлаб кезмоқдайдим.
Ўзим севган сувчи қиз,
Кўпдан бери ишқида
Мани куйдирувчи қиз
Сув бўйида турарди
Гулбиёрдай товланиб,
Чақнаб турган тимқора
Кўзлари порлаб, ёниб.

Сарви дейми, Санобар
Алифдай туришини?
Ўксимасми ўхшатсам
Ғунчага кулишини?
Заркокилга муҳтожмас,
Сирға на тиллақошга,
Учмайди, учмагʻай ҳам
Забаржад, олмаос тошга!
Мушки тотар, упорсиз
Сочнинг ўзи офати,
Мани афсунсоз этган
Шу қизнинг шарофати.

Қарғашойи кўйлаги
Монанд тушган бастига,
Тополмасдим ҳеч қиёс
Қошининг пайвастига.
Қиз сувга ёвуқ келиб,
Салом солгандай бўлиб,
Тилсиз ва тинсиз сувдан
Сал уялгандай бўлиб
Суралайдай силаниб,
Айта бошлар тушини,
Бир тушимас, ройиши
Ҳам борлиқ қоҳишини:

— Гул шодаси, шодаси,
Булбул гулнинг адоси,
Бошга тушди бу оқшом
Муҳаббат ибтидоси.
Туш кўрибман, тушимда
Баланд чўққидамишман,
Чўққидан чўнг қояга
Чиқмоқ машқидамишман.
Қирлар оша қоқиниб,
Соя келса сарсон бўлиб.
Қўйлар кезган ўр келса,
Мушкулим осон бўлиб,
Кетмоқдайдим қаршимдан
Поёни йўқ жар чиқди.
Чор-атрофи чоҳ мисол —
Таппа-тайёр дор чиқди.
Бир маҳал тоғ лочини
Чарх урармиш бошимда,
Жон сўрасам бергудай
Парвонамиш қошимда.
Қани чиқ қанотимга,
Айт, қайга қўнай дермиш,

Неки фармон айласанг
Мен шунга унай дермиш.
Фалокатдан қутқарди,
Ўтинчим бажо айлаб,
Мен қолдим яхшилигин
Бу кўксимга жо айлаб.
Лочин ўша йилқичи
Суйган йигитим бўлиб,
Ишқ ўтида ўртаниб,
Куйган йигитим бўлиб.
Маъшуқасин кўрмоққа
Кўпдан мунтазир бўлса,
Бу бошга савдо тушган
Чоғларда ҳозир бўлса,
Қайс бўлса Лайлосиман,
Соз бўлса садосиман.
Отаётган тонг ҳаққи,
Йўлида адосиман.
Муборак Сир, тўғри йўй
Саҳар кўрган тушимни,
Ерга етказ кўйида
Ўртаниб-ённишимни...

Қиз гўё сархуш бўлиб
Унутғанди борлиқни,
Сездим у ҳам кечирган
Бошдан интизорликни.
«Ҳа» сўзини ололмай
Доғда эдим ман ҳануз,
Узун тунлар тўлғаниб,
Ютмоқдайдим қон ҳануз.
Шодмон эдим ман бу кун
Ният холислигидан,
Ҳижрон деган балонинг
Мандин олислигидан.

Сирга айтиб сирини,
Уз ишига қиз кетди,
Дарё бўйин тарк этиб,
Мисоли қундуз кетди.
Пахтазорга сулув сув
Тараш билан банд эди,
Ҳар шона, ҳар кўсакка
Жон-дили пайванд эди.
Мен ҳамон хилватдаман
Лек кўзларим сувчида —
Шарми ҳаёси билан
Жонимни олғувчида...
Ошиқлик-да, не қилай,
Мен май ичмай маст эдим,
Наздимча: қиз кўнглига
Кўз-қошдай пайваст эдим.

ТАНИМАДИНГМИ?

(Сулаймон Рустамга ўхшатма)

Ешлик тарк этмишдир боғларимизни,
Куч-қудрат — суянган тоғларимизни,
Дунёга бергусиз чоғларимизни,
Бўй-баста камонни танимадингми?

Ногоҳ айри тушмиш йўлларимиз ҳам,
Турли-туман кечмиш йилларимиз ҳам,
Бир эди эътиқод, ўйларимиз ҳам,
Нотавон, нодонни танимадингми?

Ишқингда паришон хаёлли, ўйли,
Гоҳида қаро йўл, гоҳи оқ йўлли,
Бирларда армонли, бирда минг қўйли
Соҳиби суханни танимадингми?

Сенингсиз на еру, на осмонда мен,
Беқарор — на аҳду, на паймонда мен —
Ҳеч кимга ўхшамам бу жаҳонда мен,
Лол ҳам ломаконни танимадингми?

Менинг учун меҳринг бир уммонга тенг,
Юз-кўзларинг шаъми шабистонга тенг,
Висол, васлинг тахти Сулаймонга тенг,
Жисмингдаги жонни танимадингми?

Сенга борлигини бахшида этмиш,
Бир умр йўлингга кўз тутмиш, кутмиш,
Сен бор ерда ўзлик, ўзин унутмиш,
Тўра Сулаймонни танимадингми?

КЕЛАРМИСАН?

Кўзларим йўлларингда
Зор, гирён, келармисан?
Дилдорсиз не ҳам қилсин
Тайда жон, келармисан?

Бу ташна лаб, ташна дил,
Бу ошуфта кўнгилга
Жон ато қила билмиш
Зарафшон, келармисан?

Гулшаннинг қулф уриши
Абри найсон биландир,
Сен билан боғ-роғларим
Беҳазон, келармисан?

Севиб, севилмаганлар
Бебахт бир кимсалардир,
Сенингсиз бўлмас бағрим
Фаровон, келармисан?

Ёр меҳри, диёр меҳри,
Эл меҳри турган ерда
Не ҳожат менга тахти
Сулаймон, келармисан?

СЕНИНГСИЗ...

Баркамол ёшинг қутлуғ,
Ажаб қайрилма қош қиз.
Соҳибжамоллигига
Ой билан кун талош қиз.
Узи, кўзи, ой юзи
Танда жонга туташ қиз.
Жунун савдосин солма
Бу бошга париваш қиз.

Тилга киргайми ёрсиз
Созчининг таронаси?
Сенсиз келган кўкламнинг
Борми экан маъноси?
Васлингга етмоқ мудом
Шайдойинг таманноси.
Сенмасми мани этган
Беқарор, бепардош, қиз?

Мен учун бу дунёнинг
Қўркамлиги сен билан,
Беармону беафғон,
Бекамлиги сен билан.
Ун саккиз минг оламнинг
Оламлиги сен билан.
Бу жаҳонда кўрмасин
Шаҳло кўзинг ҳеч ёш қиз.
Сулув, сеингсиз кўзга
Кенг жаҳон тор кўринур,

Тоғларда унган лола
Урнида қор кўринур,
Бу лаб бир қатра сувга
Ташнаи зор кўринур,
Тобакай бўлгаи сани
Ошенинг Шош, қиз?

НОМА

(Ҳазил)

Кута-кута кўзларим
 толиқиб-толиб бўлди,
Ранги рўйимни кўриб
 рақибим ғолиб бўлди.
Паришон бир ҳолимга
 улус уялиб бўлди,
Бир сизга шайдолигим
 элга таралиб бўлди,
Деган гапни билиб олдим номангдан.

Соғиниб-соғинмоқдан
 паймонам тўлмоқдадир,
Ишқ ўтида жигарим,
 бағрим қоврилмоқдадир,
Орзу-ҳавас, ўйларим
 кўкка соврилмоқдадир,
Дарё қундуздан, офтоб
 ойдан айрилмоқдадир...
Деган гапни билиб олдим номангдан.

Қиш ўтиб, кўклам келди,
 ҳамон сиздан хабар йўқ,
Йўлингизга оламда
 менингдай интизор йўқ.

Сизсиз менга диловар,
сизсиз менга табор йўқ,
Ҳар сўзи менинг учун
мўъжиза, мўътабар йўқ,
Деган гапни билиб олдим номангдан.

Мен юрарман бир ҳолда
бунда сизни ёд айлаб,
Бирларда ўз кўнглимни
ёш боладай шод айлаб,
Бошига менинг куним
тушганга имдод айлаб,
Бу дунёда бир сизни
ўзимга дилбанд айлаб
Деган гапни билиб олдим номангдан.

Кўнглимнинг кимдалигин
юрдим кўпдан сир тутиб,
Дард ёролмай кимсага
лахта-лахта қон ютиб,
Сизнингсиз еру кўкда
борлигимни унутиб,
Қай кезлар табиатдан
бемаврид ўлим кутиб
Деган гапни билиб олдим номангдан.

Дебдилар, ошиқларнинг
танда жони бир бўлур,
Бир-бирининг йўлига
кўзи мунтазир бўлур,
Бора-бора номлари
эл ичра машҳур бўлур,
Сабр туби — сайри боғ
деган бир таъбир бўлур
Деган гапни билиб олдим номангдан
Ва бу хатни беривордим момонгдан.

У И Н А С А...

(Дилафруз Жабборовага)

Сайри боғ бошланур денг,
раққоса қиз ўйнаса.
Ёшлик олқишланур денг,
раққоса қиз ўйнаса.
Товус товланиши ҳам
элга бағишланур денг,
Раққоса қиз ўйнаса.

Ҳовуз бўйи қайрағоч,
барглари майда-майда,
Боғсиз, баҳорсиз ерда
гул қайда, булбул қайда.
Санъатига, сеҳрига
ҳар ким ҳам бўлур шайдо,
Раққоса қиз ўйнаса.

Саҳнага қир лоласи
кўчиб келгандай бўлур,
Кўклам чоғи қалдирғоч
учиб келгандай бўлур,
Гўё оҳу қайлардан
чўчиб келгандай бўлур,
Раққоса қиз ўйнаса.

Фурсат ўтмай тун тонгга
айланади шекилли,
Тонг юлдузи саҳнада
товланади шекилли,
Тўп кабутар учмоққа
шайланади шекилли,
Раққоса қиз ўйнаса.

Гүё ой ҳам тўлишиб,
кўк юзи тиниқ тортар,
Юлдузлар жамолига
бу дилда ҳавас ортар,
Саф чеккандай чаманда
гуллар ҳам турнақатор,
Раққоса қиз ўйнаса.

Гулхан мисол юраклар
Лов-лов ёнса не ажаб,
Гулхонага ўт тушиб
Оловланса не ажаб,
Хира юлдуз қуёшга
Ҳам айланса не ажаб,
Раққоса қиз ўйнаса.

Сайри боғ бошланур денг,
Раққоса қиз ўйнаса.
Ешлик олқишланур денг,
Раққоса қиз ўйнаса.
Санъатимиз, созимиз
Элга бағишланур денг,
Раққоса қиз ўйнаса.

ТУЗОҚ

Киндик қоним тўкилган
Тупроқдан йироқдаман.
Боғдоддан бери, Шомдин
Хиёл нарироқдаман.
Ўзга эл, ўзга юрт бу,
Ёр қайда, ёрон қайда?
Ўз уй — ўлан тўшагим,
Ул ширинзабон қайда?

Мен қайдаман, қайларда мушфиқ онаизорим?
Ой ҳам ўтмай орадан йўлимга интизорим?

Биринчи бор тушиши
Мусофирлик бу бошга.
Хабар бер деб юртимдан
Елвораман қуёшга.
Бўлакчадай бу ерда
Бу дунёнинг ишлари,
Қанча-қанча кўргулик —
Тугамас ташвишлари.

Бирлар шоҳ, бирлар гадо, бирлар парча нонга зор,
Бирлар ватандан жудо, бирлар ватандин безор.
Кўза синдирган азиз, сув келтирган хору зор,
Иззатда келгиндилар, келгиндидан алҳазар...

Бирда ўхшатгинг келар.
Бу оламини бозорга.
Бирда ўхшатгинг келар
Тайёр қурилган дорга.
Бирлар жон қайғусида,
Бирлар қон қайғусида.
Қай бирлари салтанат
Ё жонон қайғусида.

Тонг азонда шаҳарни сайр этиб кезмоқдайдим,
Шу йўсин бу наҳорни шодмон ўтказмоқдайдим.

Рўпарада шинам бир
Боғ чиқди, бўстон чиқди.
Йўқ, боғу бўстон эмас,
Гўё гўристон чиқди.
Боғ ўртаси шосуна,

Гул ҳовуз айланаси,
Бир ёнда мунг, бир ёнда
Чолғувчи таронаси.
Ёши салкам етмишга
Етиб қолган бир банда
Қилмиш, қидирмишлари
Бошдан-оёқ шарманда,
Қиз олиб, қиз қўйишдан
Армони қолмаган зот,
Беномусликда элу
Юртдан уялмаган зот
Нонушта қилмоқдайди
Олам билан иши йўқ.
Ишрат қилишдан бўлак
Дунёда ташвиши йўқ.
Набираси тенги бир
Сумбул соч хизматида,
(Бор эканда бу кулфат
Қизчанинг қисматида.)
Бойдан имо бўлса бас
Келтиради печвон¹ қиз,
Тириклайин кўмилган
Кўкси тўла армон қиз.
Сайрамасди булбулдан
Бўлак боғда бирон қуш,
(Асли бу боғнинг тенги
Булбул эмас қирон қуш.)
Бойнинг қилмишин булбул
Гўё олқишлар эди.
Юз бир оҳангда сайраб
Кўнглини хушлар эди.
Бой кўнглин хушлаб қизга
Оч назар ташлар эди,

¹ Печвон — Жаҳонгир шаҳаншоҳнинг хотини Нуржаҳон бегим томонидан ихтиро этилган чилим.

Шўринг қурғур қиз эса
Кўзини ёшлар эди.
Мен шу чоғ бу булбулни
Ухшатдим қарға-зоққа
Е у ҳам тушганмикин
«Олтин қафас» тузоққа?

МЕН ҚАЙГА БОРАР БЎЛСАМ...

Термаларим, термалар
Унгимда ҳам тушимда
Кўринасиз кўзимга,
Ҳатто қилган ишимда —
Улфатимсиз, термалар.

Отадан олтов эдик,
Сен-ла етти дегулик.
Қуй-қуйлашим бор менинг,
Қайда бўлса эзгулик —
Қанотимсиз, термалар.

Мен қайга борар бўлсам,
Унда барқарор бўлсам,
Қўшиқ тўқиш кўйида
Тунлари бедор бўлсам,
Изнимдасиз, термалар.

Уша кўзи хуморни
Кўрмоққа хуштор бўлсам,
Соғинсаму, сўзига
Интиқ, интизор бўлсам,
Назмимдасиз, термалар.

Терма — бобонгнинг сўзлар
Сўзи бўлган, дейдилар,

Етук, дилкаш оқиннинг
Ўзи бўлган, дейдилар,
Отамерос термалар.
Юз куйда куйланасиз,
Чўпонларнинг найида...
Юз рангда товланасиз.
Йўлчиларнинг раъйида...
Нурга қиёс термалар.

Т У Ш М А С И Н

(Ҳазил)

Ҳулкар ботиб боради, Ҳулкар ботиб,
Ҳадемай ой кўринар нур таратиб.
Эл уйқуда. Йўл олди қайларгадир.
Овчи йигит отини йўрғалатиб.

Булоқ бўйи манзили, булоқ бўйи,
Не билан қайтар?— шунда борлиқ ўйи.
Овчилик ота касби, бобо касби,
Кийиклар бу овчининг кўзи-қўйи.

Қўлдаги «қўшоғизи», «қўшоғизи»—
Гўшадаги қушларнинг ялмоғизи.
Қорсоқлар қон-қақшайди қопқонидан,
Тамоми хавф-хатарли босган изи.

Тонг ҳам отиб келади, тонг ҳам отиб,
Ёруғликни тоғ-тошга оралатиб.
Оппоқ тонгни қаршилаб ўлан айтар,
Қирда чўпон қўйларни кўзилатиб.

Келади жайрон бола, жайрон бола,
Булоқ бўйига кўнгли вайрон бола —

Куни кеча онаси ўққа учган,
Дунёнинг ишларига ҳайрон бола.

Бу тоғнинг алқорлари, оҳулари,
Товуслари, товушқон, оққувлари
Сув ичгали булоққа тушиб келар,
Қўлда эса турнанинг қий-чувлари.

Булоққа тушиб келар, тушиб келар,
Анов қорли қоядан ошиб келар.
Қўлда челақ сулув қиз сув олгали,
Ким билади, бунчалик шошиб келар.

Ўлжа кутиб ётибди, ўлжа кутиб,
Овчи йигит борлиққа кўз югуртиб.
Бирон ўлжа илинжи турган жойда
Ўзга тугул, ўзини ҳам унутиб.

Қопқонга не тушади, не тушади;
Қай бегуноҳ йўлидан адашади?
Алқорлар тушса тушсин, қиз тушмасин,
Шуни ўйлаб юраклар уюшади.

БУЛСА-ЧИ

(Тўқтагулдан)

От ҳоримас бўлса-чи,
Ёш қаримас бўлса-чи.
Яратгани чин бўлса,
Жой-жойина қўйса-чи.

Ипак ўнгмас бўлса-чи,
Йигит ўлмас бўлса-чи.
Навқирон эр, қиз ўлса
Ерга кўммас бўлса-чи.

Чўп қуврамас бўлса-чи,
Кўз юмилмас бўлса-чи.
Қизил юзи сарғайиб,
Қиз қаримас бўлса-чи.

Кекса умр навқирон
Ёшга қайтар бўлса-чи.
Кўркамликни қўл билан
Ясаб олар бўлса-чи.

Яхши ўлмас бўлса-чи,
Райҳон сўлмас бўлса-чи.
Одамзодга бир умр
Ажал келмас бўлса-чи.

ТОЛИҚАМИЗ ГОҲО ТОҚЛИКДАН

(Абдулла Тожибоевдан)

Аччиқ бўлса — увдай бўлсин,
Чучук бўлса — сувдай бўлсин.
Илитма ош — ёрти ошдир, ёронлар,
Ёрти ошдан кўнгил ғашдир, ёронлар.

Менга бутун кўнгил керак, кун керак,
Менга туташ юлдуз тўла тун керак.
Менга туташ денгиз керак, тоғ керак,
Хазони йўқ чорбоғ керак, боғ керак.

Мен ёртилаб муҳаббатни олмайман,
Мен ёрти дўст хонасида қолмайман.
Менга тугал юрак керак, дил керак,
Менга дилга яқин тугал эл керак.

О Н А И З О Р

Менга йўлдош ҳамиша
Жуманбулбул нафаси,
Махтумқули овози,
Тўқтагул мартабаси.
Элда топдим эътибор
Куйлаб бахтиёрликни,
Куйга туширолмадим
Беномус, беорликни...
Бахти қаро онани
Кўрганим — кўмилганим,
Гар кулсам аҳволига
Ақлимдан айрилганим.
Ошёнидан айрилган
Булбулни кўрсам магар
Солма дердим бу бошга
Бу кунни, парвардигор..
Гўшама-гўша юриб
Қўлда соз кезмоқдайдим.
Тўйларда тўйлаб кунни
Шодон ўтказмоқдайдим.
Ногаҳон бир онанинг
Афғонига дуч келдим,
Еру самога сизмас
Фигонига дуч келдим.
Она деди, билгимча,
Гўяндага ўхшайсан,
Дунёда армони йўқ.
Бир бандага ўхшайсан.
Сен кўрмаган вилоят,
Иқлим йўққа ўхшайди.
Юзларинг — кўзларингдан
Кўнглинг оққа ўхшайди.
Қам кўрганга ўхшайсан
Мендай дардли онани,

Магар малол келмаса
Эшит бу ҳангомани:

— Аждаҳо мисол элга
Баралла очиб оғиз,
Уруш бошлаганида
Гитлер номли ёлмоғиз,
Олдинма-кейин кетди.
Уч ўғлим саллотликка.
Учови ҳам муносиб
Эди валломатликка.
Ой бориб, омон келди
Уртанчи ҳам кенжаси.
Дош беролмай бастига
Ғаниминг исканжаси.
Ушандан бери тўнғич
Ўғлонимдан дарак йўқ,
Алқомат ҳам кўзлари
Чўлпонимдан дарак йўқ.
Қайдам, душман қўлида
Банди бўлиб тушдими?
Банди бўлиб тушдими,
Анди бўлиб тушдими?
Тузоғига илиниб
Ё бир кўзи сузукнинг,
Ё маккор дунёпараст,
Уй, нияти бузуқнинг
Тондими киндик қони
Тўкилган тупроғидан,
Тўққан, туғишганлари
Боғидан, чорбоғидан?
Олтин қули бўлиб ё
Офтода, адо бўлиб,
Келолмай юрганмикин
Ёт-юртда гадо бўлиб?
Эндиги йўлинг тушса

Мағриб, Шом ё Ироққа,
Е Ажам, ё Мадина,
Е ундан нарироққа.
Қай бир эрнинг келбатин
Менга ўхшата олсанг,
Уша шайтон озғирган
Йўлдан тўхтата олсанг,
Шу узукни кўрсатиб
Онандан белги, дея,
Дастингдан аймақларинг
Эл-юртга кулги, дея.
Сўзларига кулоқ ос
Уша шўрлик боламнинг,
Гулзоридан айрилиб
Хазон бўлган лоламнинг.
Чивиндай жони омон
Бўлса, бергин хабарин.
Унутмаган бўлса гар
Хешу ақраболарин.
Эгилган бошни қилич
Кесмас, келсин эгилиб,
Тобакай юрар ночор
Масканидан айрилиб.
Йиғлай-йиғлай оқ қоплар
Бўлди бу кўзларимни,
Шеърга солиб айта бор
Айтган шу сўзларимни;
Қайтиш қилсам бошимда
Зор йиғлаб тургувчимга,
Тўнғич фарзандлигини
Элга билдиргувчимга.

* * *

Дунёнинг иши қизиқ:
Қай бировлар зарга зор —

Қай бирлар зардан безор.
Қай бировлар онага,
Қай бирлар фарзандга зор.
Қай бировлар йўл қурса,
Қай бирлар кўча бузар.
Қай бирлар ота юртин.
Бир кўрмоққа интизор.
Арши аълодан улуғ
Оналарнинг фармони,
Туман дostonга сизмас
Орзулари, армони.
Шу важдан куйга солдим
Мушфиқ она додини,
Дарёча кўз ёшлари,
Тугамас фарёдини...
Ватангадо кимсадан
Эл тугул худо безор,
Дея бера билмадим
Она кўнглига озор.
Тарки Ватан қилганнинг
Бўлмас ахир азаси,
Хатми қуръон, йўқлови,
Қафани, жанозаси.

И Ш Қ

Асли деҳқондай бўлса
Ҳар кишининг соқлиғи,
Қилар ишининг таъна,
Миннатдан йироқлиғи,
«Оқ олтин»чалик бўлса
Юрагининг оқлиғи,
Ёруғликка эшлиғи,
Учлиғи, чанқоқлиғи,
Пайвастадир кўнглига
Давр ишқи, даврон ишқи.

Арзийди пахтакордан
Урганса жўмардликни,
Дўсту ёрга садоқат
Ҳамнафас, ҳамдардликни.
Қалбнинг покизалиги,
Беғараз, беғардликни,
Тупроқдан дур яратмиш
Тенгсиз бунёдкорликни.
Қайга етса қадами
Уйида чаман ишқи.

Тўй-тўйлашгудай бўлсам
Магар ўзлим билан —
Қасб-кори пахтакорлик
Саҳархезлим билан,
Тутгани олтин бўлган
Ҳам бир сўзлим билан,
Етар бўлсам муродга
Қора кўзлим билан,
Жой олмай иложи йўқ
Бу дилдан ёрон ишқи.

Ота юрт омонлиги
Кўпнинг беармонлиги,
Кўпнинг беармонлиги.
Соҳиби давронлиги.
Эл ободлиги қайда,
Қайда юз ширмонлиги,
Қайда шодмонлик, қайда
Рўзгор фаровонлиги,
Бу тупроққа тушмаса
Аслида деҳқон ишқи.

Керак бўлса бу элдан
Аяйдиган жон борми?
Бу ота юртдан ўзга

Муқаддас макон борми?
Бу тупроқдан, бу тоғдан
Улуғроқ аркон борми?
Дунёда «оқ олтин»дай
Ҳеч туганмас кон борми?
Сиз-бизда диёр ишқи,
Булбулда ошён ишқи.

Олгани отланган чоғ
Йўллариғ очиқ бўлса,
Гўё осмон кўз бўлиб,
Юлдуз қорачиқ бўлса,
Ниятинга муносиб
Манзил ярашиқ бўлса,
Ҳар ким ҳам пахтакордай
Қасбига ошиқ бўлса,
Тиниқ булоқдай қайнар
Қонида замон ишқи.

Тўй-тўйларга улашиб
Бўй қизлар хиром этса,
Дала лочинларига
Дилдан эҳтиром этса,
Дехқон аҳли касб-корин
Элда муҳтарам этса,
Созчи кўпни олқишлаб
Кўнгилларни ром этса,
Ҳар сийнада жўш ургай
Жонажон ватан ишқи.

БИЛИНГАЙ

Не савдо, не бир кунлар
Тушар бўлса бу бошга,
Кимнинг қандай дўст, душман
Ошнолиги билингай.

Ногаҳон музтар бўлсанг
Ет ёки қариндошга,
Қай бирининг ҳамдард, эш,
Риёлиги билингай.

Беллашув пайти келса
Ногоҳ, нобакор билан,
Бадкирдор, беандиша
Бир бевурд, беор билан,
Ҳамият, ҳимоятсиз
Дилхун, дилозор билан
Майдонда кимнинг тенгсиз,
Танҳолиги билингай.

Яхшининг ёруғ кун
Тун билан тутошмасин,
Манзилга етмай туриб
Узлатга ёндошмасин.
Қарвон ҳам ўз йўлидан
Айрилиб, адашмасин.
Йўлбошида йўлнинг оқ-
Қаролиги билингай.

Синалар бўлса магар
Қимда-ким майдон ичра.
Ҳамнафас, ҳамдардликда
Элу юрт, ёрон ичра,
Қим андалиб, қим тўти,
Қим саъва чаман ичра.
Сор ё ҳаққуш, булбули
Гўёлиги билингай.

Магар сорбон йўл туриб
Йўл бошласа қайларга,
Айланар бўлса кунлик
Йўллар ҳафта, ойларга,

На манзил, на муродсиз —
Борса келмас жойларга,
Фурсат ўтмай бахтининг
Сиёлиги билингай.

Ким дарё бўлса қуриб
Кераксиз сой бўлмасин,
Юлдуз бўлса бир ботиб,
Бир чиқар ой бўлмасин.
Учқурликда қарчиғай
Бўлсин, ҳумой бўлмасин,
Фозилларнинг ҳар ерда
Сиёлиги билингай.

СОЗЧИ ҚУШИГИ

Олти ой эримас Оқтовнинг қори,
Кўкида чарх урар қарчиғай, сори.
Узига мос бўлса йигитнинг ёри,
Бахтидан шод бўлса онаизори,
Мақтовин келтирар сайроқ торим, ҳей.

Яхшилик бор ерда шай бўлган созсан,
Тунлари тўлишган ой бўлган созсан,
Ташна лаб дилларга сой бўлган созсан,
Не эзгу куйларга бой бўлган созсан,
Сайрасанг қолмагай нола, зорим, ҳей.

Жонимга пайваста боғ, бодомзорим,
Булбуллар маскани — гулу-гулзорим.
Жаҳонда тенги кам озод диёрим,
Бу юртда бўлмагай нолаи зорим.
Ватанга армуғон дилда борим, ҳей.

Армоним йўқ дўсту ўртоқлар билан,
Зап йигит-қиз — бахти барҳақлар билан,
Меҳнаткаш — йўллари порлоқлар билан,
Файрати дарёдай қайноқлар билан,
Яшнагай шу улуғ лозорим, ҳей.

А Л Ё Р

Поччамизни бу кеча
Базмда синаймиз, деб,
Алёр-алёр айтишиб
Назмда синаймиз, деб,
Қайин юртим қизлари
Мени кўрмоқ истабди.
Бу ишга бош бўлинг, деб
Янгажонни қистабди.
Ҳар қизларки, бўй-басти
Жон олиб жон бергудай,
Ибо қилсам, авзойи
Одоб сақлаб тургудай.
Сездим қизлар жазмини
Ажиб базм қилгудай
Урни келса, шўхи ҳам
Менга таъзим қилгудай.

Сатқа бўлсин жон, майли, бири эмас барига,
Фақат айтар сўзим бор чанқовузи борига...

Мен ҳам қўлда созимни,
Чала олсам кошкийди.
Салобати босмасдан
Қола олсам кошкийди.
Уйинчисин ёнимга
Кўндиролсам кошкийди,
Шаънига бир сўз айтиб
Кўндиролсам кошкийди.

Оҳу кўзнинг олдида
Олдирмасам кошкийди,
Кўнглин инжитиб, доққа
Қолдирмасам кошкийди.

Қизитмоқ-чун, даврани Сайди билан Санобар,
Бирн тушиб ўйинга, бири чалди «Тановар»,

Ҳаё билан Ойқиз ҳам
Тол чивикдай буралар,
Малоҳат юз мақомда
Бўзтўрғайдай йўрғалар.
(Даричадан қай биров
«Бир кўрсак» деб мўралар,
Чунки, илож йўқ эди
Беш кетмасдан, жўралар).
Товус янглиғ товланиб
Чикди Қумри ўртага.
Бирпас турди «Жонон»ни
Билмайман деб жўртага.
Ақлим шошди ёпирай,
Бу қизларнинг шўхлигин.
Дўстим, сен ҳам кўрсайдинг
Бир-бирдан кўхлигин.

Рақс тинди, афтидан, айтишмоққа гал келди.
Ял-ял ёнган қирмизи шокасада бол келди.
Сарвиқомат Янгажон, яъни қора қош келди,
Бир қўлида гулдаста, бир қўлида ош келди,
Билагининг оқлигин... ҳали қиздан ёш келди,
Садағаси кетсанг оз: яхши ишга бош келди.

Сўзга жуйрук Жамила
Бошлаб берди «Алёр»ни,
Бўш келманг сиз ҳам, дея,
Бизнинг юзи холдорни:

— Маърай-маърай қир ошган қўша-қўша қўймикин?
Бўктаргининг макони увамикин, ўймикин?
Эзгуликнинг кечи йўқ, деганлари тўймикин?
Почча, сизни ром этган ўша моҳи рўймикин?
Жом тагида қолдирманг алёр-алёр, ўдаға!

— Чилвир, чилвир сочингиз тарам-тарам, жон қизлар,
Оғушингиз мисоли боғи Эрам, жон қизлар.
Ширинсухан — сўзингиз жонга ором, жон қизлар,
Жомингизни олмасдан йўқдир чорам, жон қизлар.
Қўлларимни толдирманг, алёр-алёр, садаға.

— Уруғ-аймоқ ардоқлар қатордаги нориини,
Эр йигитлар улуғлар жондан суйган ёрини,
Ишга солинг бармоқла дўмбирангиз торини,
Дилингизда неки бор тўкиб-солинг борини,
Тўпланганмиз бу кеча, алёр-алёр, айтгани.

— Саратонда ярқирар қорли тоғлар қояси,
Жон роҳати мезонда қўшчиниорнинг сояси.
Кўзларимга тўтиё кўзларингиз зияси,
«Биров»ларга тегишли сўзларингиз қияси.
Ой ҳам ботиб боради рухсат беринг қайтгани.

— Сўфитўрғай чарх уриб қўнса кўздан йироққа,
Чевар қизлар аксини туширолмас қуроққа.
Сизни чечан дейдилар, сайқал беринг туроққа,
Қўш ирғайдай эгилиб «бирова» ёққан чироққа,
Тарқалмасин базмимиз, алёр-алёр, тонггача.

— Сайқал берсам, сайқал берай,
Юзи қордай оқ қизлар.
Ҳайдар кокил, сунбул сочли,
Урта бўйли чоқ қизлар.

! Утиришнинг каттаси.

Суйганига олма отган,
Е боши бўш тоқ қизлар.
Ишқ кўйида куйиб-ёнган
Еки кўнгли тўқ қизлар.
Шунқорини бир кўрмоқдан
Бошқа ғами йўқ қизлар,
Сўз-ваъдаси ёлғонларга
Ҳар киприги ўқ қизлар.
Ошиқларнинг таъбирича,
Бу борада ҳақ қизлар.
Сийналари сувдан тиниқ,
«Алёр»га ўч, шўх қизлар.
Миннатингиз бош устига
Алёр-алёр, пок қизлар.
Аҳдли бўлсин йўлдошингиз,
Кўрмангиз фироқ қизлар.
— Урта бўйли — чоғ... қиз деманг,
Уяламиз-ей.
Қўлдан тушар шарбат тўла
Пиёламиз-ей.
Гар тўкилса қайта бошдан
Қуёламиз-ей —
Шарбат, болни сиздан қандай
Қиёламиз-ей.

— Қуллуқ, қизлар, қавмингизни
Ардоқларман бир умр.
Бўлса пари-пайкарингиз
Сир сақларман бир умр.
Берган қутлуғ тузингизни
Ҳам оқларман бир умр.
Номингизни қайда бўлмай,
Ёруғ юлдуз, ойда бўлмай,
Субҳи содиқ елларидан
Сўроқларман бир умр.

Тоғ қизлари малоҳатин
Нишонаси — бу.
Каминани бир кўрмоқлик
Баҳонаси — бу.
Расми русмин олижаноб
Шаҳонаси — бу.
Садоқати бирла аҳду
Паймонаси — бу.

ҚОРХАТ

Қишдан дарак: бетиним
Лайлакқор ёғар эди.
Ташна дашт, биёбонга
Кумуш пар ёғар эди.

Еққанда ҳам тоғ-тошни
Тенгсинмай ёғар эди.
Осмонўпар «Оқтош»ни
Менсимай ёғар эди.

Биринчи бор ёғиши,
Биринчи қор ёғиши.

Еруғ кўк оқлигидан
Гўё тонг отар эди.
Кўкда қорга аралаш
Хулкар ҳам ботар эди...

Биз гап ердик шу кеча тенгқур йигитлар билан,
Дўстга дўсту нодўстга ёвқур йигитлар билан.
Уйин, чапак, не мақом... суҳбат авжида эди,
Қай бирларин тилида Оққиз, Мавжуда... эди —
Не-не сунбул сочлилар тилга олинар эди,
Гоҳо қўшиқ, гоҳо куй — «Тўрғай» чалинар эди.

Шоир Мамат¹ торини
Тўрғайдай бўзлатарди.
Санъатига офарин,
Қўш қилни сўзлатарди..
Гоҳо Юнус парини
Кўкка кўтарар эди,
Гоҳо Гўрўғли билан
Бирга ўтирар эди...

Отса отсин тонг, майли, ўтирғаймиз тонгача,
Чунки созчининг ҳар гал чалган куйи янгича.

Сафимизга кел сен ҳам
Қавм аҳли зап йигитлар.
Дўст бўлсанг дўст бўлгулик
Кўнгли офтоб йигитлар.
Лочинсифат, дили пок
Қизларга боп йигитлар,
Тутган йўли йўриғи
Минг бир китоб йигитлар.
Шулар учун бир умр
Мезбон бўлсам майлига,
Минг бор тирилиб, минг бор
Қурбон бўлсам майлига.

...Гуринг баравж. Бир маҳал хат келтирди бир бола,
«Қорхат!» деди... Мен дедим, ўз сўзингда тур бола.
«Қорхат» бўлса тўхтагил, кимдан ўзи, айт, дедим,
Чиндан бўлса ҳимматим, майли, билиб қайт, дедим.

Қайда қайтиб ҳам бўпти,
Елдай учди-да, кетди.

¹ Тўйтепалик Мамат бахши Иноят ўғли.

Ўзим ўнглаб олгунча,
Селдай кўчи-да, кетди.
Хатни ўқиб йигитлар
Кулишди хохолашиб.
«Боплашти», «Туширишти»,
Дер эди хохолашиб.
Кула-кула Тошқизнинг,
Нафаси оташ қизнинг,
Ҳар ишу ҳар борада,
Не қизларга бош қизнинг,
Ой уялар қошида,
Зап қайрилма қош қизнинг,
Тўкислиги туфайли
Сухсурга сирдош қизнинг,
Тенгқурлари ичида
Ўзи бир қуёш қизнинг
Шарти оғирмас, дерди,
Ҳасан:

— Дўстим ёш қизнинг
Кўнглин қолдирмас, дерди...
Фақат уч-тўрт савада¹
Қимиз топсанг бўлгани.
Ҳар қултуми элтгулик —
Тамиз топсанг бўлгани.

Бўлсин деса «Чертмак»дан, равон чалсанг бўлгани,
«Аваз», «Равшан»дан айтиб, бийдай тўлсанг бўлгани.
Уша кеч тунни тонгга улай олсанг бўлгани,
Қизларни шу тақлидда сийлай олсанг бўлгани,
Ҳар бирови бир жаҳон... кута олсанг бўлгани,
Чечанига «Қайтарма» айта олсанг бўлгани...

¹ М.ш.

Яна кеч базм бўлди
«Қорхат» баҳонасида.
Бўлса ҳам азим бўлди
«Ҳазил-чин» маъносида.
Дуркун қизлар бир тараф,
Биз бир тараф.
Қизлар мени қистайди:
— Сиз бир тараф.
Байт айтишда барчамиз
Юз бир тараф.
Мот қилишда анову
Қиз бир тараф!..
Бундай ажаб йиғинга
Қим бетараф?!
Тоғлар кўрки — қор билан,
Қарвон кўрки — нор билан.
Гул, лола — баҳор билан,
Баҳши сози — тор билан.
Эр — суюкли ёр билан,
Мажлис — бўйқизлар билан,
Моҳирўй қизлар билан
Элга маъқул эмасми?
Дилга маъқул эмасми?
Бу йиғин сабабчиси,
Бу йиғин талабчиси
Тош лақабли қиз эди.
Дили билан тили бир
Қошлари қундуз эди.
Кўз деганинг бунчалик...
Ҳа, Чўлпон юлдуз эди.
Суйган йигити учун
Ҳар сўзи андиз эди.
«Эшик олди гулҳовуз...
Баҳона қимиз эди»...

МОРГУЗАР

Қояларда асрлик дoston,
Дараларда оппоқ, мангу қор...
Ҳамид Олимжон

Киндик қоним томган Моргузар,
Гўшаларинг соғиниб келдим,
Чор атрофи сўлим, лолазор
Уваларинг соғиниб келдим.

Қуни кеча тиниб-тинчимас
Бағрингдаги шўх бола эдим.
Кўҳлигингга кўнгли кўнчимас
Шарқираган шалола эдим.

Бир қиз билан яйраб тўймасдим
Яшириниб тош панасига,
Ешлик экан: бошим қўярдим
Керак бўлса остонасига.

Телбанома эдим ёшликда,
Телбаликнинг ҳали акси бор.
Уша қизнинг ҳали кўксимда
Қўйлагулик севги баҳси бор...

Шундан бери қўмсайман дилдан
Тоғ эркаси — оҳуларингни.
Қайда бўлмай туширмам тилдан
Сулувларинг, шўх сувларингни.

Шундан бери қўмсайман жондан
Қўл музлатар ирмоқларингни.
Болалигим — бегуборлигим,
Уйнаб-ўсган тенгқурларимни.
Соғинганда созим чертаман
Қабартириб бармоқларимни...

Чўл тўрғайи каби чулдираб,
Осмонингда чарх урай бу кун.
Булдуриқдай кўкда пилдираб
Ошенингда чарх урай бу кун.

Киндик қоним томган, Моргузар,
Сайхонларинг соғиниб келдим.

ДУМБИРАМ

Бир ажиб ҳис бор эди менда...
Водийларни яёв кезганда

Ҳамид Олимжон

I

Бу кун ота юртим тупроғидаман,
Униб-ўсган шаҳрим қучоғидаман,
Қадимий маърифат ўчоғидаман,
Мезбонлар йўқлови — сўроғидаман —
Тоғошар бахшининг синоғидаман...
Хутда тошганидай дарёи азим.
Бу кун қўшиқ айтиб куйламоқ лозим.

Тиринг-тиринг, дўмбирам,
Сўйла сиринг, дўмбирам.
Сенсиз сўз қуролмайман,
Қўрмасам туролмайман.
Қўшиғимнинг қўри бўл,
Юрагимнинг жўри бўл.
Чечану ноёб қизлар,
Ойсанам, офтоб қизлар,
Толиб, Бекжон, Комиллар,
Уз ишига омиллар,
Торни сайратгин, дейди,

Дилни яйратгин дейди.
Яйратсам-яйратайин,
Сайратсам-сайратайин.

Қамонга ўхшайди кўкнинг гардиши,
Одамзод биландир дунёнинг иши.
Ерда қолмас дерлар кўпнинг олқиши,
Қўшиқ яралгани — юрак болқиши.

II

- Тоғларда нима кўп?
- Давон кўп, қир кўп.
- Бағрида нима кўп?
- Хазина, сир кўп.
- Қуёшда нима кўп?
- Еруғлик, нур кўп.
- Бахшида нима кўп?
- Тугамас жир кўп.

Жонимга тутошдир меҳринг, дўмбирам,
Булбулни банд қилар сеҳринг, дўмбирам.
Буюк тоғлар кўкка бош урар, созим,
Чўққисига лочин тўш урар, созим.
Дарё сувин баҳор тоширар, созим,
Инсон қадрини меҳнат оширар, созим.

III

Қайлигим сўзимга унаса эди,
Мен билан далада тунаса эди,
Меҳнат, садоқатда синаса эди,
Севиб, севилишин тан олса эди...

Деб шиор ташлаган жўмард эрларнинг,
Меҳри она юртга пайванд эрларнинг,

Гулхандай қизитгин базмин, дўмбирам,
Гоҳо шўх бўл, гоҳо вазмин, дўмбирам.

Ов сирини билмасанг,
Тутув бермас суралай.
Бўзламасанг тўрғайдай
Ранжир кўзи қуралай.

Гурунг қизик келди, шай бўл, дўмбирам,
Турли-туман қуйга бой бўл, дўмбирам.

IV

Зоминнинг мусаллас, бўза, болини,
Хумор кўзликларнинг юзда холини,
Жиззахнинг чинор, тут, мажнун толини,
Пахтакор элимнинг бахт-иқболини
Ё Бахмал кўшкларин кўркам бўйини,
Ё чори, исори, панжи қўйини,
Ё Равот даштининг чопқир тойини,
Ё Сангзор бўйининг булоқ, сойини,
Ё Каттақўрғоннинг ширмой нонини,
Ё Норпой бўғдойи, Қўйтош конини...
Неки бор бу элда жами-жамининг
Таърифин бирма-бир айт, жон, дўмбирам,
Куй сендан, мендан-чи, байт, жон, дўмбирам.

V

Йўртоқ минмай йўрға минган
Қорли тоғлардан ошгай.
Бир ёқадан бош чиқарган
Камол топиб курашгай.
Зарафшоннинг сувин ичиб
Қирғоғида тунасанг,
Чалпиб-чалпиб белдан кечиб

Қумлоғида тин олсанг,
Инон, дўстим, дафтарингда
Ўлан, қўшиқ қалашгай.
Сўнг созингни қўлга олиб
Тириглатсанг ярашгай.

Зар сочувчи Зарафшонга
Таъзим қилгин, дўмбирам.
Қайиқчиси билан бу кеч
Базм қилгин, дўмбирам.
Шовқин солиб тиним билмай
Нортуядай ўкириб,
Кўпиклари кўкка сапчиб —
Телба сойдаи кўпириб,
Гар чалқиса, тўлқинига
Тўш ургайман тойлоқдай,
Равон оқса, илҳомланиб
Қайнагайман булоқдай...

Дара деб аталар тоғлар ораси,
Тўқайни титратар шернинг наъраси.
Еганда тил ёрар Фориш чароси,
Бу ерда қолмоқнинг йўқми чораси?

Новқанинг неси бор?— Тўқай-дашти бор.
Қулон, ақорларин юз хил пушти бор.
Қарсақ овловчисин омад, шашти бор,
Бу ерда кезмоқнинг ажаб ғашти бор.

Гирдобларда чарх уриб
Тоғдан келар муздай сув.
Тиниқлиги, шўхлиги
Серкокилли қиздай сув.

Нурота тоғлари алқор макони,
Кўкжор, Бўзалами равочнинг қони.

Оқтош, Алдошмонга саратонда кел,
Еки пўстин кийиб қаҳратонда кел.
Чашма, ирмоқлари-жонон кўзгуси.
Кўкида ёз бўйи турна қийқуси...
Чопишса маролдан оти ўзгуси,
Шу ерда қизларнинг сўлим, эзгуси,
Еқтирса хаёлинг мафтун этгуси...
«Оқтов» қимизидан тўйгунигча ич,
Ўзинг бошлаб, ўзинг қўйгунигча ич.

Қимиз тутди бўтакўз,
Қониб-қониб симирай.
Айрон тутса «Қуллуқ» деб,
Гул-гул ёниб симирай.

Тимсоли йўқ бу қизнинг
Қўли қайтмасиң, созим.
Тоғ малагисиз ичиб
Зерикарман бир ўзим.

VI

Қорақишлоқ кўлдан меҳримни тортар,
Ҳавоси, сувига ҳавасим ортар.
Шу юрtda бир қиз бор, кўксимни ўртар,
Ҳар куни саломим тонг ели элтар:

«Ёр, кўчангдан ўтганимда
Гул кўтариб, ҳам йўталиб,
Гулгун ёниб йўлларимга
Чиққил укангни кўтариб».

Меҳнаткаш қизлари саодатга ёр,
Заҳматкаш эрлари мақтагунча бор:
«Бешқарсоқ»сиз ўтмас гаштаги, тўйи,
«Оҳо якка», «Алёр» — қўшиқ тун бўйи.

Бу қавм қайин юртим,
Қўноғим тайин юртим,
Лочин келбат ёшлари —
Жигарбандим, ёрқиним.
Ҳар қаерда бўлса ҳам
Қўнгли, дили яқиним.

Қирқ қокилли қизларининг
Жамолига тўймайман.
Қатта бўлса, янгамсиз, деб
Шўхлигимни қўймайман...

Бизнинг қайлиқ «пучуқ» қиз,
Тили бир оз чучук қиз.
Ўз уйида она қиз,
«Биров»га парвона қиз...

Дара увалари, яйлов, қўриғи,
Жўмард чўпонларин тутган йўриғи,
Қорабайирларин саман, тўриғи,
Ёйилма-буғдойи, Ургут ўриғи,
Жайдари қўйларин тивити — пати,
Юз рангда тўқилган гилам, зулфати,
Ҳаммаси-ҳаммаси бу элнинг кўрки.
Донғи Доғистонга кетган воҳа бу,

Таърифи қуёшга етган воҳа бу.
Самарқанд, суқсурлар маконимисан,
Ё қўшиқ ўлкаси, ё конимисан,
Ё шоир ғазали, ё жонимисан,
Ё куйчи дармони — дostonимисан.
Не сабаб бағрингга чорлайсан мени.
Ҳар қалай ғазалхон борлайсан мени.
Бу сирни ўзингдан сўрай деб қелдим,
Не десанг мен шунга унай деб келдим,
Жаҳонга таниғлик қадимий шаҳрим,
Сени тилга олсам очилар баҳрим.

Самарқанд — кўз очиб туғилган юртим.
Самарқанд — зуволам юғрилган юртим.
Муқаддас тузини оқла, дўмбирам,
Фозиллар услубин сақла, дўмбирам.

ИЛТИЖО ҚИЛГАН БИЛАН...

Тоғ бағрида бир қишлоқ
Лўқчаси бор, нори бор.
Сайр этсанг чорбоғи,
Ов қилсанг алқори бор.
Қишлоқ аҳли яралмиш
Бир ота — бир онадан,
Тирикчилик қиларкан
Нолишиб замонадан.
Илтижо қилган билан
Азал котибларига,
Дунёдаги авлиё
Анбиёнинг барига
Икки бўлмабди бири
Бой-бойлигича қолиб,
Йўқсил — йўқсиллигича,
Сой-сойлигича қолиб,
Отадин мерос тегмай,
Тўнғич ва кенжасига,
Чидаш бериб келаркан
Ҳоким исканжасига...
Бир тун босмиш қишлоқни
Қароқчилар галаси,
Камар мисол ўралмиш,
Овулнинг айланаси,
Воқиф бўлгунча бўлмай
Қариялар бу сирдан,
Ор-номус кушандаси —
Бу падари қусурдан,

Қайси уйда эр зоти
Бўлса боғлаб қўлини,
Қутулмоқчи бўлганнинг
Зимдан тўсиб йўлини,
Майдон кўрган шерларнинг
Шартта олиб бошини,
Уй бекаси, қизларнинг
Оқизиб кўз ёшини...
Овул оқсоқолига
Ҳукмини баён айлаб,
Дебдики, мўсафиднинг
Юрак-бағрин қон айлаб:

Қулон қочиб қутулмас
Қўлда қуролимиздан.
Қушлар ҳам омон топмас
Шарпа, шамолимиздан.
Биз келгаймиз ҳар оқшом
Меҳмонхона шай бўлсин.
Бизни кутиб олгани
«Ун тўрт кунлик ой» бўлсин.
Ошкор этса ким сирни
Жудо бўлгай бошидан.
Ер бетида қолмагай,
Қовму қариндошидан...

Оқсоқол афтодаҳол,
Етмас ўйлаб ўйига,
Кўнгли вайрон, қадди дол,
Қараб бўлмас рўйига,
Дейди: «Кенгашмоқликдан
Ўзга бирон чора йўқ.
Қани, барча келдими,
Қайси бахти қаро йўқ.
«Қиз солиғи»,— қандоқ гап,
Чидар ким бу хўрликка.

Бундай кезде ким ўзин
Солади беорликка?»

Сукут сақлайди барча,
Алаmidан тил тишлаб,
Бир қария сўз олар,
Тавба, деб ёқа ушлаб:
— Ҳаром бўлди бизларга
Бу ернинг тупроқ, тоши.
Кўчмоқ керак қишлоқдан,
Шу бўлсин ишнинг боши.

Бу гап кўпнинг кўнглига
Ботмайди совуқ ошдай,
Орияти борларга
Туюлади қарғишдай.
Алҳол маъюс ўтирган
Бир момо сўз сўраниб,
Аламзадалигидан
Куйиб-ёниб ўртаниб,
Дейди: «Меҳмонхонани
Шай қилмоқ биз тан бўлса,
Пойтеша, ойболгани
Чоқ қилмоқ сиз тан бўлса,
Қиз солиб кун кўргандан
Бу итларнинг қўйнига,
Сиртмоқ солгани яхши
Ҳар кимса ўз бўйнига.
Ленин деган пайғамбар
Чиққанмиш, шу — рост бўлса,
Тутган йўли Николай
Пошшодан дуруст бўлса,
Нома битсак номига
Зўрникими бу замон деб,
Токайгача биз шўрлик
Яшаймиз беомон деб.

Бева-бечораларни
Олсин ҳимоятига,
Қирон келсин босмачи
Деган итнинг зотига.
Қани, қараб туриш йўқ,
Хабар кетсин саллотга.
Тез жўнасин хабарчи
Миниб хачир ё отга.
Чўпонман деб танитсин,
Қиши кўрса ўзини,
Ғанимларга билдириб,
Ўйдирмасин кўзини...»
Бу гап бирларга маъқул,
Бирларга малол келиб,
Гўё кўпга бу оқшом
Бемаҳал ажал келиб,
Қайвонини ранжитиб,
Қайтарганлар ҳам бўлди.
«Бўлмайдиганга, ҳар қалай,
Чиқазганлар кам бўлди.

* * *

Кеч кириб қайтди қирдан
Қўй-қўзилар мағрашиб,
Гўё эгаларидан
Ҳол сўраб, бағримлашиб...
Той тинчимай талпинар,
Гуриллаб кишнар отлар —
Дунёнинг не кўргулик,
Ғурбатидан озодлар.
Ҳар кимнинг ўз ташвиши
Қишлоқ қий-чув ичида.
Қий-чув ичида эмас,
Бу оқшом сув ичида.
Кун ботди қон талашиб,

Кошки кўкда ой бўлса,
Шу чоқ қишлоқ қизларин
Аҳволи қалай бўлса?..
Сўфи ҳам ўз дардини
Қўшиб айтди азонга,
Кошки олам бўялса
Ушбу дам қора қонга...

* * *

Момо уч-тўрт ўғлонга
Қиз либосин кийдириб,
Лаблари, манглайига
Ясама хол қўйдириб,
Кўзларига индирмиш
Сурмаи Сулаймондан,
Кўрган дейди: «Бу қизлар
Боғи Эрам томондан...»
Момо айтар: «Ҳадемай
Келар куёвларингиз,
Куёв эмас, қизларим,
Хатарли ёвларингиз.
Сергак туриб олқордай,
Шўх бўлингиз каптардай,
Юз-қўлларингиз бўлсин
Тутилмаган дафтардай.
Сув деса шароб тутинг,
Итдай ичиб маст бўлсин.
Токи эндиги умри
Улимга пайваст бўлсин...»

* * *

Хуфтон кези қишлоққа
Қўнди калхат галаси,
Тўлган бўлса бу оқшом
Кимларнинг паймонаси?

Пешвоз чиқар қошига
Момо минг таъзим айлаб,
Ҳар бирининг башара —
Турқига разм айлаб.
Меҳмонхона лиқ тўлди,
Уттиз чоқли қораси,
Бари жаллод, одамхўр
Йўқ бирон бечораси.
Базми жамшид бошланиб,
Қозон қайнар далада,
Гулгун шароб сузилар
Қирмизи пиёлада.

Бериб қўяр кўриниш
Ҳар замонда бўй қизлар.
Момо дейди: «Бекойиш
Яхши ўтирингизлар.
Қизларим ёш, қизларни
Асло чўчитмангизлар,
Қошлари қундузларни
Қийнаб, қўрқитмангизлар.
Толим-толим сочлари
Белга тушганича йўқ.
Қордан оппоқ тўшлари
Қўлга тушганича йўқ...»

Авжга чиқар қийқириқ,
Уртада қимор, карта.
Қуламиш қай бирлари
Бўзадан торта-торта.
Чилим чеккани қайси
Кўзлари қонгалашиб,
Тўрти ташлар тўрт ошиқ
Уртада жон талашиб.
Том айланиб буларни

Қўриқлар айғоқчиси.
Неча хавфу хатардан
Сақлаб қолган соқчиси.
Соқчига ҳам жон керак,
Қўнди қозон бошига,
«Тавсану таҳаюлдан»¹
Қўйилди ёнбошига.
Ишга тушди дошқозон,
Офарин ошпазига,
Ошпаз маҳлиё буткул
Момонинг алфозига,
Ошмисан ошга бари
Ташланди оч бўридай,
Момо хурсанд: иш кетар
Худди кўнгилдагидай.
Айғоқчию ошпази
Бадмастдан баттар бўлиб,
Ақлу ҳушдан айрилмиш
Бехавф, бехатар бўлиб.

Терила тушди бари
Сорга ем бўлган лошдай.
Момо қизлари билан
Чоқ бўлиб сангтарошдай
Сўйлар: «Сулув қизларим,
Мен ёзуқлик онангиз
Қилмаганда бу ишни
Тўлганди паймонангиз.
Зиғир ёғи аралаш
Дори солгандим ошга.
Тушганини кўрармиз,
Дея бу ғариб бошга.
Уйлаб топа билмадим,
Бундан ўзга чорани,

¹ Ичимлик.

Эл Яссумон деса-да
Мендай юзи қорани.
Қасд қилганлар паст бўлди,
Паст бўлгани рост бўлди.
Қишлоғимиз, қизларим,
Балодан халос бўлди.
Ойболтани келтиринг,
Майдалай ўтоғасин.
Нарги дунёда қилсин
Эндиги дағдағасин.
Барчасининг қўлини
Чоғланингиз боғлашга,
Яна нодонлик қилиб
Тушмангиз савалашга...»
Ҳақ қошида момонинг
Бўлиб юзи қорадай,
Бўлса ҳамки дили хит,
Кўкайи садпорадай,
Бу оқшомни улайди,
Саҳар, субҳи содиққа,
Таралади хушхабар
Ҳадемай халойиққа.
Етиб келар саллотлар
Неча дара, тоғ ошиб,
Момо хомуш сўйлайди
Мажнунтолдай энгашиб:
— Сабр этмай бирон кун
Хиёл шошдик шекилли,
Саллот болажонларим,
Ё адашдик шекилли?..
Саллотлар дер: «Юз қуллуқ
Сиздай ўктам момога,
Журъатингиз, онажон,
Сирмас еру самога.
Ажаб эмас номингиз
Етиб борса Ленинга,

Лениннинг чин издоши —
Оқсоқол Калининга».
Қайта келгандай эди
Дунёга момо шу дам,
Наҳот мени билса, деб
Лениндай улғу одам.

БАХМАЛ БОҒЛАРИДА

Тоғлари қояли, боғлари болли,
Оғуши ёз бўйи салқин, сояли.
Сойи, сайхонлари суқсур, сўнали,
Биҳиштга бергусиз манзил, маъвоси
Бахмал самосида булбул навоси.
Бу водийнинг кўрки «Қирқ қиз», Ойқори
Номига муносиб оғу, олқори.
Мўъжиза, сирларнинг бундадир бари,
Бунда табиатнинг туман гиёси,
Бахмал воҳасида булбул навоси.
Кўк билан туташдир Оқтош, Оқтови,
Атрофи сайлгоҳ, чорва яйлови.
Қадамда йилқичи, қўйчи ўтови,
Минг бир дардга даво оби ҳавоси.
Бахмал водийсида булбул навоси.
Суралай, розлидир Сенгзор дарёси,
Сой бўйининг бордир оҳанрабоси.
Беҳикмат эмасдир сатҳи, самоси,
Мадҳ этмоқдан ўзга йўқдир чораси,
Бахмал осмонида булбул навоси.
Алдашмон, Қўнғирга саратонда кел,
Шикор этмоқ бўлсанг, қаҳратонда кел.
Яхши ният, яхши ўй, паймонда кел,
Меҳмондан бошланар гапнинг сираси,
Бахмал тоғларида булбул навоси.

Беш ой қиш дегани шунда бўлади,
 Тўйи, кўпкариси кунда бўлади.
 Деманг, «Бешқарсаги» канда бўлади,
 Шунда куйламоқнинг келар хонаси,
 Бахмал бўйларида булбул навоси.
 Ғуроолосда йўлбарс, қоплон наъраси,
 Тустовуқ, чил кони сайҳон, дараси,
 Хазинасиз тоғнинг йўқдир маъноси...
 Кўзларга суртгулик дур, дурдонаси,
 Бахмал бўйларида булбул навоси.
 Келар бўлсанг Бахмал қимронидан ич,
 Айни ёз қимизи, айронидан ич,
 Бўзасидан — жонга дармонидан ич,
 Қизлар жамолига ўхшар олмаси,
 Бахмал гулшанида булбул навоси.
 Доруломон кунни, замонасини
 Олтин бешигини — ер, самосини,
 Дўст камоли, душмон паймонасини
 Куйлаш каминанинг орзу-ҳаваси,
 Бахмал ошенида булбул навоси.

БИР СИЗГА СИҒИНГАЙМАН

Насиб қилса азонда
 йўл оламан йироққа,
 Дашти Қарбало недир,
 ундан ҳам нарироққа.
 Кулбаи хонамизда
 қўни-қўшни жам бу кун,
 уй ичи, ҳовли сатҳи
 хиёл саранжом бу кун.
 Урта тўла ноз-неъмат,
 дошқозон ишга тушган,
 Кўпни кутиш осонмас,
 хоним ташвишга тушган.

Авжида эди чандон

чолларнинг ҳангомаси,

Каминани мақтарди

қайси бир «алломаси»:

— Мадинани кўрмоқлик ҳар кимга насиб қилмас,
Фақат суйган қулини бундан бенасиб қилмас...

Онасан, меҳрибонсан,

Деганича бормасми?

Сен бир баҳри уммонсан,

Деганича бормасми?

Биз — юлдуз, сен — осмонсан,

Деганича бормасми?

Ҳам жонсан, ҳам жаҳонсан,

Деганича бормасми?

Қўл очиб дуо қилар

мушфиқ онаизорим,

Бошимга кулфат тушган

кунларда ғамгузорим:

— Энди бормаган еринг Мисрмиди, жон болам,
Узоқ юриб кўз ёшим қилмагил маржон, болам.
Утганлардан қолган гап: кўрган қолар дунёни...
Зиёрат қилмай қайтма Маккайн Мадинани.

Мен дедим Қиблам ҳам сиз,

Макам ҳам Мадинам Сиз,

Менинг учун муборак

ўн саккиз минг олам Сиз.

Бу дунёда қиёси,

тенги кам муҳтарамсиз,

Бир Сизга сиғингайман,

Сиз ахир паноҳимсиз.

Сизнинг сийна сутингиз

ато қилмиш жон менга,

Жон билан қатра-қатра
қон менга, дармон менга.
Сизнингсиз қайда эди
сўз бирла забон менга,
Бир парча этдан одам
қилган саждагоҳимсиз.
Бир умр армон менга
кўзингизда нам кўрсам,
Кўксингизда дард кўрсам,
ҳасрат ё алам кўрсам.
Ризқингиз бутун кўрмай
ярим кўрсам, кам кўрсам,
Сиз менинг дуоғўйим
менинг такагоҳимсиз.
Сизсиз равшан кун қайда,
Сизсиз дилда имон йўқ,
Сизсиз ойдин тун қайда,
Сизсиз тонг йўқ, замон йўқ.
Сизсиз тоғ йўқ, таянч йўқ,
Сизсиз давру даврон йўқ,
Сизсиз кун йўқ, қувонч йўқ,
Сиз зиёратгоҳимсиз.

ДЕҲҚОН ҚУЛЛАРИ

Шу қора тупроқ, шу хоки пок ердан,
Йил бўйи тўкилган пешона тердан,
Истаса бий дала, сахрою қирдан
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Буюк кабирлигин қилмай таъналар,
Толалардан уюб туман тонналар,
Вақтида йўлбарсдай тортиб наъралар —
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Соқликда қолишмай олқордан, қурдан,
Сахийликда уммон Амудан, Сирдан,
Муъжиза яратиб, яралиб нурдан —
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Унвон таъма қилмай, шаън таъма қилмай,
Тинчиб, тинмаслигин ҳам шама қилмай,
Ҳиммат, ҳамиятда тенги топилмай
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Эл-юрт ифтихори — унинг бойлиги,
Ўз ишига мудом шердай шайлиги,
Таърифга сизмасдан хотамтойлиги —
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Айшни нодон суриб... бу — эскирган гап,
Дурни дур этолган аслида садаф.
Сийналари бўлиб бўронларга даф —
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Меҳри — ёз, қаҳри-чи — қаҳратон қишдай,
Парвози ҳам қирғий, қарчиғай қушдай.
Қўнглининг оқлиги бўлиб кумушдай,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Юзларга суртгулик — босган излари,
Ишда издошлари — ўғил-қизлари.
Бедор ўтиб доим баҳор, кузлари,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Довонлар забт этиб, довонлар ошиб,
Шаъни, шавкатиға қўшиқ ярашиб,
Уйған хирмонлари кўкка туташиб
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Б У Л М А С А

Сайёралар нотинч, уммонлар нотинч,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.
Наслу насаб нотинч, замонлар нотинч,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Не қилсин давраю дилда шодмонлик,
Барча қитъаларда қут, фаровонлик.
Қўшинда собитлик, элда омонлик,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Кўнгилга сиққайми қўш сурнай саси?
Тиниб-тинчигайми тўплар наъраси?
Хотиржам тургайми тинчлик қалъаси?
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Чексиз само бўлмас тиниқ, беғубор,
Қўналға, маконсиз кезар кабутар.
Барча ерга бирдай келмагай баҳор,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Мағриб нотинч бўлса, безовта машриф,
Дўст-дўстдан имдодин тутмагай дариф.
Қаер зулмат ичра, қаердир ёруғ,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Элчилар кўнглида гулгула мудом,
Хавфу хатар кезар қадам-бақадам.
Қай бир бегуноҳнинг кўзларида нам,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Файз не қилсин боғу бўстон ичинда,
Тўй ўрнига аза — дoston ичинда.
«Қараб туриш йўқдир!» — фармон ичинда..
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

БОЛДИЗИМ

(Ҳазил)

Айланай, бодом қовоқ болдизим-ов,
Ярқ этиб кўкда учган юлдузим-ов,
Тўйингда ўйнаб-кулиб хизмат қилай,
Дарёда ўйноқлаган қундузим-ов.

Бир кезлар меҳрим чексиз оширгансан,
Улуғлаб номим, йўғим яширгансан.
Енингга қўшиқ излаб келганимда,
Кўкдамда тошган сувдай тоширгансан.

Қўш ўрим бўлиб сочинг белга тушди,
Мақтовинг еру кўкда тилга тушди.
Сендай қиз нози билан «Соч силатиб»,
Қон-қардош қорақалпоқ — элга тушди.

Кун кеча тиним билмас қизмасмидинг?
Тегишиб хаёлимни бузмасмидинг?
«Роҳат»га ўйнаб дуркун қизлар билан,
Кечалар мажлис, базм тузмасмидинг?

Ранжима бу сўзимга, бовуримсан,
Ерқиним, ёш юрагим ҳовирисан.
Келинчак бўлиб бугун ўтиришда,
Гулдираб, чарақлаган совиримсан.

Тўй қутлуғ, бахтли эрга эш бўлибсан!
Менимча, улкан уйга бош бўлибсан.
Меҳмон бўл энди бизнинг овулларга,
Баркамол, ажаб қаламқош бўлибсан.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ

Чаноқлари саноқсиз
Юлдузларни эслатур,
Беғуборлик, софликда
Бўй қизларни эслатур.
Тиниқликда сийнаси
Доғсизларни эслатур,
Ўзбекистон пахтаси.

Зар деса зар деғулик,
Дур деса дур деғулик,
Қадр-қимматда олтин
Ё жавоҳир деғулик.
Не бир қорли тоғлардай
Элда машҳур деғулик,
Ўзбекистон пахтаси.

Нондай ардоқли, азиз —
Тиллога тенг толаси,
Ҳар чигит, ҳар кўчати —
Саодат нишонаси.
Юртимизнинг туганмас
Бойлиги, дафинаси —
Ўзбекистон пахтаси.

Пахтазор гавҳар тўла
Бир денгизга ўхшайдир,
Ойдин йўли ғуборсиз
Тонгимизга ўхшайдир.
Айта берса таърифи
Тимсолсизга ўхшайдир
Ўзбекистон пахтаси.

Халқимизнинг ризқ-рўзи,
Орзулари, армони.

Армонлари ушалгай
Тугал бўлиб хирмони,
Кўзларининг қорачиқ
Сурмайи сулаймони —
Ўзбекистон пахтаси.

Йилдан-йилга юксалиб
Кўкка тутшиб борур,
Силсилали тоғлардай
Салмоғи ошиб борур.
Шону шавкатимизга
Донғи ярашиб борур,
Ўзбекистон пахтаси.

Тўй-томоша кунлари
Созчиларнинг созида,
Сарвинозлар рақсида,
Ҳофизлар овозида.
Кўпнинг жону дилида,
Дарғалар парвозида
Ўзбекистон пахтаси.

АЙРИЛМАС

Бўз ямоғи бўз биландир,
Санам алвондин айрилмас.
Боз ўйини боз биландир,
Булбул сумандин айрилмас.

Борнинг иши бор биландир,
Дилхун дилозор биландир.
Беор беорлар биландир,
Сўқим самондин айрилмас.

Йўлдош бўлсанг ёмон бирла,
Қилмиши беомон бирла,
Шаънига бешоён бирла,
Умринг пушмондин айрилмас.

Қайтар бўлса гар омадинг,
Тингламагай кимса додинг.
Беҳудадир арз, фарёдинг,
Дўстинг душмандин айрилмас.

Шу тупроқ — эл насибаси,
Меҳнатидан мартабаси,
Обод макон ҳам маъвоси,
Дехқон хирмондин айрилмас.

Уч бўлгандай қузғун лашга —
Мол ошнаси етар бошга —
Текканида оғзинг ошга
Баднафс камонддин айрилмас.

Нопок нопокка эш бўлиб,
Қўнгли тунд — беқуёш бўлиб,
Ҳақ олдида бойқуш бўлиб
Умри сурондин айрилмас.

Бағри бутун бардошлининг,
Эл, улус, тоғу тошлининг.
Қўнглин ол кўзи ёшлининг,
Яхши ёрондин айрилмас.

Ким айрилмас бўлса ҳақдан,
Кела берар бахт ҳар ёқдан.
Ҳазар қил ҳаром тамоқдан,
Ножинс армондин айрилмас.

Мардлар мудом бирдай бўлиб,
Теранликда Сирдай бўлиб,
Қўнгли ёз, баҳордай бўлиб
Ҳаргиз имондин айрилмас.

ИШОНМАНГЛАР

Бу туллак, тулкининг, дўстлар,
Паймонига ишонманглар.
Кулиб жонинг олар ҳаргиз,
Хандонига ишонманглар.
Қилгиликни қилиб қўйгач
Пушмонига ишонманглар.
Таъна бирла берган тузу
Ош-нонига ишонманглар.

Кунинг қолса бу кун — кунмас,
Бу — кўргулик кунингдан кеч.
Бир кемага тушар бўлсанг.
Танда ширин жонингдан кеч.
Тун — оқшомда дучор келсанг
Субҳ-содиқсиз тунигдан кеч.
Зор қақшатиб кетар, ширин
Сухонига ишонманглар.

Гар фойдаси тегмас бўлса
Кечгай ота-онадин ҳам.
Ҳам зиёни тегса тонгай
Фозил, дониш, донодин ҳам,
Тикандин манфаат кўрса
Юз ўғиргай раънодин ҳам.
Гул қадрига етмас зотнинг
Райҳонига ишонманглар.

Узин бир бечора чоғлаб
Бир имдод истаса сиздан,
Устод билиб тутар бўлса
Пок-покиза барингиздан.
Иши битгач, аро йўлда
Қўйиб кечгай баҳрингиздан.
Ўз айбига иқрор бўлса
Пушмонига ишонманглар.

Бу нопокнинг қопқонига
Тушиб қолманг — хароб айлар.
Не бир таъна, дашном бирла
Дилни хуфтон, хуноб айлар.
Маломат ёғдириб бошга,
Қўз ёшингиз шўроб айлар.
Заҳар салмоқ эрур касби...
Эҳсонига ишонманглар.

Султон сирин бермас дерлар,
Сир бермангиз бу ёлтоққа.
Суйкангудай бўлса магар
Суриб ташланг нарироққа.
Тош отмасин токи тиниқ —
Қайнаб ётган бир булоққа
Бундайларнинг камоли ҳеч
Чалинмасин бу қулоққа.
Илтимосим: қасамхўрнинг
Имонига ишонманглар.
Таъмагирлик бирла ёзган
Дастурхони оғулидир.
Ишинг тушар бўлса ногоҳ
Тутқич бермас доғулидир.
Борлиқ сири фош бўлган кун —
Қисмати ҳам қайғулидир.
Қилмиш-қидирмишдир, алҳол,
Афғонига ишонманглар.

О Қ П А Д А Р

Тоғ тўшидан жой олган оппоқ қорми?
Ўз фарзандин меҳрига қонган борми?
Қулоқ солинг гапимга, ҳай яхшилар,
Оқ сут берган онадан тонган борми?

Ҳаёсиз инсон бағри тош бўлади,
Қилмишин кўриб кўнглинг ғаш бўлади.
Отаси қартайганда рўзғорига
Ақли бутун йигитлар бош бўлади.

Сув қуйилса шўр ернинг тузи кетар,
Ўтга тушган узукнинг кўзи кетар,
Аҳмоққа хотин битса, ҳаво боғлаб,
Туққанин ҳам унутиб эси кетар.

Бу қишда ён қўшнимиз тўй берганди,
Сўйиш учун бир неча қўй берганди,
«Ниятга етдик» деган чол-камбирнинг
Бахтига шу ҳодиса рўй берганди:

Келин-куёв чиллани ёз этдилар,
Сув сепишиб, ўйнашиб, боз этдилар.
Орадан бир ой ўтмай келин қурғур
Куёвига қийшанглаб, ноз этдилар:

— Белга тушган сочимни ўролмайман,
Қўл туриб бошга рўмол ўролмайман.
Онангиз ундай экан, дадангиз-чи...
Мен бу уйда ортиқча туролмайман.

Ҳа-ҳа, сеники, тўғри, деди йигит,
Янги рўзғор ғамини еди йигит.
Ажралдилар. Чол-камбир қарғандилар:
— Сатқан сенга берган панду ўгит!..

Оқпадар чол-кампирни ташлаб кетди,
Қўксин ўртаб, кўнглини ғашлаб кетди.
Совуқ сувга қўл урмас таннозини
Етаклаб қаёққадир бошлаб кетди.

Бедов от туғидан тайриларми?
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?
Номуси, орияти бор йигитлар
Ери деб туққанидан айриларми?

Қ А Р Ғ И Ш

Сен қизни ўкситган хароб, хор бўлсин,
Бир умр севгига интиқ, зор бўлсин.

Гулга ўхшатганди у сени бошда,
Шайдойинг бўлибоқ бир бор қарашда.
Бундай бевурдларнинг ёз тугул қишда
Қадами етган ер тиканзор бўлсин.

Сохта эди буткул навозишлари,
Куйиб-ёнишлари, ёлворишлари.
Энди ўша лочин чоғланишлари
Оёқ ости билан баробар бўлсин.

Орадан ой ўтмай кўзларингда ёш,
Гўё еру осмон сенга қайғудош.
Қайда юрган, бўлса, ўша бағритош,
Умри бошдан-оёқ бебаҳор бўлсин.

Мажнунтолдай эгма мағрур бошингни,
Бўта кўзларингдан тўкма ёшингни.
Бир оқшомлик ўша ёстиқдошингни
Бебахтлиги тундай барқарор бўлсин.

Не бир кўргуликлар тушиб бошига,
Қўшидолмай қавми қариндошига,
Зор бўлиб қизларнинг бир қарашига
Жунун гўшасида дарбадар бўлсин.

Қайта бошдан сенга шайдойи бўлиб,
Бир оғиз сўзингни гадойи бўлиб,
Ишқингда аввора, адойи бўлиб
Аро йўлда қолсин, нолакор бўлсин.

Сен қизни хўрлаган хароб, хор бўлсин,
Бир умр васлингга интизор бўлсин.

КУРДИМ

Кўрдим, кўрдим дунёни,
Ҳамиша бир кам кўрдим.
Яхшини армон билан
Ёмонни бекам кўрдим.

Бағри бутунларни бут,
Ёлғизни ғариб кўрдим
Бирда нодон, ножинсини
Майдонда ғолиб кўрдим.

Ҳақларни мудом бирдай,
Ялқовни ёрти кўрдим.
Қўнгли очиқ зотларни
Ҳотамдан ортиқ кўрдим.

Бирларни аро йўлда,
Бирни армонли кўрдим.
Бирда мунофиқларни
Давру давронли кўрдим.

Бирларни дунёпараст,
Бирни имонли кўрдим.
Нопокни шод, донони
Юраги қонли кўрдим.

Бирларни ватанфуруш,
Бирларни риё кўрдим.
Бирларни ўз элига
Тамом маҳлиё кўрдим.

Бирда кўриб ўқиндим
Аёқни бош ўрнида.
Лаъл ўрнида сополни,
Гавҳарни тош ўрнида.

Во ажаб, бирда кўрдим
Қулни хоқон ўрнида.
Бирда кўрдим лолани
Бир қатра қон ўрнида.

Бирда кўриб лол қолдим
Дарёни сой ўрнида.
Қуёш ўрнида юлдуз,
Юлдузни ой ўрнида.

* * *

Сир бўйида бир ғунча,
Ой ботар очилгунча.
Очилишин кутгайман
Токи ўла-ўлгунча.

Эшик олди боғ кўча,
Боғ кўча айлангунча.
Дийдорлашай ёр билан
Ой ботиб, тонг отгунча.

У тоғда бир тўтиқуш,
Бу тоғда бир тўтиқуш.
Бир-бирига етолмай
Интиғу интизормиш.

Тоғларнинг қори-қори,
Қор тагида баҳори.
Янги чиққан ой мисол
Бўлсин ҳар кимнинг ёри.

Бу тоғлар баланд тоғлар,
Атрофи ажаб боғлар,
Ёринг бўлса ёнингда
Не қилсин дилда доғлар.

Ор бўлсину ор бўлсин,
Ҳар дилда баҳор бўлсин.
Ёр қадрига етмаслар
Ҳар гўшада хор бўлсин.

Пахтазорда бир юлдуз,
Доимо турар ёлғиз.
Кўз тутдим йўлларига
Термулиб кеча-кундуз.

Тоғлар боши тумандир,
Тарқалиши гумондир.
Хабар олмасанг мендан
Ҳолим беҳад ёмондир.

Й И Ё Л А Р

(Утмишдаги ёлғиз йигит қўшиғи)

Бу тоғлар қандай тоғлар,
Бағрида қузғун, зоғлар?
Бор ўлса барча йиғлар,
Мен ўлсам кимим йиғлар?

Не қилай ёлғиз бўлди,
Мудом бир оғиз бўлди,
Бемурод — беиз бўлди,
Дея қай иним йиғлар.

Бўлмади бағрим бутун,
Кулбамдан чиқмас тутун,
Хотин ҳам кетар ул кун,
Болларим етим йиғлар.

Тайрилиб туёғиндан.
Кул ёғиб сиёғиндан.
Адашиб чорбоғиндан
Армонли отим йиғлар.

Бу ҳолга ҳайрон бўлиб,
Юрак-бағри қон бўлиб,
Еқаси вайрон бўлиб
Қай бир ҳамдамим йиғлар?

ЮРТИМИЗНИ ҚУРИҚЛАР

Қарчиғайнинг ҳавоси
Теккан жийрон тек турмас.
Қўли очиқ боғбоннинг
Дарвозаси берк турмас.

Дўст тутинган халқларнинг
Иноқлиги, тотуви —
Тун ўрнини қоплаган
Файзли тонгнинг отуви.

Қир-беткайдан терганим
Тоғ бодоми, пистамас.
Бу замонда ҳеч киши
Қон тўқишни истамас.

Бойўғлига мучалдош
Қабоҳат кунни қўмсар.
Шамъи шабистон туриб
Зимистон тунни қўмсар.

Қўл тегмаган тўпичоқ
Қўкка сапчир қулондай,
Ғанимларнинг нусхаси —
Туси совуқ илондай.

Бизга кўз тикканларнинг
Бўлмас юзи хотири.
Юртимизни қўриқлар
Йигитларнинг ботири.

ПОРЛАБ ТУРГАН ҚУЁШДАЙ

Райҳон уздим, гул уздим,
Уйни тутсин ҳиди, деб.
Нозик бўлар қўшиқни
Тингловчилар диди, деб.

Доҳий Ленининг номи
Порлаб турган қуёшдай.
Унинг ҳар бир каломи
Жон-дилимга туташдай.

Туман йилга ишора
Кўрсатган йўл-йўриғи.
Кўксимизни ёритган
Инқилобнинг довуғи.

Шундан бошлаб элу юрт
Озод бўлган, шод бўлган.
Шундан бошлаб Ильичнинг
Номи дилга ёд бўлган.

Шундан бошлаб ҳуррият —
Янгича ҳаёт бўлган.
Доҳий сўзи мардларга
Ҳам қалқон, қанот бўлган.

Шундан бошлаб деҳқоннинг
Рўзғори обод бўлган.
Санада йўқ қишлоқнинг
Номи Элобод бўлган.

* * *

Гулистоннинг йўли соз,
Йўлида ўйнайди ғоз.
Машинанинг таърифин
Қанча айтсам, шунча оз.

Сирдарёнинг баҳорда
Суви оқар айқириб,
Пахта терар машина
Нортуюдай ўкириб.

Қир келса қиёлатиб,
Ур келса ўрмалатиб,
Машинани бошқарар
Не қизлар гумбурлатиб.

Қайнаб, жўшиб меҳнатда
Йигитларни шоштирар,
Чунки юзга зеб бериб
Кўз устида қош турар.

Турнақатор ғўзалар
Сочларининг толидай,
Товланиб барқ уриши
Толеи, иқболидай.

Буюк тоғнинг чўққиси
Булутдан ошиб турар.
Бўй қизларнинг кўксига
Орден ярашиб турар.

СИР БУИИ УЛАНЛАРИ

Мамажон ота деган, аввал-бошдан,
Жавоҳир ундирганмиз тупроқ, тошдан.
Пойгада голиб чиққан чавондознинг
Билинар ўзбеклиги бир қарашдан.

Меҳнатсиз тўй, тўёна, хандон қайда?
Тарона, завқ, замзама, ўлан қайда?
Вақтида этик ечиб сув кечмасанг,
Жон қайда, жонон қайда, маъдан қайда?

Ялқов элга ор келтирар,
Бадномлар такрор келтирар.
Ўз халқига мартабани
Қатордаги нор келтирар.

Самовот мисол чексиз ой даламиз,
Қўл урсанг мўл ҳосилга шай даламиз.
Бел боғлаб сидқидилдан хизмат қилсанг,
Шираю шарбат, конга бой даламиз.

Мирпайи азим бу кун гул макони,
Олуца, олма, анжир, беҳи кони.
Сайри боғ этсанг магар боғларида,
Ғубордан холи бўлгай инсон тани.

Қора совуқ қор келтирар.
Кунни кўзга тор келтирар.
Кўп бир бўлса ўз элига
Чиллада баҳор келтирар.

Йўл тўлиб турнақатор карвон ўтар,
Товланиб намоишга алвон ўтар.
Бир йиллик ҳосил юки елкасида,
Ларзага солиб ерни равон ўтар.

Кўкламдан то кузгача гулчи мисол,
Манзилин мўлжаллаган йўлчи мисол.
Тадбиру такаллуфда ўз халқининг
Мушкулни осон этган элчи мисол.

Зангори кемамизнинг соҳиблари
Элининг мартабали ғолиблари,
Тўдага солди пўлат отларини
Эзгулик ихлосманди, толиблари.

Турсунбой, Шерқул оға иш кўзини
Билса-да, камтар санар хўп ўзини.
Саодат, Сотиволди, Раъно терган
Пахтани ёйсанг қоплар ер юзини.

Яхшининг яхши кунда суюклиги,
Айтилар теранлиги, юруклиги,
Ой юриб, омон бориб, ойдан боқса
Кўринар. Октябрнинг буюклиги.

Дўстга дўст дармон келтирар,
Номардлар армон келтирар,
Одамзодга аҳилликни
Советдай замон келтирар.

Бу юртда тўй кетидан тўй бошланур,
Мардларнинг номи шунда олқишланур.
Ҳофизлар шаҳнозию шоҳ дostonлар
Сиз азиз пахтакорга бағишланур.

Улкан тўйга улгимиз деб,
Яхшиликдан белгимиз деб,
То тонггача тарқамасин
Уйин билан кулгимиз деб.

Созандалар соз келтирар,
Ҳофизлар шаҳноз келтирар.
Гўяндалар барчангизга
Гулдан поёндоз келтирар.

Боғбонлар гул ундираш тош устина,
Ризқ-рўзи полвон келар ош устина.
Қўли гул, йўли очиқ меҳнаткашни
Арзийди гар кўтарсанг бош устина.

Қадимдан тўй тилакли Омон оқин,
Ўз қадрин билмасларга — ёмон оқин.
Ўрним бор ўтиришда, армоним йўқ,
Омонни қилди дўстлар замон оқин.

Садаға Мамат жони шундай элга,
Тупроғи хилга туташ жондай элга.
Эрлари Алпон мисол, Рустам мисол,
Қизлари ўн тўрт кунлик ойдаи элга.

Сўйлайди Усмон шоир сози билан,
Далада тер тўкади ёзи билан.
Маърака-мажлис куни дўмбирасин
Хўп созлаб, олиб борар ўзи билан.

Боғларда баҳор қулф ургай гунча,
Булбуллар гул шайдоси то ўлгунча.
Қосагул, гулобдан қуй бу кечаси,
Сайрайди қўлда торлар тонг отгунча.

Тўрангиз таълим олар устозидан,
Созидан, овозидан, парвозидан.
Айрилса туролмайди, айб этмангиз,
Муборак Сир бўйининг куз, ёзидан.

БАТАНГАДОЛАР НИДОСИ

I

Дардимни, дармонимни
Илми табобат билмас.
Орзумни, армонимни
Ҳақдин ўзга зот билмас.

Юртим, юпанчим қайда?
Тоғим, таянчим қайда?
Қайғу, қувончим қайда?
Бу танам тоқат билмас.

Суякка етмиш зорлик,
Элимга интизорлик.
Иўқ бирон дил ёзарлик,
Жон, жисмим нажот билмас.

Қаддим дол, сўроғ, дўстлар,
Сийнам тўла доғ, дўстлар.
Қисматим шундоғ дўстлар,
Бу ҳолим элат билмас.

Ночор, армонли қулман,
Ошиёнсиз булбулман.
Бир бандаи ғофилман;
Умрим ҳаловат билмас.

Бойлигим бор, бахтим йўқ,
Уз ерим, пойтахтим йўқ.
Осуда ҳаётим йўқ,
Қўнглим тароват билмас.

Миннатли мазорим ҳам,
Юрган йўл, гулзорим ҳам.
Серғалва бозорим ҳам
Файзу баракот билмас.

Бирда йўқ, борлигимни,
Неларга зорлигимни,
Ё беқарорлигимни
Еру самоват билмас.

Қўчада қолса лошим,
Тоғ-тошга тегса бошим.
Ботар бўлса қуёшим
Руҳим шафоат билмас.

Эътиқод, имонимни,
Аҳдимни, паймонимни,
Зоримни, забонимни
На қуръон, таврот билмас.

II

Тоғларга суяндим таянч бўлсин деб,
Таянч бўлолмади улкан тоғлар ҳам.
Боғларда тунадим болли бўлай деб,
Болини аяди ўша боғлар ҳам.

Қуёшга топиндим қувонч бўлсин деб,
Дариф тутди мендан текин нурины.
Бу бошим тегмаган тош ҳам қолмади,
Айтай энди сизга қайси бирини.

Бирларда илтижо қилдим фалакка,
Қўлим самовотда муаллақ қолди.
Бора-бора ёлғиз-ёртилик дарди
Бўғизимга тиғ-паррон бўлиб қадалди.

Сувлар ҳам тиниди сумбула келиб,
Тиниб-тиниқмади бу кўнглим, ҳайҳот.
На баҳор, на ёздан, на тўкин куздан
Ҳечам қониқмади бу кўнглим, ҳайҳот.

Мустажоб бўлмади ёлворишларим,
Кўнглим ўксик, хаста кўзларимда ёш.
Не қора кунларда биронта зот ҳам
Бўла билмадилар менга қайғудош.

Ғариб, сиғиндиман ўзга элларда,
Сиғинар қадамжо, мозорим йўқдир.
Очиқ кетар бўлди кўзларим менинг,
Жон ачир, бағрига тортарим йўқдир.

Ойнинг ўн бешимас, бари қоронғу —
Қўланкасиз, тиниқ кунларим камдир.
Хун бўлмиш жигарим, қон бўлмиш бағрим,
Оғзимда қора қон — олдимда жомдир.

Ўз бешигинг туриб ўзга бешикка
Суқила билмоқлик — қисматмасмидир?
Ўз қўшигинг туриб ўзга қўшиққа
Жўр бўлмоқ аслида уятмасмидир?

Кимга мен суянсам, олдимга ўтиб —
Тўфон бўла бошлаб, тўсди йўлимни.
Алҳол, бундай яшаб кун кечирмоқдан
Минг бора афзалроқ кўрдим ўлимни!

Достонлар



И Н Т И З О Р...

Ўрмон ичинда бир қуш
Бир учиб, бир қўнадир.
Ўз инига сиғмасдин
Чирқиллаб зорланадир.

Баланд парвоз этолмас —
Мажруҳ, ҳолсизгинадир.
Қавми ҳам тўп қушларга
Сал дахлсизгинадир.

Гар учар бўлса қўнар
Жойи тайинсизгина.
Қийналар қўниш билмай
Манзил, маконсизгина.

Тўп қуш ичинда бир қуш
Йўқолди номсизгина.
Кошкийди қўнган жойи
Бўлса тикансизгина...

* * *

Бу ғариб тошмозорга кўплар ўтар тош ташлаб.
Кўплар ўтар тош ташлаб...

Чидолмай бу озорга мен ўтаман кўз ёшлаб,
Мен ўтаман кўз ёшлаб...

Бир парча ер тегмаган қандай бахти қора бу?
Сийнаси садпора бу?
Ёр меҳрига қонмаган қандайин овора бу?
Қандай бағри яра бу?

Ғаллаоролнинг номи кетган Оқтош даҳаси. Кечмишидан сўз кетса кўп эрур ҳангомаси. Ирмоқлари, сувлари, олқори, оҳулари қадимдан тилга тушган — ўз оти ўзи билан оқтовли юрт. Бўза билан қимизи, қуртобанинг тамизи; чопқир саман тойлари, қундуз тўла сойлари азалдан мақтовли юрт. Олти ой қиш, олти ой ёз дегани шунда бўлади. Кўклам қимизхўрлиги, кузда тўкмаси кунда бўлади. Новқаликлар олмаси билан атоқли, сангзорликлар ҳангомаси билан.

Ҳар қайдагидай бу ердагилар ҳам кўплашиб, кўмаклашиб колхоз, совхоз тузганича: бор борича, йўқ ҳолича бўлиб, зонг ҳам, замон ҳам зўрники эди. Бирлар зоғора нонга зор бўлса, бирлар симу зардан безор эди.

Холмамат бойнинг қир тўла қўйи, сой тўла самани бўлиб, хотин олиб, хотин қўйишдан ҳам зерикди. Дунёдан тирноққа зор бўлиб ўтиб боради. Еши ҳам кетиб боради. Қазойи қадари етиб қулай кетса, қанчадан-қанча молу дунёси, дову доскаси — бесоҳиб. Меросхўри йўқ. Бой узун оқшомлар шуни ўйлаб, чаён чаққандай тўлганиб чиқади. Туғилмаган Тиловга тилло бешик, дегандай, тилло бешик олишдан ҳам армон қолмади. Алҳол, ойдан ой, йилдан йил ўтиб, кенжа хотини қизлик бўлиб, ўзича обрўли, оқ юзлик

бўлиб, мартаба топиш ўрнига бойдан эшитган гапи шу бўлди:

— Бу лаънатининг ўзи бошда ўғил туғадиган сиёғи йўқ эди. Тилаганга нени берар, учик билан пучик берар. От ўрнини той босар. Ота ўрнини ўғил. Қиз эса киши бандаси.

Ташландиққа тош тегмас. Ойбека ўқиб, ўқиниб қизни катта қила берди. Мулло зоти қизнинг қулоғига азон айтиб ном ҳам қўймади. Онасининг ўзи Гулноз деб, гулдай парвариш қилиб юра берди. Гулноз эса қизмисан — қиздай бўлиб, ариқ бўйида ўсган андиздай бўлиб ўса берди.

Қиз бўйга тўлиб, ўн тўрт кунлик ойдай етилиб, оқ олма деса — оқ, қизил олма деса — қизил бўлганда совчи сайин совчи бўлиб, бойнинг дарвозасини брай очса, бойвачча бекитади. Бебарор ўсган ўғилдан қилиқли ўсган қиз яхши, дебдилар. Қизларнинг кетидан она эътибор, ота иззат топди. Ойбека кундошларининг куни эса кун сайин тутилмоққа бошлади.

Югурганникими, буюрганники? Бу галги совчи Ҳасанхон тўранинг ўзлари бўлди:

— Акмалхон махсумингиз ҳам эр етиб, оталик савдоси бошимизга тушиб, каминангиз остонангизга бош ургали келди. Сўзимизни қайтармасалар, иншоолло охирлари ҳам, охиратлари ҳам обод бўлғай. Машойиқлар ажаб айтибдилар, қирқ уй қуда бўлса қирқ йил қирғин келмас, деб.

Тўрамнинг сўзи сўз. Бир ҳисобдан айни муддао: Галлаорол аймағида кимсан Ҳасанхон эшон билан қуда бўлиш. Ҳар бандага ҳам насиб қила бермас. Бунинг устига Кўкжор қишлоғининг пири ҳам, пайғамбари ҳам; авлиё анбиёси ҳам шу тўрамнинг ўзлари. Бу гапларни хаёлидан кечирган бой ўйлаб-нетиб ўтирмай розилик берди. Энди Гулноз, Гулноз эмас — Нарзигул. Қизнинг вой дегани ҳам, онасининг дод солгани ҳам бе-

худа. Бу ёқда бойнинг қароли Мамаюсуф доғда. Гулнознинг дарди хаёли кебанагини судраган шу йигитда: Акмалхон махсумнинг симоби салласио Мамаюсуфнинг чурук пайтаваси; махсумнинг тугамас давлати билан юрса ер ёрилгудай салтанати-ю, ёшликдан бир она боласидай, бир тоғнинг доласидай бўлиб ўсган Мамаюсуфнинг босган изи. Бу сир бир худога маълум, бир қизнинг онасига. Онайизор эмасми, ўзини овсарликка солиб қизига ўгит берган бўлади:

— Худоё худованди карим, сенга умримни берса берсин, бахтимни бермасин. Камолингни кўрай, заволингни кўрмай. Менга ўхшаб: «Ўйламай сойга тушдим, энди менга қир қайда», деб дунёдан зор қақшаб ўтмасанг бўлгани.

Гулнознинг кучи кўзига етади. Чорасиз. Мамаюсуф билан бўлган борди-келдиси отасига маълум бўлса, терисига сомон тиқилиши аниқ. Истасин, истамасин, энди у махсумнинг измида. Тутқун. Ўлиб қутулишдан ўзга чора йўқ. Мамаюсуфнинг дарди ичида. Боз устига, ит тумшугини тиққан ерга сув ичгали шер келмас. Ҳалол ошга ит тегмаса ҳам теккандай, эликмаса ҳам эликкандай бўлиб йигитнинг кўксини кесди. Бу тўғрида Мамаюсуф ўйлаб ўйига, бўйлаб бўйига етмай:

Гоҳо-гоҳо йироқларга олиб қочар ҳаёли,
Қаршисида хавф-хатарли тоғлар турар қояли.
Бу тоғлардан ошмоқликка йўлдош қани, йўл қани?
Мадад керак бўлса мадад берарга бир қўл қани?
Яралганман ёлғиз бўлиб, ҳақдан бўлак кимим бор?
На тилакдош, на эмукдош, на кулба, на шамим бор,
Меҳнат учун яралганмиз, биз — банданинг бандаси.
Қонимизни сўрувчилар худонинг арзандаси,
Сенинг учун бир эмасми барча қулинг, ё раббий!
Яратганинг чин бўлса, айт, бизларга ким мураббий!

Дорилбақонг қайси ўзи,
Дорилпаноси қайси?
Ушбу бўлса ёруғ дунёнг,
Мадҳи, маъноси қайси?

* * *

Кўклам келди қир-далага лола тўшаб, гул тўшаб,
Бор йўлига бахмал тўшаб, йўқ йўлига кул тўшаб.
Кўҳна дардли кимсаларнинг қайта кўзмиш яраси,
Табиб-таскин топган билан кошки бўлса чораси!

Йиғи-сиғи билан мунгли
Яна мозор бошлари,
Кўкдан тушган ёмғир гўё
Кўпларнинг кўз ёшлари...

Вожабо, тонгдан туриб нолон сайрар ҳаққушлар,
Қайдам бу кеч кимга совуқ хабар берар бойқушлар?
Ераб? Бу тун қорачироқ ўчмагай қай кулбада?¹
Йўқсил кўнглин овутолмас на ширинсўз, на бода...

Шунча бўлса бу беш кунлик
Дунёнинг кўргулиги,
Не кечарди аҳволимиз
Бўлганда мангулиги!

Шерик бўлмай Мамаюсуф баҳор қувончларига,
Гулноз қизнинг кулишлари, нози, ўкинчларига,

¹ Чироқнинг тун бўйи ўчмаслигини мусибатга ишора, дейдилар.

Тонгдан туриб то кечгача қўш қўшади чорасиз,
(Бир тишлам нон қайда дейсиз азият-овворасиз.)

Бирда ошсиз, бирда сувсиз, бирда буткул оч қолиб,
Бирда кирлаб, озиб-тўзиб, бирда яланғоч қолиб
Сабр сақлар бардош билан, тошдан қаттиқ бош билан,
Бирда бағри гирён бўлиб, бирда кўзда ёш билан
Уйлай-уйлай ақли етмас бу дунёнинг ишига,
Куйганидан тил теккизар фалакнинг гардишига...



Қурбон ҳайити яқинлашгани сайин қудаларнинг кўнглига ғулғула тушиб, тўй харожатларига тайёргарлик кўришиб, бирининг эшигини эл очса, бирининг туйнугини ел очиб қолди. Тўй куни яқинлашгани сайин Гулноз билан онаси қон ютиб қон қусадди. Зўрликнинг туби хўрлик. Хўрлик этдан ўтиб суякка етди. Она-бола энди ошкор сўйлашишга ўтди:

— Кундан-қунга рангинг ситилиб боради. Худодан яширмаган сирингни бандадан яшириб не қилдинг? Уйинг не, ўтинчинг не, қизим?

— Махсумнинг бошқа қайлиғи бор деб эшитаман. Усиз, ҳар ким суйган ошини ичмайдами, энажон?

— Нима қилай, жон қизим? От тепкисини от кўтаради. Бизнинг тепкимизни ким кўтаради?

— Чорасизнинг тепкисини чорасиз кўтаради.

Эртаси кун Мамаюсуф қўш бошидан бир ҳол, афтодаҳол бўлиб келди. Етим ўз ошини ичади, бировнинг миннатини эшитади. Бой ундан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига, таъна-таъзиқларни қаторлаштириб ташлади:

— Еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган кезларинг.

Қулоғингдан кун кўриниб қолганига ҳайронман. Эртаниндин бирон тенги тўшингни топиб, елканга ола хуржунни осиб қўйсак аҳволингга маймунлар йиғлайди шекилли?...

— Бир гап бўлар... Усиз, менга ёз ёқа бермайди, бой ота...

Бу қисқагина, совуққина сўрашишдан сўнг, бой намозшомни ўқиб, овул оқсоқолиникига зиёфатга кетди. Ошиқ, йигит, машуқ қиз учун Сулаймон ўлиб, девлар қутулди, дегани бўлди: қора кўз, қора қошли, кўриниши қарчигадай ихчам бўлса ҳам бек Алпондай бардошли; бир кўзи хиёл қисик, қоши пайваста, қулоч ёзса етмайдиган елкасини кўрмаган қизлар армонда, кўрганлари ҳавасда... Юзида сепкили, кўзида ўти бор, тикилиб қараса, унча-бунча одамни ўлдириб, тирилтирадиган салобати бор; ўрта бўйли, теран ўйли Мамаюсуф атрофида Гулноз капалакдай парвона. Юзлари оққинадан, бўйлари чоққинадан қелган, лаб-даҳани гунчадай, рўй деганингиз тандирдан эндигина узиб олинган ширмойи кулчадай, бурнида булоқи, манглайда тиллақоши, қулоқда зумрад сирға, сочбоғда ёқут тоши; эгнида илон пўсти ранг нимча, алвон желак бошида, оқ билагида олтин билагузук, кўз тумори тўшида, кокили — бир қиз, қоши — бир қиз, какликдай қақиллаб кулиши — бир қиз; ўз исми ўзи билан Гулнознинг, суқсур, сўнали боғда битган сарвинознинг елиб-югуриб хизмат қилишидан Мамаюсуфнинг ҳам димоғи чоғ.

Пайт-пайт — шу пайт. Ойбека қизига, ўчоқбошига қара дегандай ишора қилган бўлади. Гулноз бир ўтдан хабар олган бўлади, бир сувдан. Ойбека гапни очди:

— Шариятда шарм йўқ, дебдилар. Яна уялиб-нетиб ўтирма. Сендан яширадиган сирим йўқ. Қиз меники, бахти ўзганики. Кўнглинг Гулнозда бўлса ҳаракатингни қил.

Мамаюсуфнинг уялганидан танасига тер чиқиб, юзи лоладай қизариб, тилига келгани шу бўлди:

— Очкўз лочин тирноғидан, танобчига тил тегизган чорбоғидан айрилгани шекилли, бошимга қирон қушнинг куни тушиб қолмаса?

— От тўдада билинар, йигит майдонда. Дунёда ортиб, армондан айрилган ёмон. Ёшлигингдан қўлимизда ўсдинг. Сийна сути бермасам ҳам сийимни аямадим. Худойликни айтганда, Гулноз сеники эди. Қўлимдан келмади, не қилай. Қоронғи қолган юртга алакка подшо бўлибди, дегандай, бу гўшада Тўрамнинг гапи—гап. Эндиги чорасини ўзинг қил.

— Нима қил дейсиз?

— Нима қилардинг. Худодан «Кимдан қўрқасан?» деб сўраганларида: «Таваккалчи бандамдан қўрқаман», деган экан. Қўкбўз от сеники. Қувса етади, қочса қутулади. Уқдингми?

Ёпилди қозон ёпилди. Сир сирлигича, Ойбека бир сўзлигича қолди. Бу гап Мамаюсуфга бирда саҳар кўрганга тушдай бўлса, бирда мушкул бир ишдай бўлиб, бирда жон куйдирмасанг жонона қайда нақли хаёлидан ўтиб, борлиқни унутиб, ҳадеса учадиган қушдай бўлиб юра берди.

Вақтики барманоз, дегандай, бу оқшом қиз билан йигитнинг қишлоқдан тузи кўтариладиган тун.

Бойнинг бошида эса бошқа ташвиш: борни бозор қилган ҳам, йўқни мазор қилган ҳам тангри таолонинг ўзи. Аҳли фуқаро оёққа туриб барчанинг бирдай бўлишини талаб қилиши замонанинг озгани, эшакнинг отдан ўзгани эмасми? Ўзи бозорга сизмаган туя қўшани билан кирибди. Пошшоликка қарши қўзғолон кўтарган жаззахлик ялангоёқларнинг ҳоли не кечди! Пошшонинг сўзи—сўз, буйруғи — амри вожиб. Пошшоликка шак келтирганинги ўзи кофир, хотини талоқ. Ҳозир ким кўп, хотини талоқ кўп. Замон қил устида. Ё парвардигори олам, биздай мўмин бандаларингни даври қиёматгача кам

қилма. Лениннинг ўзи битта бўлса ҳам ўзаги мингта эмиш. Балони юборгувчи ҳам ўзинг, давф қилгувчи ҳам ўзинг, фирқалар худодан қайтган бўлса ҳам, нуриги — китоби эмиш дегани нимаси? Бу ерларга ҳам ўшаларнинг қадами етса ҳолимиз не кечади? Сичқон сифмасинига, ғалвир боғлар думига. Ўз элимизга ўзимиз сифинди бўлиб қолмасак бўлгани. Бахтимизга Очилдов билан мулла Турсундай суянган тоғларимизни омон сақла. Ҳозрати Қутбиддиндай дини ислом туғини тутиб турган донишмандларимизнинг ишига ривож бер. Амир Алимжондай пошшоликка муносиб тожу тахт султонларимизнинг мартабасини зиёд қил...

Шу йўсин бой хаёлотга фарқ бўлиб, бир ғам босса, бир ғафлат босиб, бир ўзини хон, бир кўланкасини майдон чоғлаб уйқуга кетди.

Тун ғарибники. Гулноз қай юз, қай кўнгил билан онасини ташлаб кетаётганидан ношод. Мамаюсуф эрмисан — эрдай бўлиб, вужудига куч эниб, ўз ўлжасига ташланадиган шердай бўлиб, бахт қушининг бошига қўнмоқчи бўлаётганидан ўзида йўқ шод. Шу кезде унинг учун Гулнознинг бир тола сочи етти иқлим пошшосининг божи билан хирожидан қимматли. Насиб қилса энди у ҳам одам сонига қўшилиб, ўз уйи, ўлан тўшагига эга бўлади...

Мамаюсуф Кўкбўзни чоқ қилиб, пуштонини ўбдан тортиб — белини бир қучоқ қилиб, Гулнозни мингаштириб, дарвозадан ҳайё ҳайт дея чиқди-да, кетди. От дарвозадан чиқиши билан гуриллаб кишнаб, ер тепиниб пишқириб, ҳадеганда қанотли қушдай учмоққа чоғланди. Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон бўлади, дегани шекилли, Бўрибосари тинимсиз акиллашга тушди. Эшак эшакдан қолса қулоғини кесади, ит итдан қолса нимасини кесади?.. Бир фурсатда овул итлари еру кўкни қий-чувга кўмди-қўйди. Оғизда ирмига тиши қолмаган, ёши элликдан ошган бўлса ҳам бозор оқ-

шоми бойдан ҳақини олишдан уялмаган; уйқуси сергак-
киша, оғзи-бурни ўйилган гўрдаккина, ўртанча хотини
бойнинг тезда тура бермаслигига ҳам қўймай жавраш
га тушди:

— Соқ бўлсанг сақлайман деган. Бундай одатингиз
йўқ эди, не бўлди сизга? Итларнинг ҳуриши бежо. Қиш-
лоққа ё қорақуш¹ оралади, ё босмачи. Туринг деганда
туринг.

Бой туриб қаролга товуш қилди. Қаролдан дарак йўқ.
Охурда тунаганми, деб отхонага борса на от бор, на
Мамаюсуф. Бойнинг ичида икки бошли илоң ўрмалаган-
дай, аъзойи баданидаги туклари тикка бўлиб жонҳо-
латда дарвозадан хабар олса, дарвозанинг зулфи бўш.

Дам ўтмай бой ҳовлиси Олой бозори бўлди-қолди.
Ҳар ким оғзига келганини деётир:

— Итдан бўлган қурбонликка ярамас. Туси яхшидан
тунгилма. Ўзи туси совуқ йигит эди.

— Етим кўзи асрасанг оғиз-бурнинг мой ошар. Етим
бола асрасанг оғзи бурнинг қон ошар. Ялангоёқдан
келган оқибат нима бўларди?

— Қизил юзли йигитга қиз уруғи битмасин. Мақ-
товли қизимиздан чиққан ҳунар шу бўлса, бошқаларга
товфиқ берсин.

— Кўзи сўқирдан қўрқма, кўкраги сўқирдан қўрқ,
деган шу бўлади.

— Қул қутурса қудуққа ўтирар. Қутурганнинг жа-
зоси қурқ.

— Ёмон хотинга ўхшаб айюҳаннос солиб ўтиргунча,
белимда белбоғим бор, деганинг от-отингга мин. Ажали
етган сичқон мушукка ғамза қилар. Вой ғамза-памзанг-
ни...

Бойнинг кими кўп — жонкуяри кўп. Бой ошини
бойтеват қўрибди, дегандай бойтеват кўп. Салла олиб

¹ Чорвадорлар бўрининг номини айтишни ирим билиб, қо-
рақуш деб аташади.

кел деса, калла олиб келадиган югурдаклари кўп. Отнинг ўлими — итнинг байрами. Баҳона топса, байрам қиладиган гўсхўрлари кўп. Ҳадеганда йигирма чоғлик сувори бойнинг хизматида ҳозир нозир бўлиб итлар ҳурган томонга қараб от қўйди. Бой — бош, улар — ён-бош. Эшон — фатводор. Булардан ҳам бойнинг Чипор исмли тозиси хатарли. У из қувиб, из олади. Бу лаънати барчани Кўкбўз юрган йўлдан бошлаб кетиб боради. Кўкбўз ҳадемай Кўкжарни тарк этиб, Моргузор тоғини қоралаб боради.

Бу тоғлар қандай тоғлар,
Бағрида қузғун, зоғлар?
Мамаюсуф кўксини
Бир хатар, қўрқинч доғлар.
Ер қаттиқ, осмон йироқ,
Борми экан чораси?
Дунё ўзи бетуроқ
Тугамас можароси...
Гулноз дейди, ё раббим,
Раҳм айла кўз ёшима.
Сендан шудир талабим,
Бу бегуноҳ бошим
Улимни раво қилма,
Бебахт, бенаво қилма.
Йигит асов отини —
Бойнинг хоназотини
Қимтиб-қистаб қичовга
Олар тобора шошиб.
Келганида «Тарнов»га
Кўкбўз неча бел ошиб,
Қонсираган калхатлар —
Етдилар ҳайҳайлашиб.

Мамаюсуфнинг боши айланиб, не қиларини билмай ўйланиб, отнинг бошини баралла бўш қўяй деса, Гулноздан аввайланиб, қўймай деса бир гала ғажир оч бўридай тайланиб келаётир. Ур деса номард қочур, мард қолур майдон ичинда, йигит фикр қилди: қочиб қутулгандан кўра, кенг майдонда куч синашиб тутилган яхши. Йигит пирлари мададкор, ҳазрати Али жиловдор бўлиб, енгсам енгдим, енгмасам пешанамда бори бўлар.

Йигит қизни отдан тушириб, қўлда чўқмори, кўнгилда зори билан кушандаларга беткай бўла берди. Бир соатлар чамаси ур калтак устига сур калтак бўлди. Мамаюсуфнинг бошидан оёғи моматалоқ бўлиб, этбети қора қонга бўялиб, қамчи устига қамчи ёмғирдай ёғилиб турибди. Бечора йигитга жўн ўлим ҳам насиб қилмай танидан жони жудо бўлгунча бошига калтак тушиб турди. Дунёга қандай келган бўлса, шундайлигича қайтиш қилди. Жасади на кафан кўрди, на жаноза. Не-не нопоқларга тегадиган бир қарич қора ер ҳам тақдир қилмади. Лоши ой далада гўрсиз, гўрковсиз қолди, кетди. Энди унинг бошида аза очадиган на ёри бор, на ёрони. Биттаю битта опаси қаҳатчилик йили Қурама элатига тушиб кетган. У ҳам киши бандаси. Як нафаси ҳаловат тахти Сулаймон аст. Гулнознинг бир нафаслик ширин суҳбати ҳам насиб қилмади. Ғариб бўлиб туғилиб, ғариб бўлиб ўлди.

Қизи қошига боришга юзи чидамаган бой йигитларга буюрди:

— Ота юзига оёқ қўйган фарзанднинг икки дунёси куй. Бунинг тенги — тошбўрон. Токи ўтган-кетган йўловчилар ота қарғишини олган оқпадар фарзанддан алҳазар, деб мазорига тош ташлаб ўтсинлар. Тўрамнинг фатволари шундай.

Арча тагида гул баргидай қалтираб турган Гулнознинг шаклу шамойили пажмурда тусга кириб, ақли ҳуши йўқолиб, илгари ўлмаса ҳам энди ўлишга, тириклай

кўмилишига кўзи етиб на дод солишиңи билади, на фар
ёд этишини. Даъвогаринг қози бўлса, дардингни ол
лога айт. Гулнознинг кўзига шу пайт Олло тугул олам
кўринмай, на ўртанмай, на ёнмай, сел урган балиқдай
саросимага тушиб қолди. Қулон зоти йиқилса, қулогига
сир айтмас. Гулнознинг сир айтиб сирлашадиган
дард ёриб дардалашадиган шўрлик онаси тоғдан
нарида.

Сутга чайгандай юзи бўса нелигини билмай, йиғласа
қайғуси бир, куйласа чолғуси бир йигити — Мама-
юсуф билан дунёнинг орзу ҳавасини кўрмай, кайфу
сафосини сурмай, тош билан урилиб, тош билан кў-
милди...

Эл назмича, бунда гўё Гулноз ётар ноз этиб,
Ўз ёрига етмоқ учун ноз этиб, пардоз этиб.
Алл йигит ҳам ётар бунда ёр васлига зор бўлиб,
Бир-бирини кўрмоққа кўп ташна, интизор бўлиб...

ҚИРҚ ҚАЛДИРҒОЧ

БОШЛАМА

Сўзламасман бу оқшом
Маҳобатдан ё лофдан.
Боғи эрам ёхуд Шом,
Ё тоғи Кўҳиқофдан.

Гап очмасман бу кеча
Гул турганда алафдан.
Ким ҳам сўйлар тонггача
Дур турганда садафдан.

Ғанимат дoston айтиб,
Дoston эшитмоқлик ҳам.
Узоқ мозийга қайтиб
Андак сайр этмоқлик ҳам.

Лек бўлмаса маъноси
Кимга даркор дoston ҳам.
Бу «Қирқ қиз» ҳангомаси
Бўлиб ўтган ростдан ҳам.

Сўзлай бу кун қирқ қизнинг
Қисматидан, ишидан.
Ҳар қайси бир юлдузнинг
Бахтидан, бахт қушидан.

Қай бир кезлар фалакнинг
Нобоп айланишидан.
Нопок туриб, покларнинг
Йўли боғланишидан.

Кўзлари қонга тўлган
Шоҳнинг фармойишидан,
Очилмай туриб сўлган
Гулнинг топталишидан.

Созни созлаб чертарман
«Қирқ қиз»дан сўйлар бўлсам.
Бирда бўзлаб чертарман
Ўтмишга бўйлар бўлсам.

Ҳар бирига қасида
Бахш этсанг камлик қилур.
Интиқом борасида
Шоҳдан ўктамлик қилур.

Канизак қиз — Гулжаҳон
Ойдан кўркамлик қилур.
Қад-қоматин қилмай ҳам
Элга карамлик қилур.

Алҳол, «Қирқ қиз» қиссасин
Бошламоққа гал келди.
Соз чертмоққа чоғлансин
Бўза келди, бол келди.

I равза

На мағриб, на машриқда,
Ойботган деган ёқда
Ўтган экан жоҳил шоҳ,
Ўта бадном, бахил шоҳ.

Элнинг номи — қоратош,
Тўрт ёғи тоққа туташ.

Бу юртга келганларнинг,
Шоҳни билмаганларнинг
Моли бўлиб хомталош
Бўлар экан кўнгли ғаш.
Бу эл фуқаролари,
Йўқ, юпун — бари-бари
Шоҳнинг феъли бадидан,
Таънали имдодидан,
Биргина ўзин ўйлаб
Азада ҳам тўй-тўйлаб
Ҳаддидан ошганидан —
Тўкилиб, тошганидан
Барча норози экан —
Бу ҳали ози экан.
Шоҳнинг ўнг қўл вазири —
Амрига мунтазири
Унинг ҳар бир ишига,
Иши, фармойишига
• Уқиб мадҳу санолар
Ҳам айтиб тасаннолар
Ижросига шошаркан,
Қадамда адашаркан.

Борлиқ аркони давлат
Элни қилмай ҳимоят
Фақат ўйлар ўзларин,
Назиру ниёзларин.
Шоҳ фатвоси — фатводир,
Рад этмоқ нораводир.
Қушбеги — имтиёзли,
Қаҳри келса аёзли.
Парвоначи — риёдир,
Тунқатор — бешиёдир.
Ўз кунин ўйлар бари,
Халқ тўзса, ундан нари...
Не бир афсунсозларнинг,

Чўпон, ёйандозларнинг,
Йилқичи, боғбонларнинг,
Не моҳитобонларнинг,
Деҳқон бирла чархчининг,
Эшкакчи, балиқчининг
Кўкка ўрлаб ноласи
Қулаб кўнгил қалъаси,
Норози бўлиб шоҳдан
Фойда йўқ, деб оҳ-воҳдан
Ошкора сўйлар бари,
— ЖАЪФАР шоҳ шоҳ бўлмади,
Элдан огоҳ бўлмади,
Қилган иши хайрли,
На-да салоҳ бўлмади.

Қўли тегмас шикордан,
Мудом кўнгил ёзардан...
Қутулар кун бормикин
Бу шайтон, нафси ғордан.

Кўзи тўймасга ўхшар,
Ўзи тўймасга ўхшар.
Айшини, ишратини
Сира қўймасга ўхшар.

Шоҳ саройи ғафлатда,
Бадномлар ҳимоятда.
Бундай шоҳни кўрмадик
Бирон-бир китобатда.

Жонга тегди кафорат,
Ўлпон, ушр, ҳайрати¹.
Деҳқон шўрклинининг, ҳайҳот,
Йўқ ҳузур-ҳаловати.

¹ Солиқлар.

Кўзлари қонга тўлган
Қозига — жазо пули,
Бирон кимсаси ўлган
Шўрликка — қазо пули.
Мулла халқидан ортмас
Кафан, жаноза пули.

Балиқ сасир бошидан,
Махов маълум қошидан.
Ер титрар, осмон титрар
Эл-юртнинг қақшашидан.

Овом зоти хор бўлди,
Буткул беназар бўлди.
Бу замон қандай замон,
Кун-кундан баттар бўлди.

Иш битмас нолиш билан,
Хиргойи, хониш билан.
Осий бўласан бирда
Тақдирдан тониш билан...

II равза

Ойнусқа — шоҳнинг қизи
Кўрар кўзи, ёлғизи.
Валиаҳди ҳам шу қиз,
Борлиқ бахти ҳам шу қиз.
Ой чиқса — Ойнусқага,
Кун чиқса — шу нусқага.
Ўзи талтув, тантиқроқ,
Лаблари ҳам тиртиқроқ.
Оғизлари ўймоқдай,
Ангори қирқ ямоқдай.
Сангров башара ўзи,
Гапларининг йўқ тузи.

Ҳар бети тол товоқдай,
Қабоғи носқовоқдай.
Белкуракдай ҳар тиши,
Қўрқинчли тўлганиши...
Кўзлари ола-кула,
Сочлари ҳам тўкила
Қолгандай пахмоқлашиб.
Еши ўттиздан ошиб,
Борар қаримсоқлашиб —
Қайвонилик ярашиб,
Қуёвдан узоқлашиб...
Бир шошмай, бирда шошиб.
Шунда ҳам онасининг —
Шамдай парвонасининг,
Кўз қорачиқ, эркаси
Саройнинг маликаси.
Борлиқ тақинчоқлари,
Тиллақош, мунчоқлари
Бир эшакка юк бўлур,
Сўнг эшак буюк бўлур...
Шоҳ қизини ўйласа,
Бир ўйлаб, бир сўйласа
Хуноби ошиб-тошиб,
Ғам лашкари қалашиб
Ўйлаб ўйига етмас,
Бўйлаб бўйига етмас:
— Наҳотки, шу қизимнинг,
Шу ёруғ юлдузимнинг
Тенги топилмаса ҳеч,
Топила қолмаса ҳеч.
Ойнуқам, офтобнуқам,
Бекзодага боп нуқам.
Табиати нозигим,
Бегуноҳ, беёзигим
Озиб борар кун сайин,
Тўзиб борар кун сайин.

Қўйган шартлари оғир,
Қон бўлди жигар-бағр:
Ойнуқани олар эр,
Элга доврўғ солар эр
Ун минг туяли бўлсин,
Қирқ минг бияли бўлсин,
Сўзи жўяли бўлсин,
Узи ҳаёли бўлсин.
Қўлида муҳри бўлсин,
Дилида меҳри бўлсин.
Боз устига: шаҳзода,
Ё султон, Маҳдумзода,
Ё улкан мулк эгаси,
Чўнг бўлса мартабаси,
Насаби аслзода —
Фариштадан озода.

Бироқ бебахт қизимнинг,
Елғиз кўрар кўзимнинг
Бахти боғланмиш чоғи,
Боши айланмиш чоғи.
Дарак йўқ хушторидан,
На ёшдан, на қаридан.
Эл-юртдан садо чиқмас,
Бек тугул гадо чиқмас.

Бирда шоҳ ўз-ўзига,
Товба қилиб сўзига
Берар таскин-тасалли,
Ҳар ишнинг бордир гали:
— Сабабмикин шоҳлигим,
Ё олампаноҳлигим?
Кўнгли бор шаҳзодалар,
Бек ё султонзодалар
Остонамга келгали,
Ё совчи юборгали

Юргандир одоб сақлаб,
Сукут сақлаб йироқлаб.

Шу йўсин шоҳ ўйланиб,
Бир сўкиниб, сўйланиб
Дарди сиғмай ичига,
Куч қўшилмай кучига
Йил, ой эмас, кун сайин,
Ҳар келар кун, тун сайин
Ранги сўлиб боради,
Хароб бўлиб боради.
Пажмурда тусга кириб
Руҳи сўниб боради.
Соч, соқол, мўйловига
Қиров қўниб боради.

III рава

Ойнуқанинг қирқ қизи —
Қирқ канизи бор эди.
Ҳар бири тонг юлдузи,
Чалинмаган тор эди.
Юзлари олма қизлар,
Беллари толма қизлар,
Тиниқлик, танҳоликда,
Баркамол, барноликда
Бири сулув биридан,
Гулжаҳон қиз баридан.
Гулжаҳон оққина қиз,
Хипча бел, чоққина қиз,
Камгап, камсўзгина қиз.
Зап қора кўзгина қиз,
Ажаб тўкис, теран қиз.
Суханвор қиз, бийрон қиз,
Барча қизларга бош қиз,

Қўнгли очиқ — Қуёш қиз,
Такаллуф, тадбирли қиз,
Сербардош, сабрли қиз.
Гап-сўзи нақлли қиз,
Тили ширин, болли қиз.
Иш қилганда шошмас қиз,
Иўлидан адашмас қиз.
Шоҳнинг салтанатидан,
Хатарли ҳаётидан,
Сарой дабдабасидан,
Базмидан, бодасидан,
Гулҳовуз бўйларидан,
Сайил, сайрларидан,
Шоҳнинг тартиботидан,
Ваҳима, ҳайбатидан
Жон-жонидан безган қиз,
Буни бошдан сезган қиз.
Шоҳнинг эрта кунидан
Умидини узган қиз.
Кун кетидан кунини
Амаллаб ўтказган қиз.
Уйини поёнига
Ахири етказган қиз...

Гулжаҳон бекасига,
Сарой маликасига
Ачиган бўлиб жони,
Ушалгандай армони
Яқин тутиб ўзини,
Ўйлаб айтар сўзини.
Айни нонушта чоғи,
Ял-ял ёниб ёноғи
Ойнусқа ўтовига,
Разм солиб раъйига
Елғиз кириб борибди.
Уйқудан уйғотибди.

Сўнг сўз бошлабди аста:
— Кўп бўлманг дили хаста,
Бахт қуши бошингизга
Қўниш олдида, бекам.
Учган ўтингиз қайта
Ёниш олдида, бекам.
Бу тонг бир туш кўрибман,
Тушимда қуш кўрибман.
Қуш кўкдамас, ердамиш,
Қалъа теграсидамиш.
Бир маҳал осмон бўйлаб
Учиб, кўкда — сайр айлаб,
Бошингизга қўнмишдир,
Қўниб, шундай демишдир:

«Ўзга эл шаҳзодаси
Бўлмишдир ошиқ сенга.
Дабдаба, ваҳимаси
Роса ярашиқ сенга.

Ишқингда кўпдан бери
Қуйиб-ёниб юрибди.
Қоврилиб юрак-бағри
Ҳам ўртаниб юрибди.

Тез кунда йўлга тушар,
Ҳозирлигинг кўриб тур.
Тақдирларинг туташар
Сочларингни ўриб тур.

Олатоғ деган тоғда
Олтин шохли олқор бор.
Тоғ ортида бир боғда
Одам билмас бир ғор бор.

Ғор ичинда бир тилло
Бешик қалқиб турадир.
Тилло бешик тагида
Шарбат оқиб турадир.

Олтин шохли олқорни
Тутиб келмаса отанг,
Бориб кўрмаса ғорни
Аҳволларинг бўлар танг.

Бешик сенга аталмиш —
Қандай бир бахтли қизсан.
Тилларда кўп мақталмиш
Тожу ҳам тахтли қизсан».

Сўнг машриқ томон қараб
Парвоз айлади кўкка.
Келдим суюнчи сўраб
Етгайсиз деб тилакка.

Ойнусқа қиз анграйиб,
Бурунлари танграйиб,
Оғзи қулоққа етиб,
Ўзлик-ўзин унутиб,
Гулжаҳонга тиз чўкиб,
Бир чўккандан юз чўкиб
Тавозе, таъзим қилар,
Шаънига базм қилар.
Тайёр тургандайин эр,
Қирқ қизни чақириб дер:
— Қирқ кун озодлик бердим
Бир эмас, барингизга.
Имтиёз — шодлик бердим
Санам, сардорингизга.

Бугун отамга бориб
Хушхабарни айтгайман.
Ғам-андухдан қутқариб
Шодмон бўлиб қайтгайман.

Хушхабарни эшитиб
Шоҳ сигмай терисига,
Гўё ниятга етиб
Дейди Ойнуқасига:
— Бу олатоғ дегани
Олти ойлик йўл, қизим.
Биз тайёр отлангани,
Яхши қолгин, ёлғизим.

Насиб қилса тулкимас,
Бўри бўлиб қайтармиз.
Қарвоннинг соясимас,
Зўри бўлиб қайтармиз.

IV равза

Саройни қилиб огоҳ
Кенгаш чақирмишдир шоҳ.
Тонг азонда баногоҳ
Тилидан тушмай оллоҳ.
Борлиқ амалдорлари,
Ҳам фармонбардорлари;
Ясавул, Нозирлари,
Унг, сўнг қўл вазирлари
Бўлар зум ўтмай ҳозир,
Шоҳ амрига мунтазир.
Бари ҳайрон, бари лол,
Шоҳ сўзлайди бемалол:
— Бўлармиш Олатоғда
Қофдин ҳам нарироғда,

Олтин мўғизли олқор
Билмадим не сири бор?
Ундан нари бир боғда,
Сир-асрорли чорбоғда
Одам билмас ғор бормиш,
Ғорга кирмоқ даркормиш.
Ғор ичинда бир тилло,
Ёраб, астағфируллоҳ.
Бешик қалқиб турармиш,
Насиб қилган кўрармиш.
Тилло бешик тагида,
Ғорнинг нақд этагида
Шарбат оқиб ётармиш,
Қалқиб, чалқиб ётармиш.
Ҳамма бугундан бошлаб
Бу ниятни олқишлаб
Сафар тадорикини
Кўриб, улов, юкини
Тамом шай қилиб қўйсин.
Гап шундай — билиб қўйсин.

Шоҳ отланмиш сафарга,
Сафар эмас — хатарга.
Юк ортиб қирқ туяга,
Қирқ хачир, қирқ бияга.
Қирқ сувори, қирқ сарбон,
Олдинда соҳибқирон
Кетиб борар қут¹ томон,
Йўл азоби — беомон.
Йўл-йўлакай ов қилиб,
Бир суриниб, қоқилиб,
Чўлларни чўллаб кезар,
Ночор лорсиллаб кезар.
Ғар дучор келса уммон,

¹ Шимол.

Утишлари даргумон.
Дуч келса қорли тоғлар,
Оҳу, олқорли тоғлар
Бир оқшом қўниб ўтар.
Суюб, суюниб ўтар.

Йўл азобини тортиб,
Бирда борар бетартиб.
Ўз олдига ҳар қайси,
Сар қайси, сорбон қайси?
Билиб бўлмас бир киши,
Ортиб борар ташвиши...
Шоҳни кушойиши йўқ,
Олам билан иши йўқ.
Йўл таноби тортилмас,
Бу қуср — карвонга мос.
Шоҳнинг руҳи оғирдай,
Зоҳиран тошбағирдай.
Йўл босилар тинимсиз,
Бир қўнимли, қўнимсиз.
Ўтган сари ҳатто ой
Толиқмишдир ҳойнаҳой.
Арғумоқлар озмишдир,
Тўзгани сезилмишдир.
Бу — энди мушкул ишдир,
Ҳозир — куз, олди — қишдир.

ЙИЛҚИЧИ

Чиқмиш карвон олдидан,
Иш келиб сал ўнгидан,
Бир тўп йилқи, йилқичи —
Ёз, куз шунда юргувчи.
Уловсиз йўловчининг
Ишини ўнглагувчи.
Шу яйловда қиш эмас,

Ез бўйи тунагувчи.
Ҳар қандай от зотини
Бир кўриб синагувчи.
Емонмас, яхши гапга
Тез кўниб, унагувчи.

Йилқичи ҳайрон ҳам лол,
Бу қандай гап, қандай ҳол:
Тушликдан¹ келар туман
Бир қўшин булутсимон.
Ев бўлиб ёв эмасдир,
Дов бўлиб дов эмасдир.
Тумандай босиб келар,
Шамолдай эсиб келар.
Олдинда бири қошин,
Қовоғин осиб келар.
Келиб бунда қўндилар,
Қўниб сал ўнгландилар.
Қўнибу келгиндилар
Чўпонга сўйландилар:
— Биз келамиз узоқдан,
Беҳад йироқ-йироқдан.
Бизга бериб турсангиз
Ёбу эмас бу роқдан².
Шоҳимиз оти толиб,
Ҳам ороми йўқолиб
Кетиб борамиз аранг,
Аҳволимиз ғоят танг.
Қайтишда шоҳ отини,
Ўз оти — қанотини
Қайта олиб, бу роқни
Яқин қилиб йироқни

¹ Тушлик — жануб.

² Тулпор:

Бергаймиз ўзингизга,
Инонинг сўзимизга.

Йилқичи ҳам мард эди,
Валломат, жўмард эди.
Меҳмондан жон аямас,
Сийнаси бегард эди.

Бу қўшинни қўндириб,
Гап деганни дўндириб.
Меҳмон қилди бир кеча,
Эт, қази — истаганча.
Сўнг таъзим қилиб шоҳга,
Кўриниши фаттоҳга.

Деди:

— Олингиз танлаб
У ердаги отлардан,
Анови кишнаб турган
Асил хоназотлардан.

Шоҳ деди:

— Балли сенга,
Танти йигит экансан.
Раҳмат ота-онангга,
Асли бургут экансан.
Насиб қилса қайтишда
Яна қўниб ўтармиз:
Балким, Хулкар қайтишда¹
Бунда ёнбошлармиз.

Шоҳ отини алмашиб
Шод бўлиб кетди бундан,

¹ Хулкар, август ойларида тушлиқдан кунботишга — мағриб томонга оғабошлайди. Буни — Хулкар қайтиш, дейдилар. Декабрь ойининг ўрталарига бориб тонготар пайтида қуёшнинг ботиш жойида кўринади. Буни Хулкар ботиш, дейдилар.

Кўнгли ўсиб, ёришиб —
Фарқ қила борди тундан.
Остидаги буроқи
Йўл танобин тортадир.
Бу буроқи дарвоқе,
Бир елиб, бир йўртадир.
Лек шоҳнинг ният-ўйи
Бузила бошлар бир оз.
Бўзариб ранги рўйи
Қила бошлар эътироз:

— Нечун бу йилқичида
Бўлган буроқ менда йўқ?
Қўл синса — енг ичинда...
Кўнглим бўлар шунда тўқ.

Қайтишда бир буроқмас,
Бешин олиб қайтарман.
Магар бўлмаса бермас,
Шўрини қуритарман.

Кетиб борар шу йўсин,
Қарвон аҳли ирғалиб.
Қимса демас:
— Йўл бўлсин!
Тайғоқ келса сирғалиб,
Ўр келса ўрмаланиб,
Қир келса қияланиб,
Жарлик келса айланиб,
Зов келса авайланиб.
Шу тақлидда йўл юрмиш,
Йўл юрса ҳам мўл юрмиш.

Шоҳ борар эди беун
Юрак-бағри бўлиб хун.
Қун кетидан кун ўтар,

Баъзи кун дуркун ўтар.
Борар манзил қайдадир?—
Ун минг тошлик¹ жойдадир.
Қарвон толиқиб борар,
Қай бирлар қалқиб борар.
Гиёҳсиз тап-тақирга
Етганида йироқда —
Бир тошдан нарироқда
Бир боғ кўзга чалинди,
Шу мўлжалга олинди.
Бостириб бориб боққа,
Тўхтаб қолдилар таққа.

БОҒБОН

Боғ-боғмисан боғ эрди,
Таърифи андоғ эрди...
Олмалар пишиб ётир,
Тагига тушиб ётир.
Боғ атрофи терак, тол,
Вақтинг бўлса шунда қол.
Анжирлар ҳил-ҳил пишган,
Нок, беҳилар етишган.
Анорнинг ҳар донаси
Қадоқ² келар чамаси.
Ана, ҳусайни, чарос!
Таърифи лоф эмас, рост.
Шоҳ шунда қўнар бўлди,
Бир оқшом тунар бўлди.
Боғни эмас боғбоннинг
Ҳимматин синар бўлди.

¹ Б и р т о ш — 8 километр.

² 400 граммга тўғри келади.

Дастурхон ёзмиш боғбон,
Ўрта тўкин, фаровон.
Чалпак, чапати, мева...
Сен е, мен е — ширмой нон.

Тилло кўзаси билан,
Кўза бўзаси билан,
Қуйилмишдир ўртага
Ол пиёласи билан.

Бир анордан чиқмишдир
Бир коса шарбат — суви.
Шоҳни ҳайратга солди
Ташналикни босуви.

Зап базми жамшид бўлди,
Базм баравж, бут бўлди.
Сал сархуш бўлган шоҳнинг
Кўнгли хижил, хит бўлди:
— Не учун бу боғбонда
Бор анорлар менда йўқ?
Қолмай бўлмас армонда —
Қоратош элинда йўқ?
Қайтишда бу боғбоннинг
Ўзин олиб қайтарман.
Кўнмаса беймоннинг
Шўрини қуритарман.

Йўлга чиқмиш шу йўсин
Қош-қовоғин осиб шоҳ.
Ҳеч ким демас:
— Йўл бўлсин?
Қайда ўзи манзилгоҳ?

Қарвон кетиб боради
Неча довон, тоғ ошиб.

Қачон етиб боради
Бир шошмай, бирда шошиб.

Борар манзил кўп йироқ —
Олти тоғдан нарироқ.

Қўшин борар қўнимсиз,
Кеча-кундуз — тинимсиз.
Чўлларда чўллаб борар,
Лабини ҳўллаб борар.
Қудуқ чиқса тамшаниб —
Бир ишонмай, ишониб,
Чиқса кўзлари ёниб,
Чиқмаса калавланиб.
Тоғ келса топингандай —
Чашмага талпингандай.
Ботқоқ келса ботинмай,
Тўқай келса тортинмай,
Сахро келса сар мисол,
Қатра сувга зор мисол,
Тунлаб кетиб боради,
Кунлаб кетиб боради.
Бир қорли тоғдан ошиб,
Бир дўнгликка ёндошиб
Қарвон шошгандай бўлди
Ё адашгандай бўлди.
Йўлбошловчининг кўзи
Ё қамашгандай бўлди.
Қарвон аҳли бир маҳал
Топгандай бўлиб тамал,
Эшитиб бир нолани
«Нолаи вовайло»ни¹.
Келган йўлига қайтиб,
Ҳайрон бўлиб, тутақиб,

¹ Пушмонлик билдирувчи нола.

Бир бормас, борар бўлиб,
Аҳди беқарор бўлиб
Уйланиб туриб қолди,
Уй-хаёл суриб қолди.
Алҳол, куй чиққан томон
Юрдилар тулкисимон.
Беткай бўзда бир чўпон,
Қасбига асир чўпон
Чалмоқдайди «Чорнаво»¹,
Номаси жонга оро.
Соз ноласи соз эди,
Ҳар дилга ҳамроз эди.
Шоҳнинг кўнгли бу создан,
Хушоҳанг, хушовоздан
Сал ёришгандай бўлди,
Бахт эргашгандай бўлди.
Тун нарига сурилиб,
Тонг ёндошгандай бўлди.

Алҳол, карвон бу бўзга,
Жони кўринмай кўзга
Бир бошдан қўна бошлар,
Дурбинин олиб қўлга,
Кўз тутиб келар йўлга.
Ёт юртга назар ташлар:
Ўзга тоғ, ўзга тошлар...

Бир баланд бўз дўнгликка,
Сояроқ терскайликка,
Кўтарлиб ялови
Тикилмиш шоҳ ўтови.
Сарбоз, қўриқчилари,

¹ Бир куй кулдирадиган, бир оҳанги ўйнатадиган, бир номаси ухлатадиган, бир воласи йиғлатадиган (афсонага кўра ҳазрати Довуд замонидан қолган) Кавказ халқларининг кўҳна чолғу асбоби.

Навкар, айғоқчилари,
Йўлбошчи, сарварлари,
Тикишиб чодир бари
Бир оқшом қўнар бўлди,
Тонгда уйғонар бўлди.

ҚУЙЧИБОН

Чўпон бир тўқли сўйиб
Қайтадан ўчоқ ўйиб
Қўноқларни шод қилди,
Даврани обод қилди.
Лек тушунмас бир-бирин
Сўзига, забонига.
Бермоқ бўлиб таъзирин
Шоҳ дер забондонига¹:
— Нима дейди бу чўпон,
Бу кимларнинг қўйлари?
Қайси подшоҳга қарар
Бу дарёнинг бўйлари?
Қўнса олиб кетайлик,
Ажаб созанда экан.
Донғини таратайлик,
Сўраб кўр, нима деркан?

Кўп уринди забондон
Лек, сўйлаша олмади.
Юрак-бағри бўлиб қон
Тил топиша олмади.

Ахир, гапини чўпон
Созга солиб сўйлади.
Чертган тори, бегумон,
Сўзни сўзга улади:

¹ Тил билувчи.

— Азал-бошдан қўйчиман,
Тўйларда тўйловчиман.
Кенг яйловда элимнинг
Бахтини қўйловчиман.

Ўзга шоҳнинг тахтини
Олмасман тошларимга;
Ўзгаларнинг бахтини
Қаламтарашларимга.
Киндик қони тўкилган
Тупроққа сифингайман.
Айрилар бўлсам ундан
Уртангайман, ёнгайман.
Ўз қишлоғимни ҳафта
Қўрмасам соғингайман.
Қайда бўлмай бағрига
Боладай талпингайман,
Дея созини созлаб
Олдида черта кетди.
«Чорнаво»ни пардозлаб
Шоҳни эрита кетди¹.
Ҳали кун ботмай туриб,
Терлари қотмай туриб,
Ой чиқиб — ойдин бўлмай,
Тонг шамоли таралмай
Меҳмонлар бирин-кетин
Тугамай гулхан, ўтин
Уйқуга кетар бўлди,
Шам мисол қотар бўлди.
Шу йўсин саҳар бўлиб,
Оппоқ тонг отар бўлди.
Чўпон меҳмонларини
Энди уйғотар бўлди.
Қарвон ҳордиқ, дам олиб,

¹ Чўпон ухлатадиган куйини чалмоқда эди.

Мириқиб ором олиб,
Йўлга отланар чоғи
Шодон бўлиб димоғи,
Сўрамишдир йўл-йўриқ:
— Қачон тугар бу қўриқ?
Қайдан келиб, қайларга
Қоф оталмиш жойларга
Боргаймиз қачон етиб,
Бу кунларни унутиб?
Қўйчибон тори билан,
Имо-ишора билан
Уриниб, қийналади,
Шундай деган бўлади:
— Бу қўриқ, бу ботқоқлик
Ҳали ҳолва демакдир,
Ҳали олдда сурғоқлик¹—
Нуқул ғалво демакдир.
Юз тошдан сал нарида,
Нарида, юқорида
Ҳазар² деган денгиз бор,
Об-ҳавоси беқарор.
Қофга ҳали қайдадир?
Олти тоғ наридадир.
Қўп узоқ манзилингиз,
Хавф-хатарга йўлиқмай,
Қўп ўйланиб, толиқмай
Омон етиб борингиз,
Оқ бўлсин йўлларингиз.

Чўпондан йироқлашгач,
Дарё кечиб, қир ошгач,
Шоҳнинг нияти — ўйи
Бузила бошлар бир оз.

¹ Муттасил ёғингарчилик.

² Каспий.

Бўзариб ранги рўйи,
Қила бошлар эътироз:
— Не учун бу қўйчидай,
Қўйчи эмас, куйчидай
Чўпон зоти менда йўқ?
Қоратош элинда йўқ?

Қайтишда бу чўпонни,
Сўзсиз, олиб қайтарман.
Бормас бўлса магарда,
Шўрини қуритарман...

Шоҳ юргандан мўл юриб,
Қанча тоғ-тош, чўл юриб
Кетиб борар тинимсиз,
Бир қўниб, бир қўнимсиз.
Шоҳ йўлидан қелмасдан,
Бир толиб, бир толмасдан
Юра турсин, эндиги
Тура турсин, эндиги
Қоратошга гап гали.
Деманг яна, лоф гали.
Ҳангама кўпдир ҳали —
Интиқом, хавф-хатарли.

V равза

Тоғлари қоя, қорли,
Қоплон, оҳу, олқорли.
Саҳролари сайғоқли,
Товушқон, қарқуноқли.
Самовати турнали,
Қўллари роз, сўнали.
Яйлови тўрт туликли¹,

¹ Қўй-эчки, қорамол, йилқи.

Қиялари какликли.
Кўча-кўйи чинорли,
Улуси номус-орли.
Йигитлари билакли,
Мудом эзгу тилакли.
Баҳори бойчечакли,
Ҳар уйи келинчакли,
Жилғалари чашмали,
Қизлари карашмали
Қоратош эли йилдан-
Йилга тўза бошлабди.
Отдан, хачир, хачирдан
Эшак ўза бошлабди.
Одамлари чор-ночор
Кун ўтказа бошлабди.
Шоҳнинг зулми туфайли
Жондан беза бошлабди.
Бу ҳолни бора-бора
Барча сеза бошлабди...
Буни билган Гулжаҳон
Дили сиё, бағри қон
Қирқ каниз — қирқ қиз билан,
Қошлари қундуз билан
Эр йигитдай шошмасдан,
Шошмасдан, адашмасдан
Қутилиш-чун бу шоҳдан,
Борлиқ иши гуноҳдан,
Бир ерга жам бўлишиб,
Хўп кенгашиб, келишиб
Режа туза бошлабди.
Шоҳнинг салтанатидан
Умид уза бошлабди:
— Токайгача саройда,
Бу гўристон — бу жойда
Яшаймиз тутқунликда,
Жигар-бағри хунликда.

Биз тугул халқнинг сабр
Қосаси тўлиб бўлди.
Тинка мадори қуриб,
Тамоми ўлиб бўлди.
Ойнуқага қолган кун
Кун эмас — кўргуликдир.
Уйлаб турсак эртамиз
Буткул беюргиликдир...
Бир туғилмоқ, бир ўлмоқ,
Бундан ўлган яхшидир.
Шоҳ қўлига тушгандан
Гулдай сўлган яхшидир.
Қирқимизга Ойнуқа
Қирқ кун озодлик бермиш.
Ҳар куни йилга татир —
Қирқ йиллик шодлик бермиш.
Шу қирқ куннинг ичида
Не қилсак қилиб қолдик.
Гар қадрига етмасак
Билинг — қирилиб қолдик...

Гулжаҳоннинг бу гапи
Қирқ қизга маъқул келиб,
Маъқул келиш ҳам гапми,
Тамоми қойил келиб
Дедилар:
— Не десангиз,
Биз шунга унагаймиз.
Бахтимизни барчамиз
Сиз билан синагаймиз.
Шоҳ қўлидан бирма-бир
Утганимиздан кўра,
Бадбуруш дийдорига
Етганимиздан кўра,
Бир йигитнинг қўлида
Қул бўлганимиз афзал.

Қулмас, кўкка соврилиб
Кул бўлганимиз афзал.
Эр кўриб, эрсиз қолиб
Тул бўлганимиз афзал.
Йўл кўрсатинг, йўлимиз,
Майли, хатарли бўлсин.
Қўлларимиз узатган
Ерга етарли бўлсин.

VI равза

Ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Сўзлар сўзинг бол бўлсин.
Гулжаҳоннинг йўлдоши
Бахт бўлсин, иқбол бўлсин.
Оқ юзига ярашган
Кулгичи ҳам хол бўлсин.
Юрган йўли бехатар,
Умри безавол бўлсин.
Рақиблари шармисор,
Беҳол, беиқбол бўлсин.
Тили курмовга келмай
Усал бўлсин, лол бўлсин.

Гулжаҳоннинг тадбири
Амалга ошар бўлди.
У қай йўлга бошласа,
Қирқ қиз эргашар бўлди.
Қилар ишни кейинга
Сурмасдан шошар бўлди.

Шоҳнинг шодмон кал деган
Йилқичиси бор эди.
Қирқ ёшгача уйланмай
Умр ўтказар эди.
Елғиз ётиб-туришдан
Озорда, безар эди.

Зерикканда ов қилиб
Қўнглини ёзар эди:
Якка бошидан бўлак
На моли, на ҳоли бор.
На-да рўзгор ташвиши,
На шарпа, шамоли бор.
Уйланмоққа шўрликнинг
Чоғи йўқ, чамаси йўқ.
Суйканиб, суянгулик
Аймоғи, оғаси йўқ.

Дунёга қандай келса
Шундай ўтиб боради.
Укинмоқлик кундан-кун
Томир отиб боради...
Қомати ҳам дол бўлиб,
Еши кетиб боради.
Боши ёстиққа тегса
Дард ёрар дардкаши йўқ.
Жонига оро кирар
Бирор эмикдоши йўқ.
Бирон кимсага қолар
Мерос, меросхўри йўқ.
Қаро кунда қайғудоши,
Ғамкаши, ғамхўри йўқ.
Сайҳон — унинг ватани,
Йилқилар — ҳамнафаси.
Бир боши икки бўлмай
Ҳеч оқармас косаси.

Қиз бўлмаса ҳам майли
Уйланарди есирга.
Лекин есир унаса
Туширғай қай «қаср»га?

Тирикчилик қилгудай
Бошпана — кулбаси йўқ.
Қулбада яшамоқнинг
Йўли йўқ, чораси йўқ.

Шодмон калнинг аҳволин,
Ҳолин билар Гулжаҳон.
Қирқ қиз билан сайр этиб
Бунда келар Гулжаҳон.

Қизлар келиб сайҳонга
Олов тушгандай бўлди.
Шодмон калнинг жонига
Ут туташгандай бўлди.

Уру қирни бойчечак,
Гул қоплагандай бўлди.
Йилқичи ўз созини
Садафлагандай бўлди.

Ҳар бирининг қилиғи
Жон олиб, жон берадир.
Кекса бўйдоқ кўз тикиб
Энтикиб, тебранадир.

Ҳар бирининг бўй-басти
Сарвимиدير, раънодир?
Шўринг қурғур йилқичи
Ўзича сўзланадир:
Кўрмоқ бору емоқ йўқ,
Ҳури филмондир булар.
Ўз тенгига тушгудай
Бўлса комрондир булар.
Пигит жонига битган
Ўқдир, камондир булар.
Бу оламнинг хоқони —

Жондир, жаҳондир булар.
На боғбонли, на боғли
Бесулаймондир булар.
Қўз қамашар бастига,
Офатижондир булар.
Дийдорига етмоқ йўқ,
Ермас, осмондир булар.
Менга ўхшаганларга
Орзу-армондир булар.
Шоҳ қўлида ҳозирча
Ранги сомондир булар.

Йилқичини Гулжаҳон
Гапга тутган бўлади.
Сирин айтиб, сирлашиб
Синаётган бўлади:
— Биз — палаҳмон тошимиз,
Тошдан қаттиқ бошимиз.
Дарё қурир, қуримас
Бизларнинг кўз ёшимиз.

Оға десам оғамсиз,
Тоға десам тоғамсиз.
Бўлармикин бизнинг ҳам
Қуларимиз аламсиз?

Бу кунимиз кунмидир?
Ё тонги йўқ тунмидир?
Бизлар шоҳга тўланган
Товонмидир, хунмидир?

Бир туғилмоқ, бир ўлмоқ
Ё тупроққа қорилмоқ.
Тириклайин ўлиш ё
Номус, ордан айрилмоқ!
Ноилож, ночор тоқмиз,

Ҳозирча сутдан оқмиз.
Қирқ кун ичида бизлар
Бахтимизни синаймиз.
Саройда эмас энди
Тоғ-тошларда тунаймиз.
Шартимизга кўнганнинг
Айтганига унаймиз!

Қирқимизга қирқ ёби
Эмас йўрға бергайсиз.
Омад йўрға ёр бўлса
Роҳатини кўргайсиз.
Ойнуқага куёв бўп
Даврингизни сургайсиз.

Гулжаҳоннинг бу гапи
Йилқичига ёқадир.
Қўрғошин мисол эриб
Симоб бўлиб оқадир.

Қандай яхши қартайган
Чоғида куёв бўлса.
Ойнуқа олов бўлиб,
Шодмон кал қалов бўлса.

Аввал эмас охири
Шунчалик обод бўлса.
Гўрўғли султон қўллаб,
Қирқ қиздан имдод бўлса.
Бир бош — бало бош, бу гап
Энди унга ёт бўлса.
Шу пайт қайлиқ қошига
Учгани қанот бўлса!
Ҳозирча бу гап элда
Сиру синоат бўлса.
Фақат куёв бўлмишда
Сабру қаноат бўлса...

Бор иши фармон билан,
Йўқ иши армон билан.
Гулжаҳон тил топишди
Йилқичи Шодмон билан.
Иккиси қиёматлик
Оға-сингил тутинмиш.
Сир сақлашни тсабад
Бир-биридан ўтинмиш.

Шу кундан эътиборан
Бўлса ҳам қирғинбарон
Тандаги жон ўртада,
Жону имон ўртада,
Тиф тақалса тамоққа —
Гал келса сўйилмоққа
Қилиш йўқдир тайғоқлик
Ё қўрқоқлик, айғоқлик.

VII равза

Синчиликда Шодмон кал
Тенг, тимсоли кам эди.
Нокасга беомон кал,
Мардликда ҳотам эди.

Тавсанни, арғумоқни,
Йўртоқ, ёби, ётоқни,
Биларди бир қарашдан,
Елларини тарашдан.

Тўланни тунда билар,
Ё бир минганда билар.
Йўрға, чўбир ё хариш
Бир кўринганда билар.

Тимса, паланг, пироқни,
Ғўнан, дўнан, буроқни
Бир дамда танлай билар,
Танлаб тизгинлай билар.

Танлаб қирқ арғумоқни —
Яқин қилар йироқни;
Кўкка, сапчир осовни,
Сувдай оқар бедовни —
Қувса етар отларни,
Асл хоназотларни.

Кун бўйи қурқда¹ тутиб,
Ғам-аламни унутиб
Совутади бирма-бир.
Қезиб сайҳон, ўру қир,
Ҳориб, толиб, тутоқиб.
Тунни тонгга улайди,
Ишини тўғрилайди.
Беллик, эгарин шайлаб,
Устидан давр тайлаб
Жуганлай бошлар шошмай,
Табгиридан адашмай.

Гулжаҳон бошлиқ қирқ қиз,
Қўрқоқликдан йироқ қиз,
Бари чоқ, жам бўлишиб,
Ҳамкор, ҳамдам бўлишиб,
Саллотдай саф чекишиб,
Хўп кенгашиб, келишиб
Бирма-бир отланишар,
От мингани ярашар.
Йилқичи оқ йўл тилар:
— Бошга тушмайди нелар.
Юрганда йўлларингиз,

¹ Асов отларни тутадиган сиртмоқ.

Олганда қўлларингиз
Бор бўлсин, баланд бўлсин,
Ойдин, сарбаланд бўлсин.
Қўнгилларингиз доим
Эл-юртга пайванд бўлсин.
Изларингизга ғаним
Тушса йўли банд бўлсин.
Сизларга яратган ёр,
Пирлар мададкор бўлсин.
Хизир йўлдош бўлиб, қирқ
Чилтон жиловдор бўлсин.

Қизлар ҳам йилқичидан,
Суюниб ич-ичидан
Бари бирдай шод бўлиб,
Мажнунтолдай эгилиб
Хайрлашар:
— Кўргунча,
Қайта юз кўришгунча
Омон бўлинг, бор бўлинг,
Баланд учган сор бўлинг.
Ойнуқани олиб, сўнг
Унга «дардисар» бўлинг...
Сизнинг ҳам эл ичинда
Буюк бўлсин бошингиз.
Қайда бўлмайлик мудом
Бизлар тилакдошингиз.
Бизлар кетиб борамиз
Хуш қолинг, оға, энди.
Билмаймиз кимга бўлар
Бу жон садаға энди...

Ҳали тонг отмай туриб,
Тўлин ой ботмай туриб,
Кеча тушган келинчак
Ерин уйғотмай туриб,

Қирқ қиз — қирқ арғумоқли,
Буткул Барчин сиёқли,
Қўшин мисол қўзғалар,
Тушлик томон йўл олар.
Ҳадемай кетда қолар
Қанча дала, даралар.
Асовлар терга тушиб
Бир йўртиб, бир йўрғалар.
Бир сувланиб, тин олиб
Бир булутдай қўзғалар.
Шарпа сезгидай бўлса
Бир-бирини қўрғалар.

Неча ўрлик қир ошиб,
Бирда кўкка туташиб,
Қизларнинг бу юриши
Эриш эмас, ярашиб.
Қия-қия ерлардан
Қийиб ўтиб боради,
Неча ўн тош ерга бир
Кунда етиб боради.
Сахро келса солланиб,
Бўзликда ҳаволаниб,
Қўниб ўтган жойларда
Сипоҳлардай силаниб
Ғанимат билиб дамни,
Ҳар нафас, ҳар қадамни,
Тинимсиз илгарилаб
Ҳай-ҳайлашиб, чувиллаб.
Дуч келиб бир булоққа
Тўхтар бўлдилар таққа.
Булоқ бўйи дам олса
Олгулик бир жой эди.
Бир ёғи тоққа туташ,
Бир томони сой эди.
Отларни ўтга қўйиб

Хордиқ олар қирқ сулув.
Кеч кириб, тун ҳам тушиб
Шунда қолар қирқ сулув.
Тонг отиб, кун чиқмасдан
Сафарга чоғланади.
Йўлга чиқиш олдидан
Гулжаҳон ўйланади:
— Қайдан келиб, қайларга,
Билмам, кетиб борамиз.
Иш ўнгидан келмаса,
Қандай юзи қорамиз!
Барчамиз ҳали юзи
Очилмаган қиз бўлсак.
Бўнинг устига яна
Бирдай қуролсиз бўлсак.
Барчасини бу йўлга
Бошлаган бир мен бўлсам.
Иш ўнгидан келмасдан
Тупроқ билан тенг бўлсам...
Магар қолсам не бўлар
Барининг уволига.
Доғ туширсам — кўргулик
Бахтига, иқболига.
Фурсатни қўлдан бермай
Қайта сўзлашиб олай.
Мақсад, ниятларимни
Айта кенгашиб олай,
Дея, Гулжаҳон барин
Тўплаб олиб ёнига,
Сўзлар гулдай қизларнинг
Тўзим тилаб жонига:
— Йўлга чиқдик, қайтиш йўқ,
Узгага сир айтиш йўқ.
Қаршимиздан ким чиқса,
Кул чиқса, ҳоким чиқса,
Тўғримни ё ўғримни —

Оғзи қон бир бўрими,
Сир бермай, сир олайлик,
Шер мисол чоғланайлик!

ҚИРҚ ДАРВЕШ

Мақтаб кўрган боладай,
Очилмаган лоладай,
От чопиб от суришдан,
Тўғри келса урушдан,
Оёқ остида ётган
Кимсани қутқаришдан
Бир оз хабардор қизлар.
Сор қизлар, сардор қизлар
Гулжаҳоннинг сўзини
Сўз эмас, дил розини
Қўллаб, қувватлашади,
Диллари туташади.
«Сўзингиз — сўз, опа», деб
Бари қўл олишади.

Шу йўсинда қир ошиб
Саф тортгани ярашиб,
Бир дара, бир сой бўйлаб,
Айиқ чиқса «ҳой-ҳой»лаб
Кетиб бормоқда эди,
Жарликлардан бирма-бир
Утиб бормоқда эди.

Қирқ дарвеш — қирқ художўй,
Уй-жойидан жудожўй:
«Ё дўст, ёраб, ё олло,
Ҳақ дўст, пирим, иллолло»...
Деб келарди қаршидан,
Гўё Арши аълодан.
Кўриб қирқин қизларни,

Дуркун-дуркун қизларни
Қалтираб соқоллари,
Бўлиниб хаёллари,
Унутиб саломни ҳам
«Иўл бўлсин, болам?» ни ҳам
Ҳангу манг бўлиб қолмиш,
Ҳоли танг бўлиб қолмиш.
Бир оз тутиб ўзларин,
Жавдиратиб кўзларин.
Суқланиб қараб, қақшаб
Ғирт художўйга ўхшаб,
Бир гапни бошлайди,
Қизларга сўз ташлайди:
— Иўл бўлсин, ойим қизлар?
Мушфиқ, мулойим қизлар?
Сизларни кам қилмасин
Сира худойим, қизлар.
Бу гўшада бахт излаб
Юрганга ўхшайсизлар?
Биздан дуо олсангиз
Кам бўлмай яшайсизлар...

Қизлар қиқирлаб кулиб,
Бир кулиб, бир бурилиб.
Гапга сал чечанроғи,
Ойгилос, тўғрироғи,
Эр излаб чиққан бўлиб
Излаб чиққан эрига
Гўё йўлиққан бўлиб,
Гапига гап қайтармай,
Шўрликларни мойтармай,
Мойил бўлгандай бўлиб,
Қирқ қиз бу қирқ дарвешга
Қойил бўлгандай бўлиб,
Излагани олдидан
Гўё чиққандай бўлиб,

Бирн эмас барига
Бари ёққандай бўлиб,
Сўзлайди қойим-қойим,
Бўлиб хушхулқ, мулойим:
— Уз бахтини эл кезиб
Излаб юрган қизлармиз.
Эр деб элидан безиб
Бўзлаб юрган қизлармиз.
Тулки эмас бўрига
Йўлиқдик, шундан шодмиз.
Шартимизга ким кўнса,
Шунга бахти кушодмиз.
Шартимиз шу: эътиқод,
Имондин кечгайсизлар.
Шундагина бахт, омад
Эшигин очгайсизлар.
Даврон суриб, муҳаббат
Шаробин ичгайсизлар.

Ойгилоснинг оғзидан
Бу гап чиқар-чиқмасдан
Қай бир дарвеш шод бўлиб,
Бирлари қониқмасдан,
Сўнгра бари бирлашиб
Келишиб, кенгашдилар.
Қизлар қошига келиб
Эгилиб, энгашдилар.

Деди:

— Бизлар эътиқод,
Имондин кечар бўлдик.
Сизлар билан муҳаббат
Шаробин ичар бўлдик.

Дарвешларнинг аҳволин
Кўриб турган Ойгилос,

Қизлардан сал олдинга
Утиб турган Ойгилос
Сўзлади ёниб-ёниб,
Дарвешларнинг устига
От солишга шайланиб:
— Эътиқоди, имони
Йўқ кишидан тош афзал.
Тош надир, тупроқ надир,
Тўрт мучалсиз бош афзал.
Эътиқодсиз, имонсиз.
Одам — одам эмасдир.
Бундай кимсани киши
Ҳеч вақт одам демасдир.
Қани, йўлдан қолмангиз,
Синаб бўлдик сизларни,
Қонга бўяса арзир
Сизлардай тенгсизларни.

Бу гапларни эшитиб
Дарвешлар тамом бўлди.
Тамом бўлмай не қилсин,
Ишлари ҳаром бўлди...

ҚИРҚ ҚАЛАНДАР

От қўйиб кетди қизлар
Тоғ, дарани чангитиб,
Лол бўлиб қолган шўрлик
Қирқ дарвешни гангитиб.
Шу йўсин йўл танобин
Тортиб борар тиимсиз.
Гоҳ толиқиб, толиқмай,
Бир қўниб, бир қўнимсиз.
Тун тушса тунаб шунда,

Ўзлигин синаб шунда.
Шу тақлид кетмоқдайди.
Бир сойдан ўтмоқдайди.
Сардор¹ минган қамбарбўз.
Юлдуз кўзлар ёлдор бўз
Бошин қилиб сарсарак
Берди ғанимдан дарак:

Бир қиядан қирқ чоғли
Қирқ отли, бели боғли
Қаландар тушиб келар,
Яқин-ёндашиб келар.
Барчасининг бошида
Қаландарлик кулоҳи.
Гўё булар оллонинг
Кўкда эмас ердаги
Бандаси-беғуноҳи.
Барчасининг қўлида
Қаландарлик кашкули,
Кашкулига кўнгилдан
Садақа ташлаганнинг
Осоң бўлар мушкули...
Қирқ қиз отлар жиловин
Тортиб сал сергакланар.
Соқ бўлган — соқланар деб
Сочлари турмакланар.
Қирқ қаландарнинг тури,
Турқи бежодай эди.
Зимдан назар солганга
Худди дажжолдай эди.
Лекин ҳар бири ўзин
Солиб келар гўлликка.

¹ Гулжаҳон.

Лек дахли йўқдай эди
Бирон-бир эзгуликка.
Булар беткай бўлгунча
Қизлар келишиб олар.
Ким нима иш қилади —
Шуни билишиб олар.¹
Магар айғоқчи бўлса
Сўз гали Энақизга.
Симиёдан² хабардор
Сергак, мардона қизга.
Уғри, босқинчи бўлса
Қайтмасмиз изимизга!

Қирқ қаландар қирқ қизга
Салом бергандай бўлиб,
Салом эмас гўёки
Инъом бергандай бўлиб;
Бенаво бечорадай
Тутган бўлиб ўзларин,
Йўлдан адашган мисол
Шундай бошлар сўзларин:
— Узоқлардан келамиз
Йўл чивиндек сарғайиб.
Манзилимизга етиш,
Етмаслик илми ғойиб.
Эл кезиб, элат кезиб
Юрган қаландарлармиз.
Амаллаб кун ўтказиб
Юрган дарбадарлармиз.

¹ Қирқ канизакнинг ҳар бири қирқ хунарни: соз чалиш, рақсга тушиш, эраклар билан қандай гаплашиб, қандай мулоқотда бўлиш, от устида барча аскарний машқларни бажариш, жанг қуролларидан қандай фойдаланиш, тирандозлик, нард, соҳирлик сингари барча хунар ҳамда илмларни билганлари ҳолда, ҳар бири ўз бекаларига — шох қизига биттадан хунар ўргатиб боради. Шунда шох қизи ҳам қирқ хунарни ўзлаштириб олган бўлади.

² Дуохонлик, кўзбойлагичлик илми.

Қандай эл, қандай юрт^{бу},
Шоҳи ким, султони ким?
Халқининг касби кори,
Соҳибиқирони ким?

Кун ўтказмоқ кундан-кун
Қийин бўлиб борадир.
Ўзимиз майли, отлар
Мойтарилиб борадир.

Энақиз билди булар —
Ўзга шоҳ жосуслари.
Айғоқлигин билдириб
Турар турқи туслари.

Бўлмас элга букри ул¹
Пайдо бўлгани мисол,
Бир нопокка бир нопок
Шайдо бўлгани мисол.

Ўзи топталган элни
Булар ҳам топтамоқчи.
Жаъфар шоҳнинг сирини
Билиб хўп бошламоқчи.

Бу қирқ қаландар элга
Қирқ бало бўлиб борар.
Бири банди, бири ёв—
Ҳар бало бўлиб борар.

Буларни ўз изига
Даъф қила билмоқ керак.
Тир уриб илдизига
Тезда қутулмоқ керак.

¹ Уғил.

Бу гапларни ўтказиб
Энақиз ўз дилидан,
Қирқ қаландарга дейди
Асал томиб тилидан:

— Сизлар элма-эл юрган
Табаррук кишиларсиз.
Юрт бойўғлихонага
Ухшаб қолар сизларсиз.

Қадамларингиз етган
Ерга, сўзсиз, файз кирар.
Қарғишингизни олган
Юртга бевақт куз кирар.

Хизматингизни қилган
Киши кам бўлмагай ҳеч.
Дилингизни оғритган
Муҳтарам бўлмагай ҳеч.

Бораётган элингиз
Шу кунларда хатарли.
Вабо тарқалиб тирик
Жон қолмади айтарли.

Бош олиб чиқдик бизлар
Тўғри келган томонга.
Йўлиқмасак бўлди деб
Яхши қолиб ёмонга.

Асло бора кўрмангиз
Бало дориган элга.
Куни битмай тупроққа
Қони қорилган элга.

Бу эл бұлмаса бошқа
Эллар сизга мунтазир.
Қаландар қавми қайда
Бұлса ҳам кун ұтказир.

Сизлар — эр киши, бизлар —
Мушфиқ, муштипарлармиз.
Мусофирлик кўрмаган
Чертилмаган торлармиз.

Қайга бориб, қайларга
Кўнишимиз аниқмас.
Шу сабабдан, оғалар,
Таъбимиз ҳам тиниқмас.

Энди бирон маслаҳат
Берингизлар бизларга:
Юрар йўлин сизлардан
Сўраб турган қизларга.

Бу гап қирқ қаландарга
Еқиб тушадир мойдай.
Кўзларига ҳар бири
Кўриниб тўлин ойдаи.

Бир миндириб, сандираб:
Билмай қолар довдираб.
Сўзланадир сўнг бири
Бир мандираб, сандираб:

— Бизлар ҳам қўлидан бир
Иш келмас бандалармиз.
Шу сабаб эл-юрт кезиб
Юрган қаландарлармиз.

Уй нима, рўзгор нима
Билмай ўтиб борамиз.
Тенгимиз билан ўйнаб,
Кулмай ўтиб борамиз.

Эллар кезиб кўрмадик
Сизлардайин қизларни.
Маъқул кўрсаларингиз
Тариқчалик бизларни...

Булардан шу гапларни
Кутиб турган Энақиз,
Бор дардини ичига
Ютиб турган Энақиз.

Ишга солади энди
Афсунгарлик ҳунарин,
Отларига тескари
Миндира бошлар барин.

Бир-бирига тинттириб
Олдилар ошёларин —
Заҳарланган дудама,
Тарёк, чокидаларин;
Ҳар хил тутатқи, ҳар хил
Қурол, дориворларин.
Сўнг арғумоқлар бошин
Ўз элига бурдириб,
Бирини-бирига ёв —
Бир-бирига урдириб.
Қай йўлдан келган бўлса,
Шу йўлга ҳайдаб солди.
Бундан қирқ қиз қувониб,
Йўлларини чап солди...

ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ

Гулжаҳон бошлиқ қирқ қиз —
Бири ой, бири олдуз,
Кеча ҳам демай кундуз,
Кетиб борар изма-из.

Қирқ арғумоқнинг ўни
Тўриқ, ўни жийрондир.
Ўн саман, ўн қашқани
Қим минса беармондир.
Бири афзал биридан,
Эгари эгаридан.
Даврлари барқутдан,
Елпўшлари ёқутдан.
Қайишдан қанжигаси,
Кулранг жездан тақаси.
Сувлиқлари кумушдан,
Мухтасар айил, пуштон.
Қизлар отин ўйнатиб,
Бирларда йўрғалатиб
Шу юргандан-юради
Жарлик келса ирғитиб.
Бирда сайғоқ, чил овлаб,
Фоз ҳайдаркокил овлаб
Кабоб қилиб гулханда.
Мизғишиб онда-сонда
Тонгни улаб тунларга,
Тунни узун кунларга —
Ойлаб кетиб боради.
Йўлбошловчи йўлларни
Сайлаб кетиб боради.
Чўпонларнинг тўйида
Тўйлаб кетиб боради.
Гулжаҳон қиз неларни
Ўйлаб кетиб боради...

Қирқ қароқчи қиядан
Тушиб келиб сойликка,
Қузғун мисоли бир-бир
Қўндилар сояликка.
Бўлиб бари калхатдай,
Бири-бирига ётдай,
Қанча қишлоқни кезиб,
Кезиб зўғум ўтказиб
Олган ўлжаларини —
Олтин маржонларини,
Дуру ғалтон қадалган —
Шавкала деб аталган
Қалпоқларни, мушқларни,
Тилло сочпопукларни,
Олтин сийнабандларни,
Тиллақош зумрадларни
Тортишиб ҳам талашиб
Айтишиб, ёқалашиб
Бўлишиб олмоқдайди.
Олмоқдан толмоқдайди...
Соқчилари соқ туриб,
Хиёл йироқроқ туриб
Эшитиб борлиқ гапни
Қузатарди атрофни.

Бир маҳал қия-қирдан,
Нуқул тошлик-чақирдан
Қирқ отлиқ кела берди,
Шу томон ела берди.
Бари зумда чоқ бўлиб,
Қирғин — қирқ пичоқ бўлиб,
Жамулжам бўлиб бари,
Қонга тўлиб кўзлари
Тўпланишди қуюндай,
Лошга қўнган қузғундай.

Қараса: қирқ сувори —
Қизларнинг шаҳсувори,
Гўё қирдан қирқ қизмас
Қирқ ой тушиб келади,
Ҳар бири Чўлпон билан
Тус талашиб келади.
Гўё қирдан қирқ қизмас,
Қирқ юлдуз кўчиб келар.
Сергакликда туйғундай,
Оҳудай чўчиб келар.
Гўё қирдан қирқ қизмас,
Қирқ қундуз сузиб келар.
Дарёларнинг, сойларнинг
Тинчлигин бузиб келар.
Гўё қирдан қирқ қизмас,
Қирқ суқсур молтиб келар.
Сайёдларни тамоми
Маҳлиё этиб келар..
Қароқчилар қайтадан
Туша бошлар отидан.
Қирқ қизга пешвоз чиқиб,
Дўстдай бегараз чиқиб
Кутиб ола бошлайди,
Каттаси сўз ташлайди:
— Қизларнинг қоши-қоши,
Жон олади қароши.
Бирингиз ой, бирингиз
Ер юзининг қуёши.
Шамми ё шамдон, дейми,
Равза ё ризвон, дейми,
Жон чиқар вақти сизлар
Танга кирар жон, дейми?
Чаманзор, чаман дейми,
Жон дейми, жаҳон дейми,
Ҳар бирингизни ёқут

Марварид маржон, дейми?
Қорлидир тоғлар боши,
Зумраддир ҳар бир тоши.
Ҳар бир йигитнинг бўлсин
Енида тиллақоши¹.

Тоғларнинг тоши-тоши,
Бу гўша — Булоқбоши.
Қани энди йўл бўлсин
Сизларга қизларбоши?..

Гулжаҳон гулдай бўлиб,
Очиқ кўнгилдай бўлиб,
Қароқчиларга жавоб
Берар булбулдай бўлиб:

— Бизларни ойдан олиб
Ойга солган йигитлар,
Отларин майдон эмас
Лойга солган йигитлар.

Бизларни кўп мақтаманг,
Биз ташландиқ тормасмиз.
Беҳуда мақтов, мадҳу
Саноларга зормасмиз.

Лочин турган ерда ҳеч
Зоғ бўлмас, зоғон бўлмас.
Йўлбарс юрган ўрда ҳеч
Уйлайсиз, қирон бўлмас?

Қасб-кори ўғри эрлар
Ҳеч соҳибқирон бўлмас.
Қароқчиларда, дерлар,
Инсофу имон бўлмас.

¹ Ери бўлсин, демоқчи,

Эл олқишин олганнинг
Ранг-рўйи сомон бўлмас.
Эл қарғишин олганнинг
Ангорида қон бўлмас.

Кўзи оч — кўргансиз-да,
Тавфиқ бўлмас, жон бўлмас.
Эътиқод, имонсизда
Шодон бир замон бўлмас.

Тили, дили бирларнинг
Умрида нолон бўлмас.
Мардлар боши эгилар
Ва лекин тўман бўлмас.

Эр йигити бор элнинг
Мол-мулки талон бўлмас.
Шерлари бисёр элнинг
Ранги заъфарон бўлмас.

Ўзлик-ўзин талаган,
Талаб қонин ялаган
Сизлардай йигитларнинг
Юрти фаровон бўлмас...

Гулжаҳондан бу сўзни
Эшитган қароқчилар
Ўз эл, ўз улусини
Аямай таловчилар,

Не дейишин билмасдан
Ўсал бўлиб, лол бўлиб,
Ерга кириб кетгудай
Қад-қомати дол бўлиб,
Боши ерга етгудай
Афтода бир ҳол бўлиб

Қизлар олдида энди
Туриши малол бўлиб,
Тан олиб айбларини,
Тишлаб тил, лабларини
Очиб ташлар қизларга
Бор сир, бор дардларини:
— Замон кимнинг замони,
Жаъфар шоҳнинг замони.
Ноҳақлар туриб, ҳақлар
Бўлди тож-тахт қурбони.

Фуқаронинг топгани
Етмайди эртасига.
Вафолик қилмади ҳеч
Уз моли эгасига.

Бу замонда ит боши
Бўлди олтин товоқда,
Тўғри сўзли одамнинг
Жойи зиндон, қамоқда.

Турли солиқ қуритди
Элнинг тинка-мадорин.
Бирон амлоқдор халқнинг
Эшитмас оҳу зорин.

Ишлай-ишлай биримиз
Бўлмади сира икки,
Ҳосил шоҳники, бизга
Қолгани—дошном, дакки.

Бўлган бўлиб ётибди,
Тўлган тўлиб ётибди.
Бой иши бор биландир,
Улган ўлиб ётибди.

Уйланиш, уй нимадир
Кирмайди тушимизга.
Кулганларингизча бор
Номусли ишимизга.

Қирқимиз қирқ аймақнинг
Олди йигитларимиз.
Бирлаштирди бизларни
Орзу-ниятларимиз.

Деҳқончилик қилгани
Қатра сув — қон мисоли.
Чорвачилик қилгани
Яйлов — армон мисоли.

Қароқчилик қилишдан
Ўзга чора қолмади,
Лекин бирон йўқсилнинг
Шардози йўқолмади.

Бизлар фақат бойларнинг
Уй-жойини урамиз.
Хизматимиз қилдириб
Шўрини қуритамиз.

Шоҳдан қасос олишга
Куч қани, имкон қани?
Замон кимнинг замони —
Жаъфар шоҳнинг замони.

Буларнинг бу гаплари
Қизларни ўйлатадир.
Гулжаҳонни қайтадан
Чин дилдан сўзлатадир:

— Үз айбини бўйнига
Олиш — марднинг ишидир.
Бизларни ҳам бу куйга
Солган эл ташвишидир.

Бизлар ҳам қирқ қишлоқнинг
Бебахт бир қизларимиз.
Уз ота-онасининг
Баҳори, ёшларимиз.

Оқибат ёз келмасдан
Бошланди кузларимиз.
Шоҳ қизи Ойнуқанинг
Маҳрам, канизларимиз.

Биз ҳам бош олиб чиқдик
Тўғри келган томонга.
Олтин қафас ичинда
Бағримиз тўлиб қонга.

Сизларга бир маслаҳат
Солмоқ бўламиз энди.
Эр йигитлик сўзингиз
Олмоқ бўламиз энди.

Чашма, булоқ бирлашиб
Дарё бўлгани мисол,
Дарё суви чўлларга
Раво бўлгани мисол.

Тошқин сойлар тутшиб
Денгиз бўлгани янглиғ,

Денгизнинг куч-қудрати
Теңсиз бўлгани янглиғ,

Ҳар бирингиз қирқтадан
Йигит тўплар бўлсангиз,
Ҳар бирига биттадан
Тўриқ топар бўлсангиз,
Ҳар бири эга бўлса
Ўз қуроли, садоққа,
Ҳар бири даф бўлолса
Ҳар қандай тўғаноққа.
Биз ҳам қараб турмасдан,
Туриб хаёл сурмасдан
Ҳар биримиз қирқтадан
Қизларни бошлаб келсак,
Эғнимизга йигитлик
Либосин ташлаб келсак.
Ҳар бири ўз қуроли,
Қиличи билан келса,
Минган аргумоқлари
Шамол, довулдай елса.
Сўнг баримиз бирлашиб
Қалъа томон қўзғолсак,
Биримизни бош қилиб
Ушанга қулоқ солсак.
Булут мисоли сарой
Атрофин қуршаб олсак,
Сўнг ичган онтимизга
Содиқ бўлиб қололсак.
Шоҳ кўнглига аёвсиз
Фулгулалар солосак.
Гар қаршилик кўрсатса,
Ҳеч шафқатсиз солишсак.
Ҳасан Кўлбар мисоли
Тиним билмай олишсак.
Ё шоҳга берар худо,

Ё бизга берар худо.
Ҳеч замонда қўрқоқлар
Бўла билмас кадхудо¹.

Қирқ кун муҳлат, қирқ кунда
Бир ерга тўпланамиз.
Тоғларни талқон қилар
Қўшиндай шайланамиз.

Гулжаҳоннинг гаплари,
Шарти, изтироблари
Қароқчиларни ҳаддан
Уйлантириб қўяди,
Бошлариңи бир қадар
Айлантириб қўяди.

Қароқчилар сардори,
Бошлиқ, яловбардори
Чапдаст Самандар ботир.
Шошганидан деяётир:
— Биз ҳам санқиб юрмоқдин,
Бойлар бошин тўрмоқдин,
Кезиб қиру ўрларни,
Додин бериб зўрларни,
Билмасдан не халоват
На тозалик, тароват,
Бу жондин безор бўлдик.
Элда дилозор бўлдик.
Қароқчилик кетидан
Кунни ўтказар бўлдик.
Шу кунгача ҳеч кимдан
Ситам емаган эдик.
Учраган бирон зотни
Кимсан демаган эдик.
Учраса магар бало

¹ Ҳукмрон.

Биз балогардон эдик.
Каззоблар чиқса — қазо,
Шам чиқса шамдон эдик.
Бу дам баҳодир мисол
Уялтирдингиз бизни.
Қизартира олдингиз
Қизармас юзимизни.

Тўғри гапга тан бермоқ
Эр йигитнинг ишидир.
Ҳақ гапга тан бермаслик
Эрмас, итнинг ишидир.

Бирни кўриб тоғма-тоғ
Қочиб юргандан кўра,
Нафс йўлида бу жондан
Кечиб юргандан кўра,
Бирда сув ўрнига қон
Ичиб юргандан кўра,
Сиз айтгандай, майдонда
Мард бўлиб ўлган маъқул.
Юз номардни ўлдириб
Улиб, кўмилган маъқул.

Ҳақ бирдир; гап ҳам бирдир,
Дея, Самандар ботир
Қирқ қароқчи номидан
Ерни ўпиб онт ичар.
Буни кўриб қирқи ҳам
Қароқчиликдан кечар.

Шартга кўра қирқ йигит
Қирқ ёққа тарқалади.
Бари борган ерида
Сир бермай, сир олади.
Насиб қилса ҳадемай
Майдонда синалади.

Шартга кўра қирқ қиз ҳам
Тарқалар қирқ томонга.
Ишониб қирқ азамат —
Паймони бегумонга.

ҚИРҚ ҚУЛЛИ БОИ

Келган йўлига қайтиб,
Зерикса қўшиқ айтиб,
Борар энди Гулжаҳон,
Қувончлари бир жаҳон.
Уйлаб борар ўзича,
Сўйлаб борар ўзича:
— Бу ҳали ишимизнинг
Боши, бошламасидир.
Бошлаган ишни энди
Асло ташламасидир.
Ушалар бўлса магар
Элнинг орзу-ҳаваси,
Эрам Боғидай обод
Бўлса макон, маъвоси.
Кунпоякун қилинса
Шоҳнинг тахти ҳам тожи,
Етсайди ўз бошига
Божи билан хирожи.
Жонидан тўйган элнинг
Ўз раҳнамоси бўлса,
Ўзининг тахти, бахти,
Ўз йилномаси бўлса...

Шу йўсин эл бахтини
Уйлаб кетиб боради.
Қизлар ишин бирма-бир
Дилга битиб боради.
Ўркач-ўркач тоғлардан
Ошиб кетиб боради.

Сўқмоқлардан сурунмай
Шошиб кетиб боради.
Илонизи йўллардан
Илдам кетиб боради,
Дунё топган ботирдай
Бардам кетиб боради.
Тоғдан тушиб сойликка
Энди туташганида,
Ойлар деган булоққа
Хиёл ёндошганида,
Хоназот Қамбарбўзи —
Мисли учар юлдузи
Бошин қилиб сарсарак,
Берди ғанимдан дарак:
Бир отлиқ, қирқ-пиёда
Чиқмиш рўпарасидан.
Одам қўрқар отлиқнинг
Афти башарасидан:
Қорин деган қанордай,
Қадди чирик чинордай.
Лаби лунжи осилган,
Оғзи очиқ мозордай.
Тулки тумоқ бошида,
Тўқмоғи ёнбошида,
Қамчисидан қон томар
Зуғум бор қарашида.
Тегидаги тароқи¹
Хуржун тўла лаш-лушга,
Икки кўза осиглиқ
Чилвир-тасма қайишга.
Уни ким солган бўлса
Бу азоб бу ташвишга?
Уч-тўрт ямоқ тушгандай
Мирзайи мўкисига,
Одамзод қараб бўлмас

¹ Тароқи хуржун — қулфланадиган хуржун.

Кўйлакнинг ёқасига.
Шўрлик чопони тушган
Одамнинг «тантиси» га...
Ўзи отлик, олдига
Солиб келар қирқ қулни.
Сал гндирса савалар
Ёзуғлик Эгамқулни.
Бири эмас, барининг
Қўллари боғлиқ эди.

Гулжаҳон шитоб билан
От солди бой устига,
Бой ҳам ўқталиб қолди
Қамчи тутиб дастига.
Лек Гулжаҳон ҳадемай
Отдан қулатиб кетди.
Ер билан битта қилиб
Дангал сулайтиб кетди.
Бойга ечдириб қўйди
Кексароқ қул қўлини.
Усал қилгандан қилиб
Қурумсоқ, доғулини.
Қирқта қулга бош қилиб
Қулларнинг норғулини,
Қолган шўрликларнинг ҳам
Ечдириб қўлларини,
Бойни қолдириб доғда
Озод қилди барини.
Бой отин Бердиқулга
Бериб деди Гулжаҳон:
— Қуллик қандай бўлишин
Билиб қўйсин бу нодон.
Хуржунида неки бор
Талон қилинг барини.
Барингиз бирдай бўлиб
Олингиз ҳамёнини.

Қуллик қандай бўлишин
Кўрсатиб қўйинг энди.
Энди ўз қишлоғига
Бўлиб борсин келгинди.
Бу қирқ қул бу дунёга
Қайта келган мисоли,
Ё ўша қилкўприкдан
Ўта келган мисоли
Уй-уйига тарқалди
Бари бирдай шод бўлиб,
Қола берди бунда бой
Дили хун, ношод бўлиб.

Қирқ қул ўйлар: бу не ҳол,
Унгмидир ё тушмидир?
Бу қандай париваш ё
Анқо деган қушмидир?
Одам боласи бўлса
Оёғига бош урсак.
Қўлдан келса бошига
Бахт қушини қўндирсак.
Билмас Гулжаҳоннинг ҳам
Қанизак, маҳрамлигин,
Бўйқизларга хос орзу,
Ҳавасдан маҳрумлигин.

VIII равза

Не қорли тоғлар ошиб,
Не болли боғлар ошиб,
Кечиб не дарёларни,
Сойларни, анҳорларни,
Олатоққа Жаъфар шоҳ,
Сафари бесамар шоҳ
Етиб бориб қўнмишдир,
Қароргоҳ айламишдир.

Бир неча тоғлар беги
Тоғни қўриқлар эди.
Ҳар тошини бегона
Қўзлардан сақлар эди.
Кимса шикаст етказса
Сайғоғи, арчасига,
Сўйлашарди у билан
Тамом йигитчасига.
Жаъфар шоҳ ўз тоғидай
Кўриб бу чўнг тоғларни
Отмоққа тутинганди
Чил каклик, оҳуларни,
Шу ондаёқ йўлиқди
Тоғлар беги қаҳрига.
Ана-мана дегунча
Ғишт қаланди гўрига:
— Бу қандай шоҳ, қандай зот,
Қай элдан келган безот?
Олатоғнинг тупроғи,
Тошларини босган ким?
Елкасига ажалнинг
Милтиғини осган ким?

Жаъфар шоҳ сал тутилиб
Сўзга кирган бўлади.
Ташвиш, ғамдан қутулиб
Бунда юрган бўлади:

— Мен Қоратош элининг
Шоҳиман, султониман,
Ўз юртининг ҳукмдор,
Туғдор, сулаймониман.
Тоғлар беги, ўзингни
Бос, армонда қолмагин,
Ўз бошингга кетмас бир
Балони бошламагин.

Олтин шоҳли олқорни
Тутмай бундан кетмасман.
Унингъиз бу дунёнинг
Ғамларин унутмасман.
Олтин мўгузли олқор —
Шоҳ қизига муносиб.
Беодоблик қиласан
Нега йўлимни тўсиб?

Тоғлар беги чидолмай
Шоҳнинг сиёсатига
Ғапига қулоқ солмай
Қамчи босиб отига
Бурғу чалиб чорлайди
Қолган шерикларини.
Тоғ айланиб юрувчи
Шоҳ ясовулларини,
Тоғ-дарада яшовчи
Овул одамларини.
Фурсат ўтмай йиғилди
Ҳар жилғанинг тоғ беги.
Шоҳдан тап тортмай деди
Бир овул дуганбеги:¹
— Бу тоғда санқиб юрган
Қандай элнинг шоҳи бу?
Уз юртининг арзанда
Қандай «беғуноҳи» бу?
Сенда бор қиз бу элнинг
Султонида йўқмидир?
Ё сенинг қизинг танноз,
Хилча белли оқмидир?
Султонимиз эшитса
Терингга сомон тикар.
Сенинг ўйлаганларинг

¹ Оқсоқоли.

Е бошқа тоғ, эл чиқар?
Туш кўрсанг, тушингни айт
Иўйиб, қўяй қотириб,
Бу етмаса тўшингга
Испихонни ботириб.
Етим қолган бўтадай
Барингни бўзлатармиз,
Сомон тикиб терингга,
Этингни тузлатармиз.
Е тутиб берайликми
Олтин ёлли отлардан?
Айтайми бошқа яна
Сиру синоатлардан?
Қани тезроқ жўнаб қол
Қайтиб келган изингга.
Бу ернинг йигитлари
Зарил эмас қизингга...

Шоҳ тушиб ўз шаштидан
Хам бўлади бошлари.
Насиб қилмайди олқор
Тугул тоғнинг тошлари.

Ялиниб, ёлворди ҳам
Лек сўзи ерда қолди.
Қайтиб келган изига —
Эли томон йўл олди.

Қай йўлдан борган бўлса
Шу йўлдан қайтиб келар.
Қайта бошқатдан йўлнинг
Азобин тортиб келар.
Шу йўсинда йўл юриб,
Бирларда бейўл юриб
Таниш қир, таниш ерга —
Йўли айланиш ерга

Етгач қулоқларига
Ажаб бир куй чалинар.
Куйни чалганга бўлсин
Тасаннолар, таҳсинлар!

Қўйчибон бир қирликда,
Бир қиё, бир ўрликда
Қўлдаги чолғусини
Берилиб чалар эди.
Бу жонни олғусини
Чунон сўйлатар эди.
Қарвон ҳам келар етиб
Қанча қирлардан ўтиб.

Топганини ўртага
Тўкиб солар қўйчибон.
Чолғусини қўлига
Қайта олар қўйчибон.

Кетишда шод, келишда
Шоҳнинг таъби хирадай.
Юзи мотамсаролиқ
Юрак-бағри ярадай.

Қайта созлаб созини
«Кулдиргич» куйин бошлар.
Меҳмонларини қайта
Хуш келинг, деб олқишлар.

Саноч тўла қўлбола
Қимиздан тортилади.
Саноч ҳадемай тугаб
Сабага¹ ўтилади.

¹ Тана терисидан қилинган меш.

Уртада тандир кабоб¹,
Ана меҳмоннавозлик.
Қимизхўрлик турганда
Не керак шароббозлик.

Меҳмонларнинг бирма-бир
Кўзи сузилиб борар.
Қимиз элитганлиги
Буткул сезилиб борар.

«Қайтишда бу чўпонни,
Сўзсиз, олиб қайтарман.
Бормас бўлса мабодо
Шўрини қуритарман».

Шоҳнинг бу гапи тушар
Ёдига сархушликда.
Қўйчибон унар бўлса
Номй чиқар тушликда².

Бадназар шоҳнинг феъли
Бадлигича қолмишдир.
Қўйчибоннинг ёдига
Уша гапни солмишдир.

Қўйчибон дер:
— Бунга бир
Кўрсатай кимлигимни,
Чўпон бўлганим билан
Шоҳдан бекамлигимни.

¹ Қўйнинг нимталанмасдан бутун ҳолида тош тандирда ар-
ча қўрига димланиб пишгани.

² Қоратош али кўзда тутиляпти.

Келиши — дўст, кетиши —
Душман экан бу зотнинг,
Назари гадодан паст
Шоҳ эмас бир безотнинг.

Тузни тотиб тузлуққа
Тупургандан ўгир юз.
Қўйчибоннинг кимлигин
Билиб қўйсин бу беюз.

Сатқан шоҳлик кетсин,
Надир бунинг жазоси?
Шундай бир куй чалайки
Бошлансин жанозаси?

Бу гапларни кўнглидан
Тасбеҳ мисол ўтказиб,
«Чорнаво»син созлайди
Маромига етказиб.

Унглаб олиб ўзини
Чалар йиғлатиш куйин,
Мунгли куй қўноқларнинг
Ўртаб борар кўкайин.

Бора-бора йиғлашга
Туша бошлар бир бошдан,
Ҳолат, аҳволотлари
Фарқ қилмасди бойқушдан.

Шундан сўнг гал келади
«Ухлатиш» номасига,
Энди томоша қилинг
Шоҳнинг паймонасига.

Ухлашга тушар бари
Сорга ем бўлган лошдай,
Донг қотиб ухлар йўлда
Ётган ташландиқ тошдай.

Пайт — шу пайт, деб қўйчибон
Бошқа юртга¹ йўл олар.
Қўзилари, қўйлари
Булут мисол қўзғалар.

Қилганга — қил, деб шоҳнинг
Миниб олар отини,
Тириклайин ўлдириб
Қайириб қанотини.

Уч кечаю уч кундуз
Булар бунда ухлашар.
Бунгача чўпон неча
Дара ошар, тоғ ошар.

Тўртинчи кун деганда
Бўзариб тонг ҳам отар.
Соқчилари ўлдик, деб,
Бир-бирини уйғотар.

Шоҳнинг кўзи қонталаш,
Чақирар жаллодини:
— Соқчиларнинг бирма-бир
Бериб қўйгин додини.

Қайдадир Ойсар полвон?
Қай гўрда Қайсар полвон?
Куйга ҳушидан кетмиш
Кўжа, дардисар полвон?

¹ Бошқа яйловга.

Ухлашни ким қўйибди,
Турғовутлар сизларга?
Улгудайин гўл, анқов,
Сиздайин тенгсизларга?

Шоҳ шу йўсин олдирав
Соқчиларнинг бошини.
Омадсизликка йўйиб
Бу ерда қўнишини.

Ойсар, Қайсар полвонлар
Даррада жазоланар.
Очликдан шоҳнинг кўзи
Тиниб, боши айланар.

Дастурхон ёзиб энди
Қилмоқ бўлар тамадди.
Шоҳ кўнглини олмоққа
Сигмас ҳеч кимнинг ҳадди.

Таъзиядан қайтгандай
Бари мунгли бу дамда.
Иши юришмай келар
Ҳар нафас, ҳар қадамда.

Иши юришмай, шашти,
Бахти қайтиб боради.
Ойлаб юриб боғбонга,
Боққа етиб боради.

Бу гал шоҳни боғбонмас
Кутиб олар аёли
Аёлни кўриб шоҳнинг
Бўлинади хаёли:

— Шундай бўлса киройи
Эр йигитнинг хотини.
Кўзни олар чиройи —
Сахтини, сумбатини..

Бу хотин боғбонга ҳайф,
Ҳайф сочининг толаси.
Бу қандай тоғ оҳуси,
Қандай қирнинг лоласи?

Оҳ, эсиз ўтди умр
Тўймай қоракўзларга.
Қайда энди етмоқлик
Бундай гамгузорларга.

Сарой маликалиги
Муносиб бу малакка.
Шаҳарлар тикса арзир
Биру бор кўринмакка!
Майи антаҳур ичсанг
Бўлиб яккама-якка ..
Алафни гулга қўшмиш
Ҳайронман, бу фалакка.

Хотин ҳам сезиб дарҳол
Шоҳ феълин озганлигин,
Йўлдан уриб шаҳвати
Шайтон озғирганлигин.

Гуногун ноз-неъматга
Тўлдириб дастурхонни,
Боплаб меҳмон қилишга
Чоғланмиш беймонни.
Қўйнига солиб қўймоқ
Учун ҳури филмонни...

Ош қилиб ош тагига
Ташлаб қўймишдир наша.
Ўз турқин ўзларига
Қилдирмоқ-чун томоша.

Ширин бўлган эди ош,
Тилдан кетмас таъмлари.
Бу келган меҳмонларнинг
Шу эди бир камлари.

Бошда кула бошлар шоҳ,
Ишшай бошлар бари.
Турай деса туролмас,
Учиб ақлу ҳушлари.
Кўриниб кўзларига
Еру осмон тескари.

Бирлари уввос тортиб
Йиғлай бошлар телбадай.
Қолиб кетгандай бўлиб
Беватан, бекулбадай.

Ҳадемай келиб қолар
Бозор кетган боғбон ҳам.
Хаёлида ҳеч гап йўқ
Кўнгли оқ чароғбон ҳам.

Бекасининг бу иши
Унга туюлар эриш.
Салмоқ билан сўзланар:
— Бу ишинг — номаъқул иш.

Меҳмон — атойн худо,
Қутлуғ пойқадамлари.
Кутиб олган меҳмонинг —
Ўзга эл одамлари.

Хуши жойига келиб
Кулиб кетмаоми биздан.
Наинки, биздан бутун
Меҳмондўст элимиздан.

Шоҳнинг бузуқ ниятин
Айтмас лекин бекаси.
Тушмасин деб кўнглига
Зинҳор рашк кўланкаси.

Бўлар иш бўлгандан сўнг
Кенгашади эр-хотин.
Қора қилмаслик учун
Шоҳнинг турқ-тароватин.

Отларига миндириб
Ҳайдаб солади бундан.
Пешонасидан кўрсин
Не чиқса, деб олдиндан.

Хуржунларига солмиш
Олма, анжир, анордан,
Қутулганидан хурсанд
Бўлиб кекса беордан.

Шоҳ сархуш, кўшин сархуш
Кетиб борар тангсалиб.
Бирин хуш, бирин беҳуш,
Тумшуқлари осилиб.

Кун ўтиб кун кетидан
Туғаб борар ем, емиш.
Ойда еган — тўқ, кунда
Еган бўлар — суқ, демиш.

Шоҳ қадами етган ер
Файзу қутдан бенасиб.
Не тиласа тилаги
Бўла билмас ҳеч насиб.

Қайда эди йилқичи,
Қайда унинг яйлови?
Кошки насиб қилолса
Қайта унинг сийлови.

Шоҳ кўзига чалинди
Йилқичининг чайласи.
Бироқ кўзга кўринмас
От уюри, галаси.

Йилқичининг ўрнида
Дабангидай бир йигит,
Қарашига ҳар қандай
Одам ҳам асир йигит.

Бу йигит йилқи эмас,
Бу не ҳол: хачир боқар.
Буни кўрган шоҳ шўрлик
Эс-ҳушини йўқотар.

Шоҳ дер:
— Йилқичи қайда,
Бизга айтолмайсизми?
Қай қўриқ, қайси сойда,
Ё кўрсатолмайсизми?

Йигит дер:
— У йилқичи
Бошқа яйловда ҳозир.
Қиш тушгунча кунини
Ўша ерда ўтказир.

Бияларининг ҳозир
Айни қулунлаш пайти.
Хоназот той, ғунонни
Саралаш, танлаш пайти.

Маън этилган олдига
Ёт кимсанинг бориши.
Мен сизга айтсам бу гап
Дарғачи¹ фармойиши.

Шоҳнинг дами ичига
Тушгандан-тушиб кетар,
Безгак тутган мисоли
Эти уюшиб кетар:

Йигит айтар:
— Менинглик
Хизмат бўлса айтингиз,
Юккаш бу хачирлардан
Бирин миниб қайтингиз.

Бошқа хизматингизни
Бажармоққа чоғим йўқ.
Шоҳона қозон осай
Десам гўштим, ёғим йўқ.

Шоҳга йигитнинг гапи
Туюлар ҳақоратдай.
Сизнинг тенгингиз — хачир,
Дегани бир ғоратдай.

Жазолай деса, ночор:
Ўзга эл фуқароси.
Ҳали-бери элининг
Кўринмайди қораси.

¹ Подшоҳнинг чорва бўйича раҳбарлик қиладиган амалдори.

Жўнаб қолишдан ўзга
Чораси йўқ бу ердан.
Қолмасдан бир балога
Яна бу бетаъсирдан.

Боришида оқ йўлли,
Обрўли бўлиб эди.
Қайга қўнса шу ердан
Кўнгли ҳам тўлиб эди.

Қайтишда қайга қўнса
Шу ердан панд еб қайтар.
Кошкийди Қоратошга
Етиб олса бехатар.

Шу йўсин от-отига
Миниб йўлга тушадир.
Ойлар ўтиб, йўллари
Элига тутошадир.

Ўз уй — ўлан тўшагим,
Деб келтирар шукрона.
Сувларидан ичади
Бари ҳам қона-қона.

Баланд бир қирга қўниб,
Тикилар йиғма чодир.
Шох ўз қароргоҳида
Оҳ уриб энтикадир.

Ўз этини ўзи еб
Еғига қовриладир.
Ўзи ёниб, ўз кули
Қўқларга совриладир.
Олтин шоҳли олқорни
Ололмасдан қайтгани,

Уз отини тўдага
Сололмасдан қайтгани
Суяк-суякларини
Сирқиратиб борадир.
Вужудини тер босиб,
Қалтиратиб борадир.
Бўри бўлиб боришда
Тулки бўлиб қайтгани,
Дўст, душмани олдида
Кулки бўлиб қайтгани
Бахтининг қайтганидан
Белги — нишонамикин?
Бебахт қизи Ойнусқа
Ё шўрпешонамикин?

Шоҳ кўнглига тасалли
Берар мулозимлари.
Лекин сохтадай эди
Тавозе таъзимлари.

Бири дастурхон ёзиб,
Бири келтирар гулоб.
Бири тилло бешикдан
Сўз очади атайлаб...

Уртаниб, кулфат, ғамдан
Не кўргулик, аламдан;
Уша боғ, ўша малак
Тушиб шоҳнинг ёдига,
Дард тўла сийнасини
Тутиб дер шабадага:
— Кошки бўлса шу чоғда
Анорнинг сув-шарбати.
Уша олма, анжирнинг
Тилимда ҳамон тотти.

Шу чоғ дастурхончиси
Дарҳол келтирар анор.
Қолган маҳрамлари ҳам
Тизишиб турнақатор.

Сиқа бошлар анорни
Лекин қатра сув чиқмас.
Ҳарчанд сиққани билан
Сув тугул оғу чиқмас.

Айланиб қолмиш тошга
Хуржун тўла олма ҳам.
Хўрлиги келиб шоҳнинг
Кўзида мўлтирар нам.
Юзлари гезариб дер:
— Бу қандай сирли инъом,
Бу ненинг аломати?
Бу кимнинг каромати?
Ё биздан ғазабланган
Малакнинг «марҳамати?»

Тутганинг олтин бўлсин,
Деган гапнинг акси бу.
Алқасосул миналҳақ —
Оллонинг қасоси бу.
Бахтим қайтганлигининг
Белги — ишораси бу.
Борлиқ қилган ишимнинг
Бадкор самараси бу.

Қай бир ҳушёр маҳрами
Шоҳга берар тасалли:
— Ҳали не яхши кунлар,
Шоҳим, олдинда ҳали.
Уша сиз кўрган аёл
Пайкар бўлса ажабмас.

Бир сеҳргар, бир жоду
Бадкор бўлса ажабмас.
Бу олма, анорларин
Битгалаб отмоқ керак.
Ҳийлакор аёл номин
Элга таратмоқ керак.

Нодон шоҳ таскин топар
Маҳрамнинг сўзларидан.
Тумандай тарқар тундлик
Сўлгин юз, кўзларидан.

Шу йўсин йўлга тушар
Қайта бошдан шайланиб.
Ичи чиқмай ишидан
Шоҳ боради ўйланиб.
Кўзга чалина бошлар
Қоратошнинг қораси.
Кўзга кўринган билан
Ҳафталик йўл — ораси:
Ҳар қалай ўз элининг
Эпкинидир — бу еллар.
Қолиб кетди орқада
Тошқин сой, тошқин селлар.

Ҳориб, толиб, ирғалиб,
Маламоҳдай кўзгалиб
Борарди қалъа томон
Тахтидан қилмай гумон.
Шунда кўрғон томондан
Кела берди бир отлиқ,
Бу нохуш хабарчининг
Қош-қовоғи солиғлиқ.

Буни кўрган шоҳ кўнгли
Эзилгандан-эзилди.

Ўз элининг осуда
Эмаслиги сезилди.

Бу сувори вакилнинг¹
Шумхабар берувчиси.
Қирқ йиллик кўхна дардни
Қайтадан қўзғовчиси.

Дарҳол шоҳ оёғига
Йиқилиб берар хабар:
— Бошимизга не кунлар
Солмишдир парвардигор.
Гулжаҳон бошлиқ қирқ қиз
Саройни тарк этмишдир.
Ғафлатда ётган элни
Уйқудан уйғотмишдир.
Йилқичингиз Шодмон кал
Қирқ қизга қирқ от бермиш,
Елғиз бир Ойнуқага
Ўзи² қаноат бермиш.

Қирқ қиз қирқ қароқчига
Кўнгил бергандай бўлиб,
Айш-ишрат қилиб боғда
Гуллар тергандай бўлиб,
Номус-орга қўймишдир.
Қоратош элимизни,
Оёқ ости қилдилар
Урф-одат, динимизни.
Бу кўргулик, бу ишга
Чидай олмай Ойнуқа
Тўшак тортиб ётибди.
Йўталиб қисқа-қисқа.

¹ Сарой бошқарувчиси.

² Худо дегани.

Бу хабарни эшитиб
Шоҳ кетмишдир ҳушидан.
Ииқилиб тушар отдан
Боши айланишидан.

Кўтар-кўтар қилишиб
Маҳрам, мулозимлари.
Ойсар, Қайсар полвонлар —
Балойи азимлари.

Солишиб шоҳларини
Тахтиравон — «тобут»га,
Суя-суя қилишиб
Етказур олтин тахтга.

Узига келгач, қайта
Минар ғазаб отига.
Олиб келинг кални, дер,
Уч-тўрт турғовутига.

Қалнинг бўйнига бўғов,
Қўлига сиртмоқ солиб,
Кишан уриб оёққа
Келар олдинга солиб.

Шоҳ Шодмон кални тутар
Савалатиб, сўроққа:
— Не бўлди, туз кўр қилгур
Сен хотини талоққа?

Узи йўқнинг — кўзи йўқ,
Деган ҳали сенмисан?
Ит қилганин иторчи
Қилмас оғзи қонмисан?

Қана босган зиндонга
Ташланг бу бетавфиқни;
Қирқ йил тузимни тотган
Ношукур мунофиқни.

Зиндонда чириб кетсин,
Бундаининг жазоси — шу.
Элда жорий этилган
Қонун тақозоси — шу.

IX равза

Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ суқсур, қирқ қундузи,
Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ ойи, қирқ юлдузи.
Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ кеча, қирқ кундузи,
Ҳар бири қирқта қиздан —
Таърифлари тенгсиздан
Йиға бошлаб кун-бакун,
Ишни қилмишдир якун.
Қуролланиб, шай бўлиб,
Қўнгиллари жой бўлиб
Отланиб бари бирдай
Шоҳнинг саройи томон
Йўл олар тошқин Сирдай.
Гулжаҳон барига бош
Қизларга жони туташ.

Қирқ қароқчи, қирқ йигит —
Бари қасоскор йигит,
Ҳар қайси қирқ йигитдан —
Яшин мисол ер-кўкка
Учиб, қўнар бургутдан
Тўплаб бари бир бўлиб,

Ҳамдам ҳамфикр бўлиб,
Қиладиган ишлари
Урталикда сир бўлиб,
Ҳай-ҳайлашиб отланиб,
Отланиб, қуролланиб,
Шоҳнинг қалъаси томон
Юришар йўлбарссимон.
Самандар буларга бош,
Барига бирдай жондош.
Оломонни олдинга
Ундаб дер:
— Дарёдай тош!
Қирқ қул ҳам қирқ томондан,
Қолишмай оломондан,
Сўйил олишиб қўлга,
Қўшилиб алҳо-олга,
Қўрғон сари қўзғалар,
Довруғ солиб йўл олар.
Бир кишига ўн киши
Қўшилиб йўл-йўлакай,
Дейишиб:
— Йўқсилликда
Кун кўрамиз тобакай.
Қайда сулув қиз бўлса,
Урни бу қўрғондадир.
Шўрлик ота-онаси
Бир умр армондадир.
Хароб бўлди эл-улус
Жаъфар шоҳнинг дастидан.
Зил кетгани чин бўлсин
Тож-тахтининг остидан.

Йигит, қиз — сарбозларнинг
Бошларида дубулға;
Эгнида зирҳли совут
Йўл бошлар — «Қани олға!»

Кўксида пўлат қалқон,
Қўлда испиҳон, найза.
Ҳадемай бу ҳол бўлмиш
Эл-улусга овоза.

Сой, дарёлар тутшиб
Денгиз бўлгани мисол,
Уммоннинг куч-қудрати
Тенгсиз бўлгани мисол

Оломоннинг тўлқини
Чайқалиб тошган эди.
Тўлқин пўртаналари
Кўкка туташган эди.
Бу қўзғолон таърифи
Тоғлардан ошган эди.
Жаъфар шоҳ таъбиридан
Тамом адашган эди.

Кўксида армонлари
Тоғдай қалашган эди.
Гулжаҳон эрдай бўлиб —
Рустам ботирдай бўлиб,
Ўлжасига мўлжаллаб
Ташланган сордай бўлиб,
Қайда қизгин жанг бўлса
Шу ерда бордай бўлиб;
Самандарни қошига,
Чақириб ёнбошига
Сўзлайди кўпга қараб:
— Утирмасдан, деб, ёраб,
Шоҳлик салтанатини
Тугатар бир чоқ келди!
Барча кўриб турибди:
Жаъфар шоҳ олчоқ келди.
Йил, ой эмас кун сайин
Мамлакат хароб бўлди.
Кўрсатган йўл-йўриғи

Оқ эмас, сароб бўлди.
Эл орзуси ушалмай,
Ташвиши сероб бўлди.
Таслим бўлар, бўлмаса
Жон олиб, жон бериши.
Шоҳни, амлокдорларни
Ўз қонига қориши.
Демангиз яна ҳар ким
Ўзини қутқариши.
Бу жанг шундай жанг бўлар
Қўрқоқ ҳоли танг бўлар.

Бу жангда, бу майдонда
Қирғинда, қўзғолонда
Қочиб ўлган — кўмгулик!
Қувиб ўлган — мангулик!
Гулжаҳоннинг бу гапи
Қўпни отлантиради.
Кексамидир, ёшмидир
Бирдай қувонтиради.

Гулжаҳоннинг номидан
Шоҳга нома битилар.
Нома, талабномада
Шундай шартлар айтилар:

— Туғилмаган Гиловга
Тилло бешик излаган.
Эли қолиб ҳамиша,
Ўзлик-ўзин кўзлаган.

Шоҳимиз сизга айтар
Шудир сўнгги сўзимиз.
Тубандагича эрур
Шарт ҳам имтиёзимиз.

Таслим бўлсангиз, майли,
Яшангиз эл қатори.
Акс ҳолда умрингизнинг
Бўлмагай тонготари.

Арпа емас отлар ҳам
Ажириққа зор бўлди.
Эрлар қароқчи бўлиб
Кунин ўтказар бўлди.

Ошиқ маъшуқасига
Интиқ; интизор бўлди.
Тутган йўриғингиздан
Халойиқ безор бўлди.

Истагимиз — жангоҳда
Тўкилмасин қатра қон.
Шаҳар вайрона бўлиб
Бўлмасин қирғин, қирон.
Бундан буён қатлгоҳ
Қилингуси қатарон.
Беҳуда оққан қонга
Тўлангусидир товон...

Гулжаҳон бошлиқ неча
Туман улус тўпланиб,
Шоҳдан жавоб келгунча
Суворилар ўртаниб,
Девонхона атрофи
Қуршаб олинмоқдайди.
Жангу жадал белгиси —
Бурғу чалинмоқдайди.

Қалъа назоратчиси
Айғоқчиси, соқчиси
Қалтирайдир, қақшайдир,

Чоғланади қочмоққа
Жон ширинга ўхшайдир...
Сарой ахборотчиси
Огоҳ қиладир шоҳни:
— Маъзур тутгайсиз, шоҳим,
Мендайн бир кўтоҳни¹.
Тамом ўраб олинмиш
Қўрғоннинг айланаси.
Ҳеч иложи йўқ бундан
Чиқмоқликнинг чораси.

Жадал кенгашади шоҳ
Аркони давлат билан.
Вазир, саркардалари
Сўз олар навбат билан:
— Хизматингизни қилдик
Доим садоқат билан.
— Элни бошқариб бўлмас,
Қурол, ҳимоят билан.
— Биринчи бор тўқнашдик
Бундай синоат билан.
— Уйнашиб бўлмас чоғи,
Бундай талофат билан.
— Фурсатни қўлдан бердик
Армонли гафлат билан.
— Эндиги кунларимиз
Ўтмаса кулфат билан?

— Чиқиб бўлмас қалъадан
Учганда қанот билан!
— Наузанбллоҳ² энди
Фақат қаноат билан.

¹ Қалтафаҳм.

² Худо сақласин.

— Эмди, қимнинг иши бор
Биздайин бебахт билан?

— Қолган умримиз ўтар
Фақат маломат билан.

— Йўқ, бир маломат эмас
Мудом назорат билан...

Х равза

Сарой солномачиси
Очар янги саҳифа.
Бу «ИИЛНОМА» га энди
Битилмагай латифа.
Еруғ кунларни ёзар
Саҳифама-саҳифа.

Мамлакат бўйлаб бу кун
Тарқалди бир хушхабар.
Қутлашарди бир-бирин
Қон-қариндош биродар:

— Иқболимиз тоғдан ҳам
Буёқ бўлса не ажаб!
Элнинг орзу-ўйлари
Бу кун бўлди мустажаб.
Косаларни тўлдириб
Майдан қуй, Мамаражаб!..

Қоратош осмонида
Карнай, сурнай номаси.
Қалъанинг ич-ташида
Созчилар таронаси.

Шоирларнинг тилида
Мадҳу сано байтлари.
Қайтадан бошлангандай
Бўлиб бу ҳаётлари:
— Бу тахт бир Гулжаҳоннинг
Тахтимас, элнинг тахти.
Бу бахт бир Гулжаҳоннинг
Бахтимас, элнинг бахти.

Бор бўлсин юртимизнинг
Ботир, баҳодирлари.
Гулжаҳон, Самандардай
Сарвари, сардорлари.

Доруломон замонлар
Насиб қилди барчага.
Бу сайис, бу қул демай
Йилқичига, қўйчига.

Олтин тахтга муносиб,
Пойдор бўлсин Гулжаҳон.
Элнинг олқовин олиб
Номдор бўлсин Гулжаҳон.

Жибахона¹ калити
Берилар Самандарга,
Озор берилмасин, деб
Ҳеч кимсага бекорга.

Шу куни йўқлатади
Гулжаҳон Шодмон кални.
Зиндон азобин тортган
Бечорани, беҳолни.

¹ Жанг аслаҳалари сақланадиган омбор.

Шодмон калнинг шодлиги
Оламга сиғмас эди.
Гулжаҳон:
— Сизга оға,
Юртчи¹ бўлиш мос, — деди.

Никоҳ қилиб берилди
Ойнусқа Шодмон калга.
Қал Шодмон етганидан
Бундай ҳайдаркокилга,

Оғиз деган қулоқда
Қуёвтўра аталиб.
Чимилдиққа киради
Қуёвсиниб, йўталиб.

Ноҳақликдан, туҳматдан
Ҳибсга олинганлар,
Бўхтон ё маломатдан
Зиндонга солинганлар
Озод этилиб шу кун
Бағри бўлар бус-бутун.

Гулжаҳон гулдай бўлиб,
Эли Чамбилдай бўлиб,
Самандар гулга энди
Қўнган булбулдай бўлиб

Бошланади тўйлари
Тўймисан тўй мисоли.
Ғанимлари ҳеч қўра
Кўрмаган қўй мисоли
Ўзларини қаерга

¹ Чорвадорларнинг кўчиб юрадиган яйловларини танлаб уларга бўлиб берадиган амалдор.

Уришини билмайди.
Қай юз билан бу ерда
Туришини билмайди.

Қирқ қизми дей, қирқ лочин?
Ҳар бири тўлин ойдаи.
Бири қояга энди
Учиб, қўнган қумойдай.
Қирқ йигитнинг ҳар бири
Бургутдай, қарчигайдай,
Кўнгли ўсиб, кўк бўйи
Кўкси қорли Олойдаи.

Қимиз ичар, бол ичар
Тўйларига шайланиб.
Қай бирлари сал ичар
Уялиб ҳам ўйланиб.
Қизлик шарми ҳаёси
Важдан авайланиб.
Кўнгли бор йигитига
Жони дили боғланиб...

Қирқ ўтовни бекаси,
Қирқ йигит маликаси,
Ой шаклида қирқ ўтов —
Кураннинг¹ айланаси.

Қилиғи бошқа-бошқа,
Бошқа-бошқа рўйлари.
Қирқ йигитнинг, қирқ қизнинг
Бирдай эди ўйлари.
Беҳад муносиб эди

¹ Доира шаклидаги қирқ ўтовнинг ўртасига Гулжаҳон учун
чикилган бош ўтов.

Бўйларига бўйлари.
Қирқ қизнинг қишлоғида,
Қирқ қишлоқ чорбоғида.
Қирқ йигит аймағида,
Қирқ аймақнинг боғида
Қирқ кечаю қирқ кундуз
Бўлди тўкма, тўйлари.

Қирқ қулоқли қирқ қозон
Қирқ ерга осилади,
Устига эт, тагига
Зиравор босилади.

Қирқта қулунли бия
Боғ, боғловга қўйилиб,
Қирқ ўтовнинг олдида
Қирқта қўчқор сўйилиб,
Қарнай «ғати» га сурнай
Навоси уланади.

Тўй Қоратош элининг
Сайлига айланади.
Узоқ-яқиндан келган
Меҳмонлар сийланади.
Куй, ўлан кетидан шоҳ
Достонлар сўйланади.

Қирқ қул қозон бошида,
Бешбармоқ ёнбошида,
Қувонч ифодаси бор
Кўзларининг ёшида.

Тўйбоши, тўйларбоши,
Ишбоши, карвонбоши
Гулжаҳон сўзлар энди,
Узоқни кўзлар энди:
— Бу элнинг бахти тугул

Тоши қаро бўлмасин.
Бир қарич, ёр, тупроғи
Бесамара бўлмасин.
Бу юртда бирон кимса
Мотамсаро бўлмасин.
Элнинг номи Қоратош
Эмас Оқтош бўлса-чи?
Оқтошимиз жаҳонга,
Жонга туташ бўлса-чи?
Барча бирдай дувиллаб,
Еш-яланглар чувиллаб
Гулжаҳоннинг сўзини
Олқишлайди гувиллаб.
Ушандан бери бу эл
Оқтош аталиб келар.
Оқтош юртининг иши,
Олдинга талпиниши
Бирдай мақталиб келар.

Сарой солномачиси,
Донишманд қомусчиси
Тизмай ғийбат, лофларни.
Бўлар-бўлмас гапларни,
Қалъа ёрлиқ, фармонин,
Элнинг орзу-армонин,
Еруғ, ёрқин кунларни,
Тонгдай тиниқ тунларни
Битиб борар бирма-бир
Аниқ, равшан — бетаъбир,
Белоф ҳам белатифа
Саҳифама-саҳифа:
Қирқ қиз — қирқта қалдирғоч —
Қирқ сулув, қирқ чилвир соч
Жон мисол, жаҳон мисол —
Эътиқод, имон мисол,
Тошлари, тупроқлари

Томирдаги қон мисол
Қоратошмас, Оқтошга
Номи дилга туташга;
Ҳар хона, ҳар қишлоққа,
Хазон бўлган ҳар боққа
Қайта бошдан Баҳорни —
Боладай беғуборни
Олҳол, бошлаб келдилар
Ҳам олқишлаб келдилар.
Йўқсил, етим-есирнинг
Қўнглин хушлаб келдилар.

МУНДАРИЖА

Шеърлар

* Улкан йўлга чиқдим, йўлимда	6
Орзуларим	7
* Мен ҳам	8
Илтижо	9
Болажон	11
* Айирма	12
Қайдадир	13
* Ухшайди	14
* Армон	15
Мерос	17
Ухшар	18
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли	19
* Дарёи азим	21
* Мажнунтол	23
Сизни эслайман	24
Денгиз	28
* Ишим бордур ўша оҳуда	29
* Менинг қора кўзгинам	30
Садаға	34
Яралмиш	35
Мени мафтун қилмоқ истарсан	36
Кўргим келади	38
* Сулув	39
* Танимадингми?	43
Келармисан	44
Сенингсиз	45
Нома	46
Уйнаса	48
* Тузоқ	49
Мен қайга борар бўлсам	52
* Тушмасин	53
Бўлса-чи (Тўқтағулдан)	54

* Толиқамиз гоҳо тоқликдан (Абдулла Тожибоевдан)	55
* Онаизор	56
Ишқ	59
Билингай	61
Созчи қўшиғи	63
* Алёр	64
Қорхат	68
Моргузар	72
Дўмбирам	73
* Илтижо қилган билан	79
* Бахмал боғларида	87
Бир сизга сизингайман	88
Деҳқон қўллари	90
Бўлмаса	92
Болдизим	93
Ўзбекистон пахтаси	94
* Айрилмас	95
* Ишонманглар	97
* Оқпадар	99
Қарғиш	100
* Кўрдим	101
* «Сир бўйида бир гунча»	102
Йиғлар	103
Юртимизни қўриқлар	104
Порлаб турган қуёшдай	105
Сир бўйи ўланлари	107
* Ватангадолар нидоси	110

Достонлар

* Интизор	114
* Қирқ қалдирғоч	127

**С Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1984 й.**

На узбекском языке

Тура Сулайман

ЖЕЛАНИЕ ДУШИ

Стихи и поэмы

Тақризчи *Тўра Мирзаев*

Редактор *И. Мирзамахмудов*, Рассом *А. Лейси*, Расмлар редактори *М. Карпузас*, Техн. редактор *С. Қодирова*, Корректор *О. Турдибекова*.

ИБ № 2767

Босмахонага берилди 21. 11. 83. Босишга рухсат этилди 03. 04. 84. Р 13626. Формати 70×90^{1/32}. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 8,19. Шартли кр.—отгиск 8,19. Нашр л. 9,51. Тиражи 6000. Заказ № 48. БЎҳоси 1 с. 50 т.

Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.

Сулаймон, Тўра.

Истар кўнгил: Шеърлар ва дostonлар.—
Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.—224 б.

Халқ ижоди — қайнар булоқ. Тўра Сулаймон ана шу булоқдан баҳраманд бўлган ижодкорлардан.

Мана ўттиз йилки, шоир устозлари — қалқиб, чалқиб оққан дарёлар — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Курбонбой Жиров, Ислом шоир Назар ўғли йўлини сидқи содиқлик билан тутиб келади.

Эллик ёши муносабати билан нашр этилаётган мазкур китобга Тўра Сулаймоннинг турли йилларда яратилган энг сара шеър ва дostonлари жамланди.

Сулайман, Тура. Желание души: Стихи и
ПОЭМЫ.